

Б.Т. БЕРДИЯРОВ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИЖОРАТ
БАНКЛАРИНИНГ ЛИКВИДЛИЛИГИ ВА
ТЎЛОВ ҚОБИЛИЯТИНИ ТАЪМИНЛАШ
МАСАЛАЛАРИ**



МОНОГРАФИЯ


336.5
0-55

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ**

Б.Т. БЕРДИЯРОВ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИЖОРAT
БАНКЛАРИНИНГ ЛИКВИДЛИЛИГИ ВА ТЎЛОВ
СОБИЛИЯТИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ**

МОНОГРАФИЯ



Тошкент-2020

УЎК: 336.711 (575.1)

КБК: 65.262.1(54)

Б-55

Бердияров Б.Т. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг ликвидлилиги ва тўлов қобилятини таъминлаш масалалари. – Тошкент: 2020. – 170 б.

Монографияда тижорат банкларининг ликвидлилиги ва тўлов қобилятини таъминлаш хусусидаги илмий-назарий қарашлар, методологик ҳамда меъёрий-ҳуқуқий асослари, хорижий мамлакатларнинг бу борадаги илғор тажрибаси ва унинг амалий аҳамияти, республикамиз тижорат банкларининг ликвидлилиги ва тўлов қобилятининг амалдаги ҳолати таҳлили натижалари, шу билан бирга, тижорат банкларининг ликвидлилиги ва тўлов қобилятини таъминлашдаги мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимига қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар баён этилган.

Шунингдек, монографияда тижорат банкларининг ликвидлилиги ва тўлов қобилятини тавсифловчи индикаторларнинг эконометрик таҳлили ва ўрта муддатга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари берилган.

Иқтисодиёт йўналишидаги магистратура мутахассисликлари, тадқиқотчи-изланувчилар ва мутахассис-амалиётчилар учун мўлжалланган ушбу монография Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси Кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган.

Тақризчилар:

и.ф.д., академик С.С. Гулямов

и.ф.д., профессор Н.Х. Жумаев

ISBN 978-9943-4416-8-2

© Ўзбекистон Республикаси
Банк-молия академияси
“Молия” нашриёти

МУНДАРИЖА

КИРИШ	5
I БОБ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ЛИКВИДЛИЛИГИ ВА ТЎЛОВ ҚОБИЛИЯТИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ	
1.1-§ Тижорат банкларининг ликвидлиги ва тўлов қобилиятини таъминлашга доир илмий-назарий қарашлар.....	7
1.2-§ Тижорат банкларининг ликвидлиги ва тўлов қобилиятини баҳолашнинг назарий асослари.....	17
1.3-§ Тижорат банкларининг ликвидлиги ва тўлов қобилиятини таъминлашнинг методологик асослари....	27
II БОБ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ЛИКВИДЛИЛИГИ ВА ТЎЛОВ ҚОБИЛИЯТИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИДАН ЎЗБЕКИСТОН БАНК АМАЛИЁТИДА ФЙДАЛАНИШ ИМКОНИАТЛАРИ	
2.1-§ Тараккий этган мамлакатлар тажрибаси.....	39
2.2-§ Ривожланаётган мамлакатлар тажрибаси.....	55
2.3-§ Тижорат банкларининг ликвидлиги ва тўлов қобилиятини таъминлаш борасидаги илғор хориж тажрибасидан Ўзбекистон амалиётида фойдаланиш имкониятлари.....	66
III БОБ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ЛИКВИДЛИЛИГИ ВА ТЎЛОВ ҚОБИЛИЯТИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҲОЛАТИ ВА ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ	
3.1-§ Тижорат банкларининг ликвидлиги ва тўлов қобилиятини таъминлашнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари.....	75
3.2-§ Тижорат банклари ликвидлигининг замонавий ҳолати.....	91
3.3-§ Тижорат банклари тўлов қобилиятининг амалдаги ҳолати.....	106

IV БОБ	ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИЖОРAT	
	БАНКЛАРИНИНГ ЛИКВИДЛИЛИГИ ВА ТЎЛОВ	
	ҚОБИЛИЯТИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛЛАРИ	
4.1-§	Тижорат банкларининг ликвидлилиги ва тўлов қобилияти таъминлашдаги муаммолар.....	117
4.2-§	Тижорат банкларининг ликвидлилиги ва тўлов қобилияти таъминлаш йўллари.....	128
4.3-§	Тижорат банкларининг ликвидлилиги ва тўлов қобилияти тавсифловчи индикаторларнинг прогноз кўрсаткичлари.....	139
ХУЛОСА.....		147
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....		154
ИЛОВАЛАР.....		162

КИРИШ

Тараккий этган мамлакатлар тажрибасининг кўрсатишича, тижорат банкларининг ликвидлиги ва тўлов қобилиятини таъминлаш банкларнинг миллий иктисодийни ривожлантиришдаги ролини оширишнинг зарурий шартларидан бири ҳисобланади. Ўз навбатида, тижорат банклари ликвидлиги ва тўлов қобилиятини таъминлашда уларнинг жорий ликвидлигини юқори ликвидли қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар ва пассивларнинг барқарорлиги ҳисобига таъминлаш ҳамда регулятив капиталнинг етарлилигига қўйиладиган талабларни ошириш муҳим ўрин тутмоқда. Хусусан, Bank of America (АҚШ) активларининг умумий ҳажмида ҳукуматнинг қимматли қоғозларига қилинган инвестицияларнинг салмоғи 2018 йилда 11,1 фоизни ташкил этгани ҳолда, унинг жорий ликвидлик даражаси 2018 йилда 2014 йилга нисбатан 0,4 фоизли пунктга ошди¹. Barclays Bank (Буюк Британия) мажбуриятларининг ҳажмида регулятив капиталнинг салмоғи 2018 йилда 2014 йилга нисбатан 0,9 фоизга ошганлиги унинг тўлов қобилиятини таъминлашда муҳим роль ўйнади².

Дунё мамлакатларида тижорат банкларидаги баланслашмаган ликвидлик муаммосини ҳал қилиш, банклар активлари ва капиталнинг рентабеллигини ошириш, берилган кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорликнинг паст ва барқарор даражасини таъминлаш, тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини ошириш, стресс-тестлаш амалиётини такомиллаштириш орқали банкларнинг молиявий инқироз оқибатларига чидамлилигини оширишга бағишланган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу эса, тижорат банкларининг ликвидлиги ва тўлов қобилияти масаласини илмий асосда тадқиқ қилишнинг долзарблигини кўрсатади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш, уларнинг депозит ва капитал базаларини мустаҳкамлаш мамлакат банк тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантиришнинг устувор йўналишлари сифатида эътироф этилган³. Бу эса, ўз навбатида,

¹ Annual Reports. Consolidated Balance Sheet. <http://www.bankofamerica.com> (Bank of America)

² Annual Reports. Consolidated summary Balance Sheet. www.barclays.com (Barclays Bank).

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сонли Фармониغا 1-илова//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. - Тошкент, 2017. - № 6 (766). 32-б.

тижорат банкларининг ликвидлилиги ва тўлов қобилиятини таъминлаш заруриятини юзага келтиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони, 2017 йил 13 сентябрдаги “Пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2017 йил 12 сентябрдаги “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ва бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришда ушбу тадқиқот иши маълум даражада хизмат қилади.

Тижорат банкларининг ликвидлилиги ва тўлов қобилиятини таъминлаш бўйича жаҳонда амалга оширилган илмий тадқиқотларда қуйидаги илмий натижалар олинган: пассивларнинг барқарорлигини таъминлаш асосида тижорат банкларининг тўлов қобилиятини таъминлашнинг мақсадга мувофиқлиги асослаб берилган Barclays Bank (Буюк Британия); бирламчи захираларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғининг барқарор даражасини таъминлаш йўли билан банкларнинг жорий ликвидлилигини таъминлаш, кредит рискин баҳолаш ва бошқариш амалиётини такомиллаштириш орқали тижорат банклари кредит портфелининг сифатини таъминлаш таклифлари амалиётга жорий этилган (Harvard University, АҚШ); риск-менежмент тизимини ривожлантириш орқали банкларнинг тўлов қобилиятини ошириш имкониятлари асослаб берилган (University of Paris Sorbonne, Франция); тижорат банкларига нисбатан белгиланадиган пруденциал меъёрлар тизимини такомиллаштириш орқали банкларнинг ликвидлилиги ва тўлов қобилиятини оширишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган (Институт экономической политики имени Е.Гайдара, Россия).

Ї БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ЛИКВИДЛИЛИГИ ВА ТЎЛОВ ҚОБИЛИЯТИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

1.1-§. Тижорат банкларининг ликвидлилиги ва тўлов қобилиятини таъминлашга доир илмий-назарий қарашлар

“Ликвидлилик” тушунчаси лотинча – “liquidus” деган сўздан олинган бўлиб, суюқ, кўчиб юривчи деган маъноларни англатади ва том маънода моддий қимматликлар ва бошқа активларнинг пулга айланишини билдиради⁴.

Тижорат банкларининг ликвидлилигини таъминлаш ва тўлов қобилиятини мустаҳкамлаш масаласи иқтисодчи олимлар томонидан илмий тадқиқот объекти сифатида тадқиқ қилинган ҳамда илмий хулосалар шакллантирилган, илмий тақлифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Аввало, тижорат банкининг “ликвидлилиги” ва “тўловга қобиллиги” тушунчаларига аниқлик киритишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Е.Жарковскаянинг талқинида тижорат банкининг ликвидлилиги – бу унинг активлари ва пассивлари ўртасидаги мутаносиблик, жойлаштирилган активлар ва жалб қилинган ресурсларнинг муддатлари ўртасидаги мувофиқлик даражасидир⁵.

Н.Валенцева ва И.Ларионоваларнинг фикрига кўра, тижорат банкининг ликвидлилиги – бу унинг ўз мажбуриятлари бўйича ўз вақтида ва тўлиқ жавоб бера олиши ҳамда миқдорларнинг янги маҳсулотлар ва хизматларга бўлган талабларини қондира олишидир⁶.

Ф.Мишкиннинг фикрига кўра, тижорат банкининг ликвидлилиги деганда, банкнинг ўз мажбуриятларини бажариш учун зарур бўлган миқдорда ликвидли активларга эга бўлиши тушунилади⁷.

Таникли иқтисодчи олимларнинг тижорат банкининг ликвидлилиги хусусидаги илмий-назарий қарашларидан хулоса қилиш мумкинки, тижорат банкининг ликвидлилиги уларнинг мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ бажаришлари учун етарли

⁴ Банковское дело: учебник/под ред. Г.Г. Коробова. - 2-е изд., перераб. и доп./ – М.: Магистр, 2011. – С.209.

⁵ Жарковская Е.П. Финансовый анализ деятельности коммерческого банка: учебник. - М.: Омега-Л, 2010. – С.83.

⁶ Валенцева Н.И., Ларионова И.В. Оценка финансовой устойчивости и перспектив деятельности кредитных организаций. Учебное пособие. –М.: КНОРУС, 2018. – С. 176.

⁷ Мишкин Ф.С. Экономическая теория денег, банковского дела и финансовых рынков. Пер. с англ. – М.: ООО «И.Д. Вильямс», 2013. – С. 267.

даражада ликвидли активларга эга бўлиши сифатида талкин қилинмоқда. Бунинг учун эса, тижорат банкининг активлари ва жалб қилинган маблағлари ўртасида мутаносиблик таъминланган бўлиши керак.

О.Лаврушиннинг фикрига кўра, ликвидлилик – банк фаолиятининг муҳим сифат тавсифи бўлиб, унинг ишончлилиги ва барқарорлигидан гувоҳлик беради. Ликвидлиликни таъминлаш учун банк баланснинг шундай таркибини шакллантириши керакки, бунда активлар ўз қийматини йўқотмаган ҳолда пассивлар талаб қилиниши билан ўз вақтида пул маблағларига айланиши керак⁸.

Юқорида қайд этилган ликвидлиликка доир илмий-назарий қарашлардаги ликвидли активлар хусусидаги фикрга аниқлик киритиш лозим. Тижорат банкларининг ликвидли активларига пул шаклидаги активлар ҳам, юқори ликвидли қимматли қоғозлар шаклидаги активлар ҳам киради. Аммо, уларнинг банк мажбуриятларини бажаришдаги аҳамияти турличадир. Масалан, банкнинг кассасидаги нақд пуллар, “Ностро” вакиллик ҳисобрақамларидаги пул маблағлари мажбуриятлар юзасидан тўловларни амалга оширишда бирламчи аҳамиятга эга. Бошқа банкларга жойлаштирилган муддатли депозитлар, юқори ликвидли қимматли қоғозлардан тўловларни амалга оширишда фойдаланиш учун маълум вақт керак бўлади (муддатли депозитни муддатидан олдин қайтариб олиш учун, қимматли қоғозни сотиш учун вақт керак бўлади).

Юқоридаги илмий-назарий қарашларни умумлаштирган ҳолда “тижорат банкининг ликвидлилиги” тушунчасини қуйидагича изоҳлаш мумкин: тижорат банкининг ликвидлилиги – бу унинг ўз мажбуриятлари юзасидан тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ миқдорда бажариш учун “Ностро” вакиллик ҳисобрақамларида етарли даражада пул маблағларига эга бўлишидир.

Иқтисодий адабиётларда “тижорат банкининг ликвидлилиги” тушунчаси билан бир вақтда, “тижорат банкининг тўловга қобиллиги” тушунчаси қўлланилади.

Т.Никитинанинг фикрига кўра, тижорат банкининг ликвидлилиги деганда, унинг ўз мажбуриятларини аниқ муддатда, тўловларни кечиктирмасдан бажара олиши тушунилса, банкнинг тўловга

⁸ Деньги, кредит, банки: учебник / Под ред. проф. О.И. Лаврушина. / - М., 2007. – С. 412.

қобиллиги деганда, ўз мажбуриятларини бажара олиши, аммо бир неча кунга кечикиб бажариши кўзда тутилади⁹.

И.Ларионованинг фикрига кўра, тижорат банкининг тўловга қобиллиги банк ликвидлигининг хусусий тавсифи бўлиб, унинг ўз мажбуриятларини жорий режимда пул маблағлари билан тўлай олиш имкониятидир¹⁰.

А.Гинзбургнинг фикрича, банкнинг тўловга қобиллиги – бу тез ўзгарувчанлик шароитида банк ликвидлигини бошқаришнинг юқори самарали ва мувозанатлашган сиёсати бўлиб, банк тўлов баланснинг дефицитига, ноишлаб чиқариш харажатлари ва зарарларига, иктисодий нафнинг пасайишига йўл қўймаслик мақсадида амалга оширилади¹¹.

Т.Хапсирокова ва В.Малеевнинг хулосасига кўра, “тижорат банкининг тўловга қобиллиги” унинг ликвидлигига қараганда тор тушунча ҳисобланади, чунки тўловга қобиллик банк фаолиятининг статик кўрсаткичи ҳисобланади¹².

Фикримизча, тижорат банкининг тўловга қобиллиги унинг ликвидлигига қараганда кенг тушунча ҳисобланади. Ушбу хулосамиз қуйидаги далилларга таянади:

– тижорат банкининг “Ностро” вакиллик ҳисобрақамларида вақтинчалик пул маблағлари етишмовчилиги юз бериши мумкин, бу банкнинг вақтинчалик ликвидлигини йўқотганлигини билдиради, аммо мазкур ҳолат банкнинг тўловга қобил эмаслигини англамайди;

– тижорат банки балансидаги юқори ликвидли қимматли қоғозларни сотиш, бошқа банклардаги депозитларини қайтариб олиши ёки пул бозоридан қисқа муддатли ресурслар жалб қилиш орқали ликвидлигини тиклаши мумкин;

– ҳар қандай тижорат банкининг тўловга қобиллигини тавсифловчи муҳим кўрсаткич, капиталнинг етарлилик даражаси ҳисобланади. Банк капиталининг етарлилик даражаси юқори бўлган шароитда ҳам унинг “Ностро” вакиллик ҳисобрақамларида вақтинчалик пул маблағларининг етишмаслиги юз бериши мумкин.

⁹ Никитина Т.В. Банковский менеджмент: учебник. – СПб.: Питер. 2001. – С. 77.

¹⁰ Ларионова И.В. Ликвидность коммерческого банка. Банковское дело: Учебник. – 12-е изд., перераб. и доп. (Глава 7). Под ред. О.И. Лаврушина. – М.: КНОРУС, 2016. – С. 265.

¹¹ Гинзбург А.И. Экономический анализ: Учебник для вузов. 2-е изд., перераб. и доп. – СПб.: Питер. 2008. – С. 276.

¹² Хапсирокова Т.М., Малеева А.В. Экономическое содержание понятий «ликвидность» и «платежеспособность» банка // Сборник научных трудов Сев- КавГТУ. Серия «Экономика», 2008. – № 8. <http://www.nestru.ru>.

Ж.Синкининг хулосасига кўра, иккиламчи қимматли қоғозлар бозори ривожланган ва қутилаётган даромад назарияси кенг қўлланилаётган ҳозирги шароитда тижорат банклари ликвидлилигини таъминлашда уларнинг федерал фондлар, депозит сертификатлари каби активларини сотишдан ва РЕПО битимларидан кенг фойдаланилмоқда¹³.

Ж.Синки АҚШ тижорат банклари фаолиятини таҳлил қилиш асосида юқоридаги хулосага келган. Ҳақиқатдан ҳам, АҚШда иккиламчи қимматли қоғозлар бозори ривожланган. Шунингдек, АҚШ ҳукумати қимматли қоғозларни катта миқдорда эмиссия қилувчи эмитент ҳисобланади. Бу эса, АҚШ Федерал захира тизими (Марказий банк) ва тижорат банклари ўртасида РЕПО операцияларини доимий равишда амалга ошириш имконини беради.

Ўзининг ликвидлилиги ва тўлов қобилияти учун қайғурадиган банклар омонатлар бўйича банк хизматлари бозорида шаклланган ставкалардан баланд бўлмаган ставкаларни таклиф этишади¹⁴.

А.Волковнинг фикрига кўра, тижорат банкида актив ва пасивларни бошқариш қўмитаси ликвидлик рискинни бошқариш билан фоиз рискинни бошқариш ўртасидаги ўзаро алоқадорликни ҳамда кредит рискин ва баҳоларнинг ўзгариш рискинни банкнинг ликвидлигига таъсирини яхши тушунишлари керак¹⁵.

Иктисодий адабиётда тижорат банкининг ликвидлигига хос бўлган белгилар хусусида уч хил назарий қараш мавжуд.

Биринчи назарий қараш тарафдорлари тижорат банкининг ликвидлилигини аниқлашда асосий эътиборни унинг ўз мажбуриятларини бажара олишига қаратишади. Уларнинг фикрига кўра, тижорат банкининг ликвидлилиги деганда унинг ўз мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ бажаришини таъминлаш имкониятига айтилади.

Фикримизча, ушбу назарий қараш муҳим амалий аҳамият касб этади. Чунки тижорат банкларининг мамлакат иктисодиётини ривожлантиришдаги ролини оширишнинг мажбурий шартларидан бири, улар орқали ўтадиган тўловларнинг узлуксизлилигини таъминлаш ҳисобланади. Ўз навбатида, банклар орқали ўтадиган тўловларнинг узлуксизлигини таъминлаш бевосита банкларнинг ўз мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ бажара олишларига боғлиқ.

¹³ Синки Дж. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг. Пер. с англ. – М.: Альпина Паблишер, 2017. – С. 648.

¹⁴ Бабичева, Ю. А. Банковское дело: справочное пособие / –М.: Экономика, 2008. – С. 397.

¹⁵ Волков А. А. Управление рисками в коммерческом банке / –М.: Омега-Л, 2010. – С. 79.

Бирок, фикримизча, банкларнинг ликвидлилигига доир биринчи назарий қарашга хос бўлган айрим камчиликлар мавжуд. Хусусан, мазкур назарий қарашда тижорат банкларининг ўз мажбуриятлари бўйича тўловларни амалга оширишда юзага келадиган бевосита ва билвосита харажатлар ҳамда йўқотишлар ҳисобга олинмаган. Ҳолбуки, ушбу харажатлар ва йўқотишлар шу қадар катта бўлиши мумкинки, бунинг натижасида маълум вақт ўтгандан сўнг банкнинг ликвидлилиги кескин пасайиб кетиши мумкин.

Иккинчи назарий қараш тарафдорлари тижорат банклари ликвидлилигининг қуйидаги икки муҳим белгисини ажратиб кўрсатадилар:

- банкнинг ўз мажбуриятларини ўз вақтида бажара олиши;
- банк томонидан мажбуриятларни бажаришда йўқотишлардан қочиш имконияти¹⁶.

Фикримизча, иккинчи назарий қарашнинг муҳим афзаллиги, унда тижорат банклари томонидан мажбуриятларни бажариш жараёнида юзага келадиган йўқотишлардан қочиш имконияти ҳисобга олинган.

Тижорат банки ликвидлилигининг белгилари бўйича учинчи назарий қарашда юқорида қайд этилган икки белгидан ташқари, учинчи белги, яъни тижорат банкнинг жалб қилинган депозитлар ва омонатларни ўз вақтида қайтара олиш имконияти ҳам ўз аксини топган.

Фикримизча, учинчи белгининг акс этганлиги учинчи назарий қарашнинг муҳим афзаллиги ҳисобланади. Чунки тижорат банклари жалб қилинган депозитлар ва омонатларни талаб қилинган даврда ўз вақтида қайтариш учун етарли даражада ликвидли бўлиши керак.

Аммо учинчи назарий қарашда ҳам маълум камчиликлар мавжуд. Хусусан, учинчи назарий қарашда тижорат банклари ликвидлилигининг муҳим белгиларидан бири бўлган белги, яъни уларнинг кредитлар бера олиш имконияти ҳисобга олинмаган. Ҳолбуки, тижорат банклари кредитларни мижозларга ўз вақтида чиқариб бера олиши бевосита уларнинг ликвидлилигига боғлиқ.

О.Семибратованинг хулосасига кўра, тижорат банкнинг ликвидлилигига нисбатан ёндашув қуйидагиларни кўзда тутати:

- тижорат банки бухгалтерия балансининг активлари ва пасивларининг қолдиқлари тўғрисидаги маълумотлар асосида ликвидлилик даражасини аниқлаш;

¹⁶ Банковское дело: учебник / Под ред. О.И. Лаврушина. / –М., 2010. – С. 186.

– ликвидлиликни пулга айлана оладиган активлар баҳоланаётган пайтда ўлчаш;

– ликвидли активларнинг маълум санадаги мавжуд даражаси ликвидли активларга бўлган талаб билан таққосланади;

– банк ликвидлиги даражасини ўтган даврлардаги баланс маълумотлари бўйича ҳам баҳолаш¹⁷.

Бир гуруҳ иктисодчи олимларнинг фикрига кўра, ликвидлилик оқим сифатида қаралганда динамика ҳисобга олинади, яъни маълум давр мобайнида ликвидлиликнинг номақбул даражасини ўзгартириш ёки унинг янада ёмонлашишига чек қўйиш, активлар ва пасивларнинг тегишли моддаларини самарали бошқариш йўли билан ликвидлиликнинг объектив зарурий даражасини таъминлаш тушунилади¹⁸.

А.Симановский банк ликвидлигининг қуйидаги функцияларини ажратиб кўрсатади:

– мижозларнинг кредит ресурсларига бўлган талабини кондириш;

– мижозларнинг ўз жорий ҳисобрақамлари бўйича тўловлари билан боғлиқ бўлган пуллик талабларини кондириш;

– омонатчиларнинг депозитларни ўз вақтида ёки муддатидан олдин олиш бўйича талабларини кондириш;

– активларни зарарсиз сотиш ҳисобидан маблағларни саклаш;

– бозордан жалб қилинадиган ресурсларнинг қийматини чеклаш;

– банкнинг ялпи фойдасини оптималлаштириш¹⁹.

Р.Ольхова тижорат банки ликвидлигининг қуйидаги уч функцияси мавжудлигини эътироф этади:

1. Мижозларнинг пул маблағларига бўлган талабларини кондириш.

Бу ерда тижорат банклари мижозларнинг кредитларга бўлган талабини кондириш ва депозитларни ўз вақтида олишларига имкон бериш назарда тутилмоқда.

2. Жалб қилинган ресурслар ва уларни юқори ликвидли активларга жойлаштириш миқдорлари ўртасидаги оптимал нисбатни таъминлаш орқали банк фойдасини сифатли бошқаришни таъминлаш.

3. Тижорат банкининг қулай имижини ва репутациясини яратиш²⁰.

¹⁷ Семибратова, О.И. Банковское дело: учебник / –М.: Академия. 2012. – С. 146.

¹⁸ Тавасиев, А.М., Мазурина, Т.Ю., Бычков, В.П. Банковское кредитование: учебник / –М.: ИНФРА-М. 2012. – С. 307.

¹⁹ Симановский А.Ю. Базельские принципы эффективного банковского надзора и их реализация в России // Деньги и кредит. - 2001. - №3. - С. 19-24.

Бир гуруҳ иқтисодчи олимларнинг фикрига кўра, “банк ликвидлилиги” тушунчасини кўллаш таснифининг белгилари икки гуруҳга бўлинади:

- харид ликвидлилиги ва тўпланган ликвидлилик;
- кунлик, жорий ва таркибий ликвидлилик.

Ликвидлилик шаклланиш манбаларига кўра, харид ликвидлилиги ва тўпланган ликвидлиликка бўлинади. Бунда харид ликвидлилиги деганда, банк томонидан жорий мажбуриятларни бажариш мақсадида пул маблағларини жалб қилиш тушунилади. Тўпланган ликвидлилик деганда эса, банк активларининг бир қисмини кассадаги нақд пуллар, банкнинг “Ностро” вакиллик ҳисобрақамларидаги пуллар ва юқори ликвидли қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар сифатида шакллантириш тушунилади²¹.

Мазкур муаллифларнинг фикрига кўра, банкларнинг жорий ликвидлилиги пул оқимларининг яқин истикболдаги (14-30 кун) прогнозини акс эттиради. Таркибий ликвидлилик эса, банк орқали ўтадиган пул оқимларининг ўрта ва узоқ муддатли ҳолатини акс эттиради.

Т.Костеринанинг эътироф этишича, тижорат банкларининг ликвидлилиги билан боғлиқ бўлган муаммоларнинг катта қисми банк соҳасидан ташқарида юзага келади, яъни барча давлатларда мижозларнинг ликвидлилиги муаммолари тижорат банкларининг ликвидлилиги муаммоларига айланади²².

Е.Жуков, Н. Эриашвилининг хулосасига кўра, тижорат ссудалари назариясининг асосий камчилиги, у узоқ муддатли кредитларга бўлган талабнинг ошиб бориши шароитида ликвидлиликни бошқариш имконини бермайди²³.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан О.Саттаров Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг барқарорлигини таъминлаш масаласини мустақил тадқиқот объекти сифатида тадқиқ қилган ва бир қатор илмий тақлифларни ишлаб чиққан. Унинг фикрига кўра, Ўзбекистон банк тизимининг барқарорлигини таъминлаш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

²⁰ Ольхова Р.Г. Банковское дело: управление в современном банке / –М.: КноРус, 2011. – С. 104.

²¹ Москвин В.А., Тавасиев А.М., Эриашвили Н.Д. Банковское дело / –М.: ЮНИТИ, 2007. – С. 85; Леонович Т.И., Петрушина В.М. Управление рисками в банковской деятельности: учебное пособие / –М.: Дикта Мисанта, - 2012. – С. 46.

²² Костерина Т.М. Банковское дело: учебник для бакалавров / –М.: Юрайт, 2012. – С. 203.

²³ Жуков Е.Ф., Эриашвили Н.Д. Банковское дело: учебник. - 4-е изд. / –М.: ЮНИТИ, 2011. – С. 326.

– тижорат банкларининг ликвидлиги ва капиталининг етарлилигига нисбатан белгиланадиган меъёрий талабларни такомиллаштириш;

– банкларнинг корпоратив бошқарув тизимини, етакчи хорижий банклар ва молия институтларининг тажрибасини чуқур ўрганиш асосида, такомиллаштириш;

– жалб қилинадиган депозитларнинг фоиз ставкаларини қайта молиялаш ставкаси ва бошқа макроиктисодий кўрсаткичларга боғлиқ ҳолда ўрнатиш тизимини ишлаб чиқиш;

– депозит операцияларига нисбатан норматив талабларни такомиллаштириш, аҳоли омонатларини жалб қилиш таркиби ва шартларини оптималлаштириш бўйича талабларни, банкларнинг барқарорлигига таъсир қилувчи эҳтимолий рискларнинг юзага келишини минималлаштириш мақсадида такомиллаштириш;

– тижорат банкларининг ликвидлигига қўйиладиган меъёр ва талабларни ҳисоблаш методикасини такомиллаштириш²⁴.

Фикримизча, О.Саттаровнинг тижорат банкларининг ликвидлиги ва капиталининг етарлилигига нисбатан белгиланадиган меъёрий талабларни такомиллаштириш хусусидаги, банкларнинг корпоратив бошқарув тизимини, етакчи хорижий банклар ва молия институтларининг тажрибасини чуқур ўрганиш асосида такомиллаштириш, тижорат банкларининг ликвидлигига қўйиладиган меъёр ва талабларни ҳисоблаш методикасини такомиллаштириш хусусидаги таклифлари Ўзбекистон банк амалиёти учун муҳим амалий аҳамият касб этади. Бирок, унинг жалб қилинадиган депозитларнинг фоиз ставкаларини қайта молиялаш ставкаси ва бошқа макроиктисодий кўрсаткичларга боғлиқ ҳолда ўрнатиш тизимини ишлаб чиқишга оид таклифи мунозаралидир. Яъни бозор муносабатлари шароитида тижорат банклари депозитлари ва кредитларининг фоиз ставкалари ссуда капиталлари бозорида, талаб ва таклиф асосида шаклланади. Шу сабабли, депозитларнинг фоиз ставкаларини Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси ва бошқа макроиктисодий кўрсаткичларга боғлиқ равишда ўрнатиш: биринчидан, бозор муносабатлари табиатига тўғри келмайди; иккинчидан, ссуда капиталлари ҳаракатининг бузилишига олиб келади.

Ш.Рузметовнинг хулосасига кўра, республикада тижорат банкларида трансакцион депозит ҳисобрақамидаги маблағлардан

²⁴ Саттаров О.Б. Актуальные вопросы обеспечения устойчивости банковской системы Республики Узбекистан//Банковское дело. 2016. – №9. – С. 25.

тўғридан-тўғри, яъни муддатли депозит шартномаси тузмасдан туриб, ресурс сифатида фойдаланиш амалиётининг мавжудлиги тижорат банклари депозит базасини мустаҳкамлашга бўлган рағбатга путур етказди, банкларнинг ликвидлилигига нисбатан жиддий салбий таъсирни юзага келтиради. Чунки трансакцион депозитлар тижорат банкларининг беқарорлик даражаси жуда юқори бўлган пассиви ҳисобланади²⁵.

Ш.Рузметовнинг ушбу хулосаси берилган вақтдан буён анча вақт ўтган бўлса-да (диссертация 2009 йилда ҳимоя қилинган), ўзининг амалий аҳамиятини йўқотмаган. Чунки, ҳозирги даврда ҳам Ўзбекистон тижорат банкларига мижозларнинг трансакцион депозит ҳисобрақамидаги маблағлардан тўғридан-тўғри, яъни муддатли депозит шартномаси тузмасдан туриб ресурс сифатида фойдаланишга рухсат этилган ва ушбу ҳолат банкларнинг ликвидлилигига нисбатан салбий таъсирни юзага келтирмоқда.

У.Тухтабаев ўзининг номзодлик диссертациясида муаммоли кредитларнинг тижорат банклари ликвидлилигига нисбатан салбий таъсирини илмий жиҳатдан асослаб берган. Унинг илмий хулосасига кўра, муаммоли кредитлар миқдорининг катта эканлиги банклар ликвидлилигига салбий таъсир этгани ҳолда, миаллий валюта девальвацияси билан муаммоли кредитлар ҳажмининг ўзгариши ўртасида корреляцион боғлиқлик мавжуд, яъни АҚШ долларининг сўмдаги расмий курсининг ортиб бориши муаммоли кредитлар улушининг ўсишига бевосита таъсир кўрсатади²⁶.

У.Тухтабаевнинг ушбу хулосаси ҳозирги кунда ҳам Ўзбекистон банк амалиёти учун ўзининг амалий аҳамиятини йўқотган эмас. Муаммоли кредитлар миқдори ҳамон катталигича қолмоқда. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий статистик маълумотиغا кўра, 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра тижорат банкларининг жами кредит портфели таркибида муаммоли кредитлар қолдиғи 2,6 трлн. сўмни ташкил этиб, 2018 йил давомида 351 млрд. сўмга ёки 16 фоизга ошган²⁷.

Р.Шомуродовнинг таклифига кўра, иктисодиётнинг пулга бўлган реал талабини қондириш, тижорат банкларининг ликвидлилигини ва

²⁵ Рузметов Ш.Б. Ўзбекистон тижорат банклари депозит базасини мустаҳкамлаш йўллари. И.ф.н. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. - Тошкент, 2009. - Б. 15.

²⁶ Тухтабаев У.А. Муаммоли кредитлар ва уларни бартараф этиш йўллари. И.ф.н. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. - Тошкент, 2007. - Б. 15-16.

²⁷ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2018 йилдаги фаолияти тўғрисида ҳисобот. - Тошкент, 2019. - Б. 35. www.cbu.uz (Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки).

банк тизимида ҳисоб-китоблар самарадорлигини ошириш мақсадида, тижорат банкларининг вакиллик ҳисобрақамидаги ва мажбурий захирадаги маблағларини бирлаштириб, уларнинг резерв активларини мажбурий захирадаги маблағлар ҳажмидан юқори бўлишини таъминлаш, тижорат банкларида амалга ошириладиган тўловлар тизимини реал вақт тартибига ўтказиш, қисқа муддатли пул маблағларининг электрон банклараро бозорини яратиш, тижорат банкларини банкларга хос бўлмаган, жумладан, солиқларни йиғиш функцияларидан озод қилиш каби чора-тадбирларни амалга ошириш зарур²⁸.

Фикримизча, Р.Шомуродовнинг мазкур таклифи Ўзбекистон Республикаси банк амалиёти учун муҳим амалий аҳамиятга эга. Чунки, биринчидан, ҳозирга қадар тижорат банкларининг мажбурий захира ажратмалари уларнинг “Ностро” вакиллик ҳисобрақамида акс этмайди, балки тижорат банкларининг “Ностро” вакиллик ҳисобрақамидан ечиб олиниб, Марказий банкнинг балансида депонент қилинади; иккинчидан, корхона ва ташкилотларнинг картотекасини юритиш ҳозир ҳам тижорат банклари зиммасига юклатилган.

Ж.Исаковнинг хулосасига кўра, тижорат банклари барқарорлигини илғор хориж тажрибаси асосида таъминлаш учун банкларда юзага келган баланслашмаган ликвидлилик муаммосини ҳал қилишда монетар сиёсатнинг ролини ошириш ва банклар регулятив капиталининг барқарорлигини таъминлаш лозим²⁹.

Ҳақиқатдан ҳам, республикамызда тижорат банклари фаолиятида юзага келган баланслашмаган ликвидлилик муаммосини ҳал қилишда монетар сиёсатнинг ролини ошириш масаласи ҳал қилинмаган. Сабаби, биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг дисконт кредитлари мавжуд эмас (Марказий банк дисконт кредитлари беришни хоҳлаганда ҳам бера олмайди, чунки мамлакатда тижорат векселлари муомаласи мавжуд эмас); иккинчидан, давлат қимматли қоғозлар эмиссияси ҳажмининг кичиклиги Марказий банк томонидан тижорат банкларига бериладиган марказлашган кредитлар ҳажмини оширишга тўсқинлик қилади.

²⁸ Шомуродов Р.Т. Банк тизимида монетар воситаларни такомиллаштириш йўллари. И.ф.н. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2004. – Б. 17.

²⁹ Исаков Ж.Я. Тижорат банклари барқарорлигининг хориж тажрибаси//Халқаро молия ва ҳисоб. – Тошкент, 2018. – №6. www.interfinance.uz.

1.2-§. Тижорат банкларининг ликвидлилиги ва тўлов қобилиятини баҳолашнинг назарий асослари

Тижорат банкларининг ликвидлилиги ва тўлов қобилиятини баҳолаш тизимини тўғри шакллантириш ҳамда уни такомиллаштириш банкларнинг ликвидлилиги ва тўловга қобиллигини таъминлаш бўйича тўғри қарорлар қабул қилишда муҳим ўрин тутади.

М.Бобрик тижорат банкларининг ликвидлилиги ва тўловга қобиллигини баҳолашнинг микропруденциал таҳлил моделларига асосланган микродаражадаги баҳолаш услубиётини таклиф қилган. Унинг фикрига кўра, мазкур баҳолаш услубиёти ўзаро боғлиқ учта баҳолаш моделидан ташкил топган:

– тижорат банкининг молиялари таркибини таҳлил қилиш ҳамда баҳолашни кўзда тутувчи молиявий ресурслар ва капитал ўртасидаги алоқадорлик модели;

– тижорат банкининг молиявий ресурсларидан фойдаланиш сифатини таҳлил қилиш ва баҳолашга асосланган молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги модели;


– олдиндан белгиланган даврий ораликда молиявий барқарорликнинг чегарасини аниқлаш модели³⁰.

Фикримизча, М.Бобрик томонидан таклиф этилган моделда тижорат банкининг ликвидлилиги ва тўловга қобиллигини тавсифловчи ушбу методикада қуйидаги муҳим жиҳатлар ўз аксини топган:

- молиявий ресурслар ва регулятив капитал ўртасидаги нисбат;
- ресурсларни активларга жойлаштириш;
- молиявий барқарорликнинг чегаравий даражалари.

Аммо мазкур услубиётда рискларнинг тижорат банкларининг ликвидлилиги ва тўловга қобиллигига таъсирини аниқ баҳолашнинг иложи йўқ. Чунки рискларнинг ҳар бир тури тижорат банкларининг ликвидлилиги ва тўловга қобиллигига ўзига хос тарзда таъсир кўрсатади. Масалан, кредит рискининг ликвидлилик рискига таъсири бошқа рискларнинг таъсирига нисбатан кучли бўлади. Бу эса, кредитларнинг тижорат банклари активлари таркибида катта улушга эга эканлиги ва кредит операцияларининг юқори рискли эканлиги билан изоҳланади.

³⁰ Бобрик М.А. О повышении роли кредита и банков в инновационном развитии экономики России // Финансы и кредит. 2011. – № 4 – С. 69.



С.Хасянованинг фикрига кўра, Халқаро валюта фонди (ХВФ) томонидан ишлаб чиқилган тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини тавсифловчи кўрсаткичлар тизими банкларнинг ликвидлиги ва тўловга қобиллигини аниқ баҳолаш имконини беради³¹.

Шу ўринда ХВФ томонидан тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини тавсифлаш бўйича таклиф этилган ва 24 та кўрсаткичдан иборат бўлган тизимни келтирамиз³²:

1. Регулятив капиталнинг рискка тортилган активларга нисбати.
2. Биринчи даражали капиталнинг рискка тортилган активларга нисбати.
3. Регулятив капиталнинг активларга нисбати.
4. Хизмат кўрсатилмайдиган кредитлар ва қарзларнинг, улар бўйича яратилган захираларни чегириб ташлаган ҳолда капиталга нисбати.
5. Соф даромаднинг капиталнинг ўртача миқдорига нисбати.
6. Йирик очик позицияларнинг капиталга нисбати.
7. Соф очик валюта позициясининг капиталга нисбати.
8. Банkning активлари ва пассивлари ҳосилавий қимматли қоғозлар бўйича ялпи позицияларнинг капиталга нисбати.
9. Капиталдаги иштирок инструментлари бўйича соф очик позициянинг капиталга нисбати.
10. Ликвидли активларнинг жами активларга нисбати.
11. Ликвидли активларнинг қисқа муддатли мажбуриятларга нисбати.
12. Мижозлар депозитларининг жами кредитлар ва қарзларга нисбати.
13. Соф даромаднинг активларнинг ўртача миқдорига нисбати.
14. Хизмат кўрсатилмайдиган кредитлар ҳамда қарзларнинг жами кредитлар ва қарзларга нисбати.
15. Секторлар бўйича тақсимланган кредитлар ва қарзларнинг жами кредитлар ва қарзларга нисбати.
16. Уй-жой кўчмас мулкига берилган кредитлар ва қарзларнинг жами кредитлар ва қарзларга нисбати.
17. Тижорат кўчмас мулкига берилган кредитлар ва қарзларнинг жами кредитлар ва қарзларга нисбати.

³¹ Хасянова, С. Ю. О системе оценки финансовой устойчивости банковского сектора // Финансы и кредит. – 2012. – № 12. – С. 24–25.

³² Translation of: Financial Soundness indicators: Compilation Guide. International Monetary Fund, 2007. ISBN 1-58906-401-0. www.imf.org.

18. Худудий тақсимланган кредитлар ҳамда қарзларнинг жами кредитлар ва қарзларга нисбати.

19. Валютадаги кредитлар ва қарзларнинг жами кредитлар ҳамда қарзларга нисбати.

20. Валютадаги мажбуриятларнинг жами мажбуриятларга нисбати.

21. Фоизли даромадларнинг ялпи даромадга нисбати.

22. Трейдингдан олинган даромадларни ялпи даромадга нисбати.

23. Фоизсиз харажатларнинг ялпи даромадга нисбати.

24. Ходимларга қилинган харажатларнинг жами фоизсиз харажатларга нисбати.

Е.Учаев ва О.Коваленколарнинг хулосасига кўра, тижорат банкларининг ликвидлигини таъминлашда жалб қилинган ресурсларнинг таркиби ва депозит базанинг барқарорлиги муҳим ўрин тутди: асосий депозитларнинг жами депозитлардаги улуши қанчалик юқори бўлса, банкнинг ликвидлиги ҳам шунчалик юқори бўлади; муддатли ва жамғарма депозитларига талаб қилиб олинган депозитларга нисбатан юқори фоиз тўланади; муддатли ва жамғарма депозитларига тўланган фоизлар банкларда турлича бўлиб, уларда ҳаракатланишга мойиллик кучли бўлади³³.

Е.Стародубцеванинг фикрига кўра, тижорат банкларининг ликвидлигини банкнинг ликвидли позицияси асосида баҳолаш муҳим аҳамият касб этади. Бунда банкнинг ликвидли позицияси деганда унинг пуллик талаблари ва мажбуриятлари ўртасидаги нисбат тушунилади, агар мижозларга бўлган талаб мажбуриятлардан юқори бўлса, ортиқча ликвидлик ҳосил бўлади; агар мажбуриятлар талаблардан юқори бўлса, ликвидликнинг етишмаслиги юзага келади³⁴.

И.Ларионованинг фикрига кўра, тижорат банкларининг ликвидлигини таъминлашда эҳтимолий ёки қутилаётган пул оқимлари муҳим ўрин тутди ва уларнинг асосини қуйидагилар ташкил этади:

– аниқ ижро этиш муддатига эга бўлмаган шартномалар бўйича пул маблағлари ҳаракати;

– ҳозирча тузилмаган, аммо тузилиш эҳтимоли юқори бўлган шартномалар бўйича қутилаётган пул маблағлари ҳаракати;

³³ Учаева Е. А., Коваленко О. Г. Оценка ликвидности коммерческих банков по нормативам ликвидности Центрального Банка России // Вектор науки Тольяттинского государственного университета. Серия: Экономика и управление. 2013. № 1 (12). – С. 136.

³⁴ Стародубцева Е. Б. Основы банковского дела/ -М.: Инфра-М. 2014. – С. 132.

– прогноз қилинмайдиган ҳодисалар ва режалаштирилмаган операциялар билан боғлиқ бўлган пул оқимлари³⁵.

Таъкидлаш жоизки, халқаро банк амалиётида Базель қўмитаси томонидан тижорат банкларининг ликвидлилиги ва тўловга қобиллигини баҳолаш мақсадида ишлаб чиқилган кўрсаткичлардан кенг фойдаланилади.

Базель-I стандартида тижорат банкларининг тўловга қобиллигини баҳолаш имконини берадиган икки кўрсаткич, яъни тижорат банклари регулятив капиталининг етарлилик коэффиценти ва тижорат банклари биринчи даражали капиталининг етарлилик коэффиценти ишлаб чиқилди.

Регулятив капиталнинг етарлилик коэффиценти қуйидагича ҳисобланади³⁶:

$$(K1) = PK / A_p$$

Биринчи даражали капиталнинг етарлилик коэффиценти қуйидагича ҳисобланади³⁷:

$$(K2) = I K / A_p$$

Бунда:

PK – регулятив капитал;

A_p – рискка тортилган активлар;

I K – биринчи даражали капитал.

Шуниси характерлики, халқаро банк амалиёти тарихида биринчи марта Базель-I стандартида тижорат банклари активлари риск даражасига кўра, бир-биридан тубдан фарк қиладиган гуруҳларга ажратилди ва регулятив капитал икки қисмга ажратилди.

Базель-I стандартига мувофиқ, тижорат банкларининг активлари риск даражасига кўра тўрт гуруҳга ажратилди³⁸:

Биринчи гуруҳ: 0 %ли риск даражасига эга бўлган активлар:

– банк кассаларидаги миллий ва хорижий валютадаги нақд пуллар;

– тижорат банкининг Марказий банкдаги «Ностро» вакиллик ҳисобрақами қолдиғи;

³⁵ Ларионова И.В. Управление ликвидностью в коммерческом банке на основе денежных потоков. Банковский менеджмент. 5-е изд. – М.: КНОРУС. 2016. – С. 170.

³⁶ Basel Committee on banking supervision. International convergence of capital standards. – Basel. 1998. <http://www.bis.org/publications>.

³⁷ Ўша манба.

³⁸ Ўша манба.

- Марказий банкда қайта ҳисобга олинадиган тратталар;
 - ҳукуматнинг 90 кунгача муддатдаги қимматли қоғозларига қилинган инвестициялар;
 - Марказий банк ва ҳукуматга нисбатан талаблар;
 - Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ИХРТ) аъзолари бўлган давлатларнинг ҳукуматлари ва Марказий банкларига талаблар;
 - ИХРТга кирувчи давлатлар банкларида депонент қилинган ва нақд пул билан таъминланган маблағлар.
- Иккинчи гуруҳ: 20 %ли риск даражасига эга бўлган активлар;
- банкларнинг мамлакат банкларидаги ва хорижий банклардаги «Ностро» вакиллик ҳисобрақамларидаги пуллар;
 - тижорат банкларининг ҳукуматнинг 90 кундан ортиқ муддатдаги қимматли қоғозларига қилинган инвестициялари;
 - флоут;
 - ИХРТга аъзо давлатларда расман рўйхатдан ўтган банклар ҳамда бошқа депозит ташкилотларининг кредитлари ва кафолатлари;
 - тижорат банкининг халқаро молия институтларига берган кредитлари ва бошқа талаблари.
- Учинчи гуруҳ: 50 %ли риск даражасига эга бўлган активлар:
- банклар томонидан берилган ипотека кредитлари;
 - ИХРТ мамлакатларида расман рўйхатга олинган банкларга нисбатан талаблар;
 - ИХРТ мамлакатларида расман рўйхатга олинган банкларнинг кредитлари билан таъминланган бошқа барча активлар;
 - тижорат банкининг ИХРТ мамлакатлари маҳаллий ҳокимият органларига нисбатан талаблари;
 - тижорат банкининг халқаро молия институтларига нисбатан талаблари;
 - халқаро молия институтлари томонидан эмиссия қилинган қимматли қоғозлар билан таъминланган активлар;
 - тижорат банкининг ИХРТга аъзо бўлмаган мамлакатларининг ҳукуматлари ва Марказий банкларига нисбатан талаблари.
- Тўртинчи гуруҳ: 100 %ли риск даражасига эга бўлган активлар:
- тижорат банклари томонидан корпоратив қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар;
 - миқозларга берилган кредитлар;
 - асосий воситалар;
 - бошқа активлар;

- банк томонидан қўйилган ҳужжатлаштирилган аккредитивлар;
- банк томонидан берилган кафолатлар;
- тузилган форвард битимлари;
- тижорат банки томонидан берилган опционлар ва фьючерслар³⁹.

Базель-I стандартида тижорат банкларининг регулятив капитали икки қисмга ажратилди ва банклар фаолиятини молиялаштиришнинг барқарор манбалари биринчи даражали капитал таркибига киритилди:

- устав капиталининг тўланган қисми (айрим акциядорлар таъсис шартномасида кўрсатилган мажбуриятини бажаришмайди, яъни банкнинг устав капиталига қўйиш лозим бўлган улушини қўйишмайди);

- қўшилган капитал ёки эмиссион даромад (қўшилган капитал фақат янги акция чиқарилганда ҳосил бўлади, чунки янги чиқарилган акциялар номинал қийматида эмас, балки бозор баҳосида сотилади);

- захира капитали (у тижорат банкнинг устав капиталига нисбатан маълум фоизда шакллантирилади);

- ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдаси (бу фойданинг мутлақ озод қолдиғи бўлганлиги, яъни кредиторларнинг унга талаби мавжуд бўлмаганлиги сабабли Базель қўмитаси уни биринчи даражали капитал таркибига киритган);

- консолидациялашган шўъба компаниялар акцияларининг назорат қилинмайдиган қисми;

- банкнинг нокумулятив имтиёзли акцияларини сотишдан олинган маблағлар⁴⁰.

Базель-I стандартининг талабига мувофиқ, тижорат банклари томонидан муомалага чиқариладиган нокумулятив имтиёзли акциялар қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- нокумулятив имтиёзли акциялар уни сотиб олган субъектга ҳам фоиз кўринишида, ҳам дивиденд кўринишида даромад келтиради;

- нокумулятив имтиёзли акциялар дивиденд олиш ҳуқуқини берса ҳам, овоз бериш ҳуқуқини бермайди;

- нокумулятив имтиёзли акциялар муддатсиз бўлади;

- нокумулятив имтиёзли акциялар уни сотиб олган шахснинг хоҳишига кўра, банкка қайтариб топширилиши мумкин эмас;

³⁹ Basel Committee on banking supervision. International convergence of capital standards. – Basel. 1998. <http://www.bis.org/publications>.

⁴⁰ Basel Committee on banking supervision. International convergence of capital standards. – Basel. 1998. <http://www.bis.org/publications>.

– акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан нокумулятив имтиёзли акцияларга фоизлар тўланмаслиги мумкин;

– нокумулятив имтиёзли акцияларга тўланмаган дивидендлар кейинги йилларда тўлаб берилмайди.

Базель кўмитасининг талаби бўйича тижорат банкларининг иккинчи даражали таркибига қуйидагилар киритилди:

– кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг тижорат банки активларининг рискка тортилган суммасининг 1,25 фоиздан ошмайдиган қисми;

– икки йилдан ортиқ муддатга чиқарилган субординациялашган қарз мажбуриятлари;

– қайта баҳолаш захираси;

– жорий йилнинг соф фойдаси.

Кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг иккинчи даражали капитал таркибига киритиладиган қисми тижорат банки активларининг рискка тортилган суммасининг 1,25 фоиздан ошиб кетмаслиги керак. Агар кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари суммаси тижорат банки активларининг рискка тортилган суммасининг 1,25 фоиздан кам бўлса, у ҳолда захира суммаси тўлиқ иккинчи даражали капитал таркибига киритилади.

Базель кўмитасининг талаби бўйича субординациялашган қарз мажбуриятлари банклар томонидан чиқарилган облигация кўринишида бўлади. “Субординация” сўзи “бўйсунуш” деган маънони англатади. Ушбу облигацияларга нисбатан субординация сўзининг ишлатилишининг сабаби, банк банкрот бўлганда, ушбу облигацияларнинг эгалари ўз пулларини банкнинг бошқа қимматли қоғозларининг эгаларидан кейин олади. Шу маънода олганда, субординациялашган қарз мажбуриятининг эгалари банкнинг бошқа қимматли қоғозларини сотиб олган субъектларга нисбатан бўйсунувчи ҳолатдадир.

Шуниси характерлики, ернинг эгаси давлат бўлган мамлакатларда банклар жойлашган ерлар қайта баҳоланмайди. Чунки тижорат банкида ўзи жойлашган ерга мулкчилик ҳуқуқи мавжуд эмас. Шу сабабли, бундай давлатларда тижорат банкларининг фақат асосий воситалари қайта баҳоланади.

Молиявий йил сўнгида тижорат банклари даромадларининг харажатларидан ортиб қолган қисми жорий йилнинг соф фойдаси ҳисобланади. Базель кўмитаси соф фойдани дивидендлар тўлангунга

кадар иккинчи даражали капитал таркибида ҳисобга олишга рухсат берган. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан дивидендлар тўлангандан сўнг соф фойда банкнинг балансида қолмайди.

Базель-II стандартида тижорат банкларининг тўловга қобиллигини баҳолаш амалиётини такомиллаштириш бўйича қуйидаги янги талаблар жорий этилди:

- тижорат банклари капиталининг етарлилигига нисбатан талабларни кредит, бозор ва операцион рискларнинг даражасидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаш жорий қилинди;

- контрагентда ҳосилавий қимматли қоғозлар, РЕПО битими бўйича юзага келадиган кредит рисклари даражаси ҳам капиталнинг етарлилигини баҳолашда ҳисобга олинадиган бўлди;

- кредит рискинни баҳолаш бўйича стандартлашган ёндашув жорий этилди. Унга кўра, кредит рискиннинг даражаси кредит олган мижознинг кредит рейтингига қараб аниқланадиган бўлди⁴¹.

Ғарбий Европа мамлакатлари амалиётига 2010 йилда Базель-III стандарти жорий қилинди. Ушбу стандартда тижорат банкларининг ликвидлилиги ва тўловга қобиллигини баҳолаш бўйича янги кўрсаткичлар таклиф қилинди (1.1-жадвал).

1.1-жадвал

Базель-III стандартида тижорат банкларининг ликвидлилиги ва тўловга қобиллигини баҳолаш бўйича таклиф қилинган янги кўрсаткичлар⁴²

Кўрсаткич номи	Ҳисоблаш методикаси	Меъёрний даражаси, %
Капиталнинг химоявий «консервация «буфери»	Регулятив капиталга нисбатан max 2,5%	2,5
Контрциклик буфер капитали	Регулятив капиталга нисбатан max 2,5%	0 – 2,5
Ликвидлиликни коплаш меъёри коэффициенти	Юқори ликвидли активлар	100
	Кейинги 30 кун ичидаги соф чиким	
Соф барқарор молиялаштириш меъёри коэффициенти	Барқарор молиялаштиришнинг мавжуд суммаси	100
	Барқарор молиялаштиришнинг зарур суммаси	

⁴¹ Basel Committee on banking supervision. International convergence of capital measurement and capital standards. Basel-II–Basel. 2006. <http://www.bis.org/publications>.

⁴² Basel Committee on banking supervision. Basel-III: A global regulatory framework for more resilient banks and banking systems–Basel. 2010. <http://www.bis.org/publications>. маълумотлари асосида тузилган.

1.1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадики, Базель-III стандартида тижорат банкларининг ликвидлилигига ва тўловга қобиллигига нисбатан талаблар кескин оширилган. Капиталнинг химоявий консервация буфери ва контрциклик буфернинг шакллантирилиши ҳамда соф барқарор молиялаштириш меъёри коэффицентининг жорий этилиши тижорат банкларининг тўловга қобиллигини сезиларли даражада ошириш имконини берса, ликвидликни қоплаш меъёри коэффицентининг жорий қилиниши банкларнинг ликвидлик даражасини оширишга хизмат қилади.

Базель-III стандартида таклиф этилган тижорат банклари капиталининг химоявий консервация буфери ва контрциклик буфернинг шакллантирилиши банкларнинг тўловга қобиллигини сезиларли даражада оширади (1-илова). Шу билан бирга, капиталнинг етарлилигига нисбатан талабларнинг оширилиши тижорат банклари фойдасини камайтиради.

В.Усокиннинг фикрига кўра, тижорат банкни ҳаддан зиёд капиталлашиб кетиши, ўз маблағларига бўлган эҳтиёжга нисбатан ортиқча акцияларни муомалага чиқариш тижорат банкнинг молиявий ҳолатига салбий таъсирни юзага келтириши мумкин. Чунки капитал молиялаштиришнинг нисбатан қиммат шакли ҳисобланади, ундан кўра, омонатчиларнинг маблағларини жалб қилиш арзон ва қулай ҳисобланади⁴³.

В.Усокиннинг ушбу фикри Ўзбекистон банк амалиёти учун муҳим аҳамият касб этади. Чунки Ўзбекистон банклари пассивларининг умумий ҳажмида капитал нисбатан юқори салмоқни эгаллайди. Масалан, 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 12,5 фоизни ташкил этди⁴⁴.

Ўз навбатида, республикамиз тижорат банкларида капиталнинг пассивлар ҳажмида юқори салмоқни эгаллаши банкларнинг қимматли қўғозлар билан амалга ошириладиган эмиссион операцияларининг ривожланмаганлиги билан изоҳланади.

Фикримизча, тижорат банкларининг тўловга қобиллигини баҳолашда, юқорида қайд этилган кўрсаткичлардан ташқари, регулятив капиталнинг ўсиш суръати билан рискка тортилган активларнинг ўсиш суръати ўртасидаги мутаносиблик кўрсаткичидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

⁴³ Усокин В.М. Современный коммерческий банк: управление и операции. – М.: ЛЕНАНД, 2019. – С. 97.

⁴⁴ Тижорат банкларининг жамланма баланси. www.cbu.uz (Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки).

Регулятив капитал ўсиш суръатининг рискка тортилган активларнинг ўсиш суръатидан ортда қолиши, пировард натижада, капиталнинг етарлилиги бўйича белгиланган минимал талабларнинг бажарилмаслигига олиб келади. Бу эса, Марказий банк томонидан ушбу тижорат банкига нисбатан жазо чораларининг қўлланилишига, шу жумладан, банкнинг актив операциялари тўхтатиб қўйилишига олиб келиши мумкин.

Ўз навбатида, капиталнинг ўсиш суръати барқарорлигини таъминлаш қуйидаги омилларга боғлиқ:

- устав капитали миқдорининг камайишига йўл қўймаслик;
- тижорат банки акцияларининг бозор баҳоси пасайишининг олдини олиш;

- банк томонидан нокумулятив имтиёзли акцияларни муомалага чиқариш имкониятини кенгайтириш;

- биринчи даражали капиталнинг регулятив капитал ҳажмидаги салмоғининг пасайишига йўл қўймаслик;

- соф фойда миқдори ўсишининг барқарорлигини таъминлаш.

Тижорат банкларида рискли активлар миқдорининг сезиларли даражада ошиши қуйидаги омилларга боғлиқ:

- кредитлар ҳажмининг ошиши;

- корпоратив қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар ҳажмининг ошиши;

- банк томонидан бериладиган кафолатлар миқдорининг кўпайиши;

- банк томонидан миқдорларнинг тўлов мажбуриятлари бўйича очиладиган ҳужжатлаштирилган аккредитивлар суммасининг сезиларли даражада ошиши;

- тижорат банки томонидан бериладиган опционлар ва фьючерслар ҳажмининг ошиши.

Таъкидлаш жоизки, тижорат банкларида юкори рискли активлар миқдорининг ошиши даромадлар миқдорининг ошишига олиб келади. Шу билан бирга, риск даражалари ҳам кескин ошиб кетиши мумкин. Бунинг натижасида тижорат банкнинг тўловга қобиллиги ва ликвидлилигига нисбатан кучли салбий таъсир юзага келиши мумкин. Айниқса, кредитлар ва банк кафолатлари ҳажмининг ошиши тижорат банки рискли активлари миқдорининг сезиларли даражада ошиб кетишига олиб келиши мумкин.

Тадқиқотнинг ушбу параграфида амалга оширилган таҳлилларнинг натижаларига асосланган ҳолда, фикримизча,

Ўзбекистон Республикасида тижорат банкларининг ликвидлилиги ва тўлов қобилиятини баҳолаш тизимини такомиллаштириш мақсадида ушбу тизимни ХВФ томонидан тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини баҳолаш мақсадида таклиф этилган ва 24 та кўрсаткичдан иборат бўлган тизим асосида, ушбу тизимга банкларнинг ликвидлилигини тавсифловчи кўрсаткичларни киритган ҳолда шакллантириш лозим.

ХВФ томонидан тижорат банклари молиявий барқарорлигини баҳолаш мақсадида таклиф этилган мазкур тизим банкларнинг ликвидлилиги ва тўлов қобилиятини тўлақонли тавсифлаш имконини беради. Фақатгина тизимдаги кўрсаткичлар қаторига кўшимча равишда, қуйидаги ликвидлилик кўрсаткичларини киритиш мақсадга мувофиқ:

- лаҳзали ликвидлилик коэффиценти;
- жорий ликвидлилик коэффиценти;
- ликвидликни қоплаш меъёри коэффиценти;
- соф барқарор молиялаштириш меъёри коэффиценти.

1.3-§. Тижорат банкларининг ликвидлилиги ва тўлов қобилиятини таъминлашнинг методологик асослари

Халқаро банк амалиётида Базель кўмитаси ва “CAMELS” рейтинг тизимининг ушбу масалаларга оид талаблари ҳамда миллий қонунчилик, тижорат банкларининг ликвидлилиги ва тўловга қобиллигини таъминлашнинг методологик асосларини ташкил этади.

Базель-I стандартида асосий эътибор тижорат банкларининг тўловга қобиллигини таъминлаш масаласига қаратилди ва банкларнинг тўловга қобиллигини тавсифловчи икки кўрсаткич жорий қилинди:

- регулятив капиталнинг етарлилик коэффиценти;
- биринчи даражали капиталнинг етарлилик коэффиценти.

Базель-I стандартида тижорат банклари капиталининг етарлилиги билан боғлиқ бўлган қуйидаги муҳим жиҳатлар ўз аксини топди⁴⁵:

1. Тижорат банкининг регулятив капитали, яъни жами капитали қанча бўлишидан қатъи назар унинг камида 50 фоизи, яъни тенг ярми биринчи даражали капиталдан иборат бўлиши керак.

⁴⁵ Basel Committee on banking supervision. International convergence of capital standards. – Basel, 1998. <http://www.bis.org/publications>.

Мазкур талабнинг кўйилиши биринчи даражали капиталнинг етарлилик коэффициентини, яъни иккинчи коэффициентни биринчи коэффициентдан, яъни регулятив капиталнинг етарлилик коэффициентига нисбатан аҳамиятли қилиб қўйди. Демак, тижорат банклари регулятив капиталининг етарлилиги бўйича меъёрий талабни бажарса, аммо биринчи даражали капиталнинг етарлилиги бўйича меъёрий талабни бажара олмаса, у ҳолда банкнинг капитали етарли эмас, деб ҳисобланади.

2. Тижорат банклари капиталининг етарлилигини тавсифловчи ҳар иккала молиявий коэффициентда капиталнинг етарлилиги банк активларининг рискка тортилган суммасига нисбатан аниқланади.

3. Тижорат банклари биринчи даражали капиталининг етарлилиги аниқланаётганда биринчи даражали капитал суммасидан банкнинг қайтариб сотиб олинган акциялари ва номоддий активлар чегириб ташланади.

Базель-II стандарти бўйича капиталнинг етарлилигига нисбатан минимал талабларни ҳисоблашда IRB (Internal rating-based approach) ёндашувларида фақат қутилмаган зарарлар (Unexpected Loss – UL)га берилган баҳолар ҳисобга олинади. Қутилаётган зарарлар (Expected Loss – EL) кредитлар бўйича қўриладиган зарарларни коплашга мўлжалланган захираларга киритилади. Ҳисобланган захиралар қутилаётган зарардан камроқ бўлса, захираларнинг бу тақчиллиги тартибга солувчи капиталдан тенг қисмларга бўлиб ҳамда биринчи ва иккинчи даража капиталларидан чегириб қолинади. Зарарларни коплашга мўлжалланган захираларнинг ортиқча қисми иккинчи даража капиталга, лекин юқори лимит билан қўшиб қўйилади⁴⁶.

Базель-II стандартининг муҳим жиҳатларидан яна бири, операцион рискни баҳолаш ва бошқариш бўйича аниқ методикалар ва кўрсатмаларнинг берилганлиги ҳисобланади.

Базель-II стандартида таклиф этилган базавий индикатив ёндашувнинг моҳияти қуйидаги формулада намоён бўлади:

$$KBIA = [(\sum_{i=1}^n \alpha_i)]/n,$$

бунда:

KBIA – тижорат банкнинг капиталига бўлган талаб;

GI – сўнги уч йил мобайнидаги ҳар йиллик ижобий ялпи даромад;

⁴⁶ Basel Committee on banking supervision. International convergence of capital measurement and capital standards. Basel-II-. 2006. <http://www.bis.org/publications>.

n – ўтган уч йил ичида ялпи даромад ижобий бўлган йиллар сони;
 $\alpha = 15\%$ – бу кўрсаткич Базель кўмитаси томонидан индикаторнинг тармоқ даражасига нисбатан ўрнатилган⁴⁷.

2008 йилнинг тўртинчи чорагида бошланган жаҳон молиявий-иктисодий инкирози тижорат банкларининг ликвидлилиги ва тўловга қобиллигига нисбатан кучли салбий таъсир кўрсатди. Натижада, дунё микёсида юзлаб тижорат банкларининг банкрот бўлишига олиб келди. Бу эса, Базель кўмитасини тижорат банклари ликвидлилиги ва тўловга қобиллигига нисбатан талабларни кучайтиришга мажбур қилди. Шу тариқа янги – Базель-III стандарти пайдо бўлди.

Базель-III стандартининг тижорат банклари ликвидлилиги ва тўловга қобиллиги бўйича янги талаблари қуйидагилардан иборат⁴⁸:

1. Ликвидлиликни қоплаш меъёри коэффиценти жорий қилинди.

Мазкур коэффицент меъёрий даражасининг оширилиши банкларнинг жорий ликвидлигини оширишга хизмат қилади.

2. Соф барқарор молиялаштириш меъёри коэффиценти жорий қилинди.

3. Тижорат банкларининг биринчи даражали капитали икки қисмга ажратилди:

– биринчи даражали асосий капитал;

– биринчи даражали қўшимча капитал.

Тижорат банкларининг биринчи даражали асосий капитали қуйидаги элементлардан ташкил топадиган бўлди:

– банкнинг тўлиқ тўланган оддий акциялари

– қўшилган капитал – оддий акциялар бўйича

– тақсимланмаган фойда (аввалги йилларнинг тақсимланмаган фойдаси ҳисобидан шаклланган капитал захиралар ва бошқа захиралар бундан мустасно);

– консолидациялашган шўъба компанияларга қилинган инвестициялар бўйича акцияларнинг назорат қилинмайдиган қисми;

– девальвация захираси.

Тижорат банкларининг биринчи даражали қўшимча капитали қуйидаги элементлардан ташкил топадиган бўлди:

– банкнинг нокумулятив имтиёзли акциялари;

– қўшилган капитал – имтиёзли акциялар бўйича;

⁴⁷ Международная конвергенция измерения капитала и стандартов капитала. Уточненные рамочные подходы. Банк международных расчетов – Базель, 2004. С. 156.

⁴⁸ Basel Committee on banking supervision. Basel-III: A global regulatory framework for more resilient banks and banking systems- Basel-III. 2010. <http://www.bis.org/publications>.

– шўъба корхоналар томонидан чиқарилган ва учинчи шахслар ихтиёрида бўлган капиталга тенглаштирилган воситалар.

4. Тижорат банкларининг биринчи даражали капиталига нисбатан талаб кескин оширилди.

Тижорат банкнинг регулятив капитали қанча миқдорда бўлишидан қатъи назар, унинг камида 75 фоизини биринчи даражали капиталдан иборат бўлиши мажбурий шарт сифатида белгилаб қўйилди. Базель-II стандартида ушбу кўрсаткич 50 фоиз эди.

5. Тижорат банклари капиталининг етарлилигига нисбатан талаблар оширилди.

1.2-жадвал

Капиталнинг етарлилиги бўйича Базель-III талабларини амалиётга жорий этиш босқичлари⁴⁹

Кўрсаткичлар	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019
Биринчи даражали асосий капитал	3,5	4,0	4,5	4,5	4,5	4,5	4,5
Биринчи даражали капитал	4,5	5,5	6,0	6,0	6,0	6,0	6,0
Регулятив капитал	8	8	8	8	8	8	8
Буфер капитали				0,625	1,25	1,875	2,5

1.2-жадвал маълумотларига кўра, Базель-III стандартига мувофиқ, тижорат банкларининг капиталига нисбатан талаблар босқичма-босқич ошириб борилган.

6. Капиталнинг ҳимоявий консервация буфери ва контрциклик буфер жорий қилинди.

Базель-III стандартининг жорий қилиниши тахлили шуни кўрсатдики, АҚШ ва Европанинг қатор банкларида мазкур стандартнинг жорий қилиниши натижасида капиталнинг етарлилик даражаси ва ликвидли активларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғи ошди. Аммо кредитларнинг жами активлар ҳажмидаги салмоғининг қисқариши ва кредитларнинг қимматлашиши юз берди.

Тижорат банкларининг ликвидлилиги ва тўловга қобиллигининг муҳим методологик асосларидан яна бири “CAMELS” рейтинг тизимидаги тижорат банкларининг ликвидлилиги ва тўловга қобиллигига нисбатан талаблар, уни таъминлаш принциплари ҳисобланади.

⁴⁹ Basel Committee on banking supervision. Basel-III: A global regulatory framework for more resilient banks and banking systems–Basel-III. 2010. <http://www.bis.org/publications>.

Тижорат банклари фаолиятини баҳолашнинг “CAMELS” рейтинг тизими 1978 йилда АҚШ Молия институтлари бўйича Федерал хизматининг Эксперт кенгаши томонидан қабул қилинган ва 1996 йилда қайта кўриб чиқилган.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, “CAMELS” рейтинг тизимида тижорат банкларининг фаолияти олтита кўрсаткич асосида баҳоланади:

- C – капиталнинг етарлилиги;
- A – активларнинг сифати;
- M – менежмент даражаси;
- E – активларнинг фойдалилиги;
- L – ликвидлилик;
- S – бозор рискларига таъсирчанлик.

“CAMELS” рейтинг тизимида ҳар бир кўрсаткич 1 баллдан 5 баллгача шкала бўйича баҳоланади. Энг юқори даражага 1 балл берилади, энг паст кўрсаткичга 5 балл берилади.

“CAMELS” рейтинг тизимида тижорат банкларининг тўловга қобиллигига нисбатан талаблар капиталнинг етарлилигига нисбатан талабларда намоён бўлади (1.3-жадвал).

1.3-жадвал

“CAMELS” рейтинг тизимида банкларнинг капитал етарлилиги бўйича рейтинги⁵⁰

Рейтинг	1-даражали капиталнинг етарлилик коэффициенти	Регулятив капиталнинг етарлилик коэффициенти
Рейтинг 1 (кучли)	4 % дан анча юқори	8 % дан анча юқори
– капитал кўрсаткичлари гуруҳ банклари ичида энг яхшиси бўладиган бўлса; – банкнинг инспекцион текширувида банк активлари сифати юқори баҳоланган бўлса.		
Рейтинг 2 (қониқарли)	4 % дан сезиларли даражада юқори	8 % дан сезиларли даражада юқори
– капитал кўрсаткичлари бўйича гуруҳ банклари ичида ўртачадан юқори бўлса; – банкнинг инспекцион текширувида банк активлари сифати ўртачадан юқори ёки қониқарли баҳоланган бўлса.		
Рейтинг 3 (ўрта)	4 % даражасида	8 % даражасида
– капитал кўрсаткичлари бўйича гуруҳ банклари ичида энг камидан ўртача бўлса; – банкнинг инспекцион текширувида банк активлари сифати ўртача деб баҳоланган бўлса.		
Рейтинг 4 (чекгаравий)	4 % дан сезиларсиз даражада паст	8 % дан сезиларсиз даражада паст

⁵⁰ Supervision and Regulation. CAMELS rating system. <https://www.federalreserve.gov>.

– капитал кўрсаткичлари бўйича гуруҳ банклари ичида ўртачадан паст бўлса: – банкнинг инспекцион текширувида банк активлари сифати яққол кучсиз ёки муаммоли бўлса.		
Рейтинг 5 (коникарсиз)	4 % дан сезиларли даражада паст	8 % дан сезиларли даражада паст
– капитал кўрсаткичлари бўйича гуруҳ банклари ичида энг паст бўлса: – банкнинг инспекцион текширувида банк активлари сифати чегаравий ёки коникарсиз деб баҳоланган бўлса.		

1.3-жадвал маълумотларидан кўринадики, “CAMELS” рейтинг тизимида тижорат банкига капиталнинг етарлилиги бўйича бериладиган рейтинг капиталнинг рискли активларга нисбатан даражасига ва активларнинг сифати кўрсаткичига боғлиқ. Капиталнинг етарлилик даражаси юқори бўлган тижорат банкларида регулятив капитал ва биринчи даражали капитал суммаси рискли активлар суммасига нисбатан анча юқори бўлгани ҳолда активларнинг сифати камида 2 га тенг бўлиши, рискли активлар кўрсаткичи эса 11 фоиздан юқори бўлмаслиги керак.

Капиталнинг етарлилик даражаси энг паст бўлган банкларга 5 балл рейтинг баҳоси бериледи ва ушбу банкларда зарарлар суммаси биринчи даражали капитал суммасидан катта бўлади.

1.4-жадвал

“CAMELS” рейтинг тизимида банкларнинг ликвидлиги бўйича рейтинг⁵¹

Рейтинг	Мезонлар
1 – кучли	Ликвидли активлар ҳажми етарлича ва ташқи манбаларни бемалол жалб қилиш мумкин
2 – коникарли	Ликвидлик пасаймоқда ва жалб қилинаётган ресурслар ҳажми ошмоқда. Аммо ликвидлик кўрсаткичи банк мансуб бўлган банклар гуруҳидаги ўртача кўрсаткичдан юқори
3 – ўртача	Ликвидли активлар ҳажми мажбуриятлар бўйича талабларни қоплашга ва мижозларнинг кредитларга бўлган эҳтиёжларини тўлиқ қондиришга, жалб қилинган маблағлар ҳажмини оширмасдан туриб, етмайди.
4 – чегаравий	Ликвидлик кўрсаткичи қабул қилинган меъёрдан сезиларли даражада паст
5 – коникарсиз	Банкнинг ликвидлик даражаси шу қадар пастки, у операцияларни амалга ошириш имкониятига эга эмас ва унинг ўз мажбуриятларини бажара олишини таъминлашга қаратилган тезкор чоралар кўриш талаб этилади

⁵¹ Supervision and Regulation. CAMELS rating system. <https://www.federalreserve.gov>.

1.4-жадвалда келтирилган фактологик маълумотлардан кўринадики, “CAMELS” рейтинг тизимида тижорат банкларининг ликвидлилик даражаси ликвидли активларнинг банк мажбуриятларини бажаришга етиши ёки етмаслиги сифатида қаралмоқда. Шунингдек, тижорат банкларининг ликвидлигини баҳолашда уларнинг ташқи манбаларни жалб қилиш имконияти ҳам ҳисобга олинмоқда. Шу жиҳатдан олганда, тижорат банклари активларининг сифатини баҳолаш “CAMELS” рейтинг тизимида муҳим ўрин тутаети (1.5-жадвал).

1.5-жадвал

“CAMELS” рейтинг тизимида тижорат банклари активларининг сифатини баҳолаш мезонлари⁵²

Рейтинг	Мезонлар
1 – кучли	5 фоизгача
2 – қониқарли	5% - 15%
3 – ўртача	15% - 30 %
4 – чегаравий	30% - 50%
5 – қониқарсиз	50 фоиздан юқори


1.5-жадвал маълумотларидан кўринадики, “CAMELS” рейтинг тизимида тижорат банклари активларининг сифати 5 фоиздан 50 фоизгача ва 50 фоиздан ортиқ бўлган шкала бўйича баҳоланади. Бунда активларнинг сифати тижорат банкнинг рискка тортилган активлар суммасини жами капиталга бўлиш ва олинган натижани 100 фоизга кўпайтириш йўли билан аниқланади.

Активларнинг сифат кўрсаткичи 50 фоиздан юқори бўлган банклар бешинчи тоифага киритилади ва уларнинг активлари сифати қониқарсиз, деб баҳоланади.

Тижорат банклари активларининг сифат кўрсаткичи меъерий талаблар даражасида бўлишини таъминлашда рискка тортилган активлар суммасининг ўсиши билан жами капиталнинг ўсиши ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Агар рискка тортилган активлар ўсиш суръатининг жами капиталнинг ўсиш суръатидан ортада қолишига йўл қўйилса ва қисқа вақт ичида ушбу ҳолатга барҳам берилмаса, у ҳолда, тижорат банкида активлар сифати кўрсаткичининг кескин пасайиши кузатилади. Бунинг натижасида банк рейтинг баҳосининг кескин пасайиши ҳолати юз беради.

⁵² Supervision and Regulation. CAMELS rating system. <https://www.federalreserve.gov>.

“CAMELS” рейтинг тизимида кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари тўлик тижорат банкининг харажатига олиб борилади.



1.1-расм. “CAMELS” рейтинг тизимида тижорат банкларининг ликвидлилигига таъсир қилувчи асосий омиллар⁵³

1.1-расмда келтирилган маълумотларга кўра, “CAMELS” рейтинг тизимида тижорат банкларининг ликвидлилигига таъсир қилувчи асосий омиллар ўз аксини топган. Мазкур омиллар банкларнинг ҳам пасивларини, ҳам активларини қамраб олган.

Ана шундай муҳим омиллардан бири, тижорат банклари депозитларининг баркарорлиги ҳисобланади.

“CAMELS” рейтинг тизимида тижорат банклари депозит базасининг баркарорлиги (ДБЕ) куйидаги формула орқали аниқланади⁵⁴:

$$\text{ДБЕ} = \frac{\text{Асосий депозитлар}}{\text{Депозитлар} - \text{жами}} \times 100\%$$

Ушбу кўрсаткичнинг энг паст меъёрий даражаси 75% килиб белгиланган. Яъни тижорат банкининг депозит базаси етарли бўлиши учун депозитларининг умумий ҳажмида асосий депозитларнинг салмоғи камида 75 фоизни ташкил этиши лозим.

⁵³ <https://www.federalreserve.gov> маълумотлари асосида тузилган.

⁵⁴ Supervision and Regulation. CAMELS rating system. <https://www.federalreserve.gov>.

“CAMELS” рейтинг тизимида асосий депозитларга қуйидагилар киради:

- талаб қилиб олинадиган депозитларнинг барқарор қолдиғи;
- муддатли депозитлар;
- жамғарма депозитлар.

Талаб қилиб олинадиган депозитларнинг барқарорлик даражаси паст бўлганлиги сабабли улардан тўғридан-тўғри, яъни уларни муддатли депозит ҳисобрақамларига ўтказмасдан туриб ресурс сифатида фойдаланиш тижорат банкларининг ликвидлигига нисбатан кучли салбий таъсирни юзага келтиради. Шу сабабли, “CAMELS” рейтинг тизимида талаб қилиб олинадиган депозитларнинг фақат барқарор қолдиғидан ресурс сифатида фойдаланиш тавсия этилади.

Тижорат банкларининг ликвидлигига таъсир этувчи асосий омиллардан яна бири сузувчи ставкадаги депозитларнинг даражаси ҳисобланади.

Сузувчи ставкадаги банк депозитлари тижорат банклари учун фоиз рисқи даражасининг ошишига олиб келувчи муҳим омиллардан бири саналади. Яъни, агар сузувчи ставкадаги қисқа муддатли депозит ҳисобидан қатъий белгиланган ставкадаги узоқ муддатли кредит берилса, у ҳолда бозор ставкаларининг ошиши натижасида ушбу тижорат банкининг соф даромади камаяди ва у зарар кўради. Чунки бунда берилган кредитнинг фоиз ставкаси ўзгармайди, аммо жалб қилинган депозитнинг баҳоси кўтарилади.

Шунингдек, тижорат банкларининг ликвидлигига таъсир этувчи муҳим омиллардан бири банкнинг пул бозоридан маблағлар жалб этиш имконияти ҳисобланади.

Пул бозори ссуда капиталлари бозорининг сегментларидан бири тижорат банкларининг ликвидлигини таъминлашда муҳим ўрин тутди. Чунки пул бозорида қисқа муддатли кредит ресурслари билан савдо қилинади. Агар тижорат банкининг “Ностро” вакиллик ҳисобрақамида вақтинчалик пул маблағларининг етишмовчилиги юз берса, банк пул бозоридан қисқа муддатли кредитлар олиб, ушбу муаммони ҳал қилиши мумкин.

“CAMELS” рейтинг тизимида тижорат банкларининг ликвидлигига таъсир қилувчи асосий омиллардан бири банк активлари ва пасивларини бошқариш стратегияси ҳисобланади.

Тижорат банклари активлари ва пасивларини бошқариш стратегиясининг самарадорлигини таъминлаш бевосита активлар ва

пассивларни бошқариш усулларида тўғри ва самарали фойдаланишга боғлиқ. Масалан, тижорат банклари активлари ва пассивларини бошқаришнинг “Маблағлар манбаини ажратиш” усулида ресурсларнинг банкда сақланиш муддати, депозитлар барқарор колдигининг ўзгариши, қатъий белгиланган ставкадаги активлар ва пассивлар ўртасидаги мутаносиблик, сузувчи ставкадаги активлар ва пассивлар ўртасидаги мутаносиблик масалаларига алоҳида эътибор қаратилади.

“CAMELS” рейтинг тизимида тижорат банклари фаолиятидаги бозор рискинни баҳолаш ва бошқариш бўйича талабларнинг қўйилганлиги банкларнинг ликвидлилиги ва тўловга қобиллигини таъминлашнинг методологик асосларини такомиллаштиришда муҳим роль ўйнади.

1.6-жадвал

“CAMELS” рейтинг тизимида тижорат банкнинг бозор рискига таъсирчанлиги рейтинг⁵⁵

Рейтинг	Мезонлар
1 – кучли	Бозор рискига таъсирчанлик яхши назорат қилинади ва молиявий натижа ёки капиталнинг йўқотишларга дуч келиш эҳтимоли жуда паст. Риск менежмент амалиёти, риск таъсиридаги позицияларнинг миқдори ва мураккаблигини ҳисобга олган ҳолда такомиллашган ҳисобланади.
2 – коникарли	Бозор рискига таъсирчанлик етарли даражада назорат қилинади ва молиявий натижа ёки капиталнинг йўқотишларга дуч келиш эҳтимоли унчалик юқори эмас. Риск-менежмент амалиёти, риск таъсиридаги позицияларнинг миқдори ва мураккаблигини ҳисобга олган ҳолда коникарли ҳисобланади. Даромад ва капиталнинг даражаси бозор рискидан муносиб ҳимояланиш имконини беради.
3 – ўртача	Бозор рискинни назорат қилиш такомиллаштиришни талаб қилади ёки молиявий натижа ёки капиталнинг йўқотишларга дуч келиш эҳтимоли юқори. Риск-менежмент амалиёти, риск таъсиридаги позицияларнинг миқдори ва мураккаблигини ҳисобга олган ҳолда, яхшиланиши лозим. Даромад ва капиталнинг даражаси бозор рискидан муносиб ҳимояланиш имконини бермайди.
4 – чегаравий	Бозор рискинни назорат қилиш мақбул эмас ёки молиявий натижа ёки капитал йўқотишларга дучор. Риск-менежмент амалиёти риск таъсиридаги позицияларнинг миқдори ва мураккаблигига мос келмайди. Даромад ва капиталнинг даражаси бозор риски ҳажмини муносиб қўллаб-қувватлаш имконини бермайди.
5 – коникарсиз	Бозор рискинни назорат қилиш мақбул эмас ва рискнинг қабул қилинган даражаси банкнинг молиявий барқарорлигига хавф солади. Риск-менежмент амалиёти риск таъсиридаги позицияларнинг миқдори ва мураккаблигига мос келмайди.

⁵⁵ Supervision and Regulation. CAMELS rating system. <https://www.federalreserve.gov>.

“CAMELS” рейтинг тизимида бозор rischi куйидаги омиллар асосида баҳоланади:

- тижорат банки фойдаси ва капиталининг иқтисодий қиймати фоиз ставкалари, валюта курси ва акциялар баҳоларининг ноқулай ўзгаришларига таъсирчанлиги;

- менежментнинг риск таъсиридаги позицияларни банкнинг миқдори, операцияларнинг мураккаблиги ва риск даражаларини ҳисобга олган ҳолда аниқлаш, ўлчаш, мониторинг ва назорат қилиш имкониятининг мавжудлиги;

- банкнинг носавдо операциялари бўйича фоиз riskига таъсирчанлиги;

- банкнинг хорижий валюталар билан амалга ошириладиган операцияларида юзага келадиган бозор rischi бўйича позицияларнинг мураккаблиги.

“CAMELS” рейтинг тизимида банкнинг бозор riskига таъсирчанлигини баҳолаш фоиз ставкалари, валюта курслари ва акцияларнинг баҳолари ўзгаришини тижорат банкининг даромадлилигига таъсирини аниқлаш имконини беради.

Ҳозирги даврда тижорат банклари фаолиятидаги бозор riskини юзага келишида ва чуқурлашишида валюта курсларининг тебраниши катта роль ўйнамоқда. Бу эса, етакчи валюталарнинг номинал алмашув курсларининг волатиллиги нисбатан юқори эканлиги билан изоҳланади.

Ҳозир дунёдаги етакчи саккизта валютадан еттитаси (USD, EUR, JPY, GBP, CHF, CAD, AUD) эркин сузиш режимига эга, фақат биттаси (CNY) бошқариладиган сузиш режимига эга.

Валюталарнинг эркин сузиш режимига эга бўлиши уларнинг номинал алмашув курсларини сезиларли даражада катта диапазонларда тебранишига сабаб бўлади. Чунки эркин сузиш режимига миллий валютанинг номинал алмашув курси валюта бозорида, талаб ва таклифга қараб эркин шаклланади.

“CAMELS” рейтинг тизимида бозор riskининг тижорат банклари фаолиятига таъсирини баҳолашда фоиз ставкалари ва акцияларнинг бозор баҳоларининг тебранишига алоҳида эътибор қаратилади.

Тижорат банклари депозитлари ва кредитларининг бозор ставкалари ссуда капиталлари бозоридаги талаб ва таклифга қараб эркин шаклланади. Шу сабабли, уларнинг фоиз ставкалари маълум даврий оралиқларда сезиларли даражада тебраниши мумкин. Масалан, 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий

инкирози даврида етакчи хорижий валюталардаги депозитлар ва кредитларнинг фоиз ставкаларининг кескин пасайиши юз берди. Чунки, инқироз даврида тижорат банкларининг кредитларига бўлган талаб камайди. Бу эса, компаниялар ва фирмаларда ишлаб чиқариш ҳажмларининг кескин қисқариши билан изоҳланади.

II БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ЛИКВИДЛИЛИГИ ВА ТЎЛОВ ҚОБИЛИЯТИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИДАН ЎЗБЕКИСТОН БАНК АМАЛИЁТИДА ФЙДАЛАНИШ ИМКОНИАТЛАРИ

2.1-§. Тараққий этган мамлакатлар тажрибаси

Тижорат банкларининг ликвидлиги ва тўлов қобилиятини таъминлаш борасида катта ва бой тажриба тўпланган бўлиб, улардан Ўзбекистон банк амалиётида ижодий фойдаланиш имкониятларини асослаб бериш муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади.

АҚШ банкларида тижорат банкларининг ликвидлиги жорий ликвидлик коэффициенти орқали баҳоланади. Ушбу жорий ликвидлик коэффициенти бирламчи захираларни жами депозитлар суммасига тақсимлаш йўли билан аниқланади ва унинг энг паст меъёрий даражаси 0,10 килиб белгиланган.


АҚШ банк амалиётида бирламчи захиралар таркибига тижорат банкларининг пул шаклидаги активлари, яъни кассадаги нақд пуллар, тижорат банкининг Марказий банкдаги (ФЗТ) “Ностро” вакиллик ҳисобрақамидаги пул маблағлари, банкнинг бошқа банклардаги “Ностро” вакиллик ҳисобрақамларидаги пул маблағлари ва бошқа банкларга жойлаштирилган депозитлар киради.

АҚШда тижорат банклари капиталининг етарлигини баҳолаш ва минимал талабларни белгилашда Базель кўмитасининг талаблари қўлланилади.

Шуниси характерлики, АҚШ Федерал захира тизими (ФЗТ) Базель кўмитасининг мавжуд уч стандартини ҳам амалиётга қўллаган. Ҳозирги даврда Базель кўмитасининг сўнги Базель-Ш стандарти ҳам банк амалиётига жорий этилган. Жумладан, ликвидликни коплаш меъёри коэффициенти ва соф барқарор молиялаштириш меъёри коэффициенти пруденциал меъёрлар сифатида жорий этилган. Бундан ташқари, тижорат банкларига капиталнинг химоявий консервация буфери ва контрциклик буферни шакллантириш мажбурияти юкланган.

Шунингдек, АҚШ банклари активларнинг рентабеллиги (ROA) ва капиталнинг рентабеллиги (ROE) кўрсаткичларининг ўзгаришини доимий равишда мониторинг қилиб борадилар.

АҚШнинг энг йирик трансмиллий банкларидан бири бўлган Bank of America мисолида тижорат банкларининг ликвидлиги ва тўловга қобиллигига баҳо берамиз.



2.1-расм. “Bank of America”нинг жорий ликвидлилик даражаси⁵⁶, фоизда

2.1-расм маълумотларидан кўринадики, 2014-2018 йилларда Bank of America томонидан жорий ликвидлилик кўрсаткичи бўйича меъерий талаб бажарилган. Бу эса, банкни етарли даражада ликвидли эканлигидан далолат беради. Шунингдек, Bank of America банкнинг жорий ликвидлилик даражаси 2018 йилда 2014 йилга нисбатан 0,4 фоизли пунктга ошган, 2015 йилда эса 2014 йилга нисбатан сезиларли даражада ошган. Бу эса, мазкур даврда бирламчи захираларнинг ўсиш суръатини депозитларнинг ўсиш суръатидан сезиларли даражада юкори бўлганлиги билан изоҳланади. Бирламчи захираларнинг ўсиш суръати 2015 йилда 2014 йилга нисбатан 14,9 фоизни ташкил этгани ҳолда мазкур даврда депозитларнинг ўсиш суръати 7,0 фоизни ташкил этди.

2.1-жадвал

“Bank of America”нинг бирламчи захиралар шаклидаги ликвидли активлари динамикаси ва даражаси⁵⁷, фоизда

Кўрсаткичлар	2014й.	2015й.	2016й.	2017й.	2018й.	2018 йилда 2014 йилга нисбатан ўзгариши
Ликвидли активлар, млрд. доллар	138,6	159,4	147,7	157,4	177,4	128,0 %
Ликвидли активларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғи, %	6,6	7,4	6,8	6,9	7,5	0.9 ф.п.

⁵⁶ Annual Reports. Consolidated Balance Sheet. <http://www.bankofamerica.com> (Bank of America) маълумотлари асосида тузилган.

⁵⁷ Annual Reports. Consolidated Balance Sheet. <http://www.bankofamerica.com> (Bank of America) маълумотлари асосида тузилган.

Bank of America банкининг жорий ликвидлилиги бирламчи захира шаклидаги ликвидли активлар ҳисобидан таъминланаётгани сабабли унинг ликвидли активлари динамикаси ва даражасига баҳо берадиган бўлсак, 2.1-жадвал маълумотларига кўра, “Bank of America”нинг бирламчи захира шаклидаги ликвидли активларининг миқдори 2018 йилда 2014 йилга нисбатан 28,0 фоизга ошган. Банкнинг бирламчи захира шаклидаги ликвидли активларининг брутто активлар ҳажмидаги салмоғи 2018 йилда 2014 йилга нисбатан 0,9 фоизли пунктга ошган. Бу эса, сезиларли даражада юқори ўсиш суръати бўлиб, банкнинг ликвидлилигини таъминлаш нуқтаи назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

Мазкур банкнинг бирламчи захира шаклидаги ликвидли активларининг миқдори 2016 йилда 2015 йилга нисбатан сезиларли даражада камайган. Бу эса, банкнинг ликвидлилигини таъминлаш нуқтаи назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

Биз куйида бирламчи захиралар шаклидаги ликвидли активларнинг таркибига баҳо берамиз.



2.2-расм. “Bank of America”нинг бирламчи захиралар шаклидаги ликвидли активларининг таркиби, жамига нисбатан фоизда⁵⁸

2.2-расм маълумотларидан кўринадики, 2014-2018 йилларда Bank of America банкининг бирламчи захиралар шаклидаги ликвидли активларининг умумий ҳажмида нисбатан юқори салмоқни банкнинг бошқа банкларга жойлаштирган депозитлари эгаллаган, кассадаги нақд пуллар ва банкнинг бошқа банклардаги “Ностро” вакиллик

⁵⁸ Annual Reports. Consolidated Balance Sheet. <http://www.bankofamerica.com> (Bank of America) маълумотлари асосида тузилган.

ҳисобрақамларидаги пул маблағларининг улуши паст бўлган. Бу эса, куйидаги сабаблар билан изоҳланади:

- бошқа банкларга жойлаштирилган депозитлар банкка фоиз кўринишида даромад келтиради;
- бошқа банкларга депозит қўйиш кредит беришга караганда риск даражаси анча паст бўлган актив ҳисобланади;
- нақд пуллар даромад келтирмайдиган актив ҳисобланади;
- АҚШда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизими юксак даражада ривожланганлиги сабабли нақд пулларга бўлган талаб паст;
- банкнинг “Ностро” вакиллик ҳисобрақамларидаги пул маблағлари даромад келтирмайдиган актив ҳисобланади. Чунки, биринчидан, АҚШ Федерал захира тизими тижорат банкларининг “Ностро” вакиллик ҳисобрақамларидаги пул маблағларига фоиз тўламайди; иккинчидан, бошқа банклар Bank of Americaнинг уларнинг балансида очилган “Ностро” вакиллик ҳисобрақамларининг ишчи қолдиғига фоиз тўламайди.

Эътироф этиш жоизки, АҚШ тижорат банкларининг ликвидлигини таъминлашда АҚШ ҳукуматининг қимматли қоғозларига қилинган инвестициялар муҳим ўрин тутди.

АҚШ ҳукуматининг қимматли қоғозлари юқори ликвидли қимматли қоғоз ҳисобланади. Шу билан бирга, ушбу қимматли қоғозлар ишончли ва рисксиз инвестициялаш объекти ҳисобланади.

2.2-жадвал

“Bank of America”нинг ҳукуматнинг қимматли қоғозларига қилинган инвестицияларининг динамикаси ва даражаси⁵⁹, фоизда

Кўрсаткичлар	2014й.	2015й.	2016й.	2017й.	2018й.	2018 йилда 2014 йилга нисбатан ўзгариши
Ҳукуматнинг қимматли қоғозларига қилинган инвестициялар, млрд. доллар	191	192	198	212	261	136,6 %
Ҳукуматнинг қимматли қоғозларига қилинган инвестицияларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғи, %	9,1	8,9	9,1	9,3	11,1	2,0 ф.п.

2.2-жадвал маълумотларидан кўринадики, Bank of America банкининг ҳукуматнинг қимматли қоғозларига қилинган инвестициялари миқдори 2018 йилда 2014 йилга нисбатан 36,6 фоизга

⁵⁹ Annual Reports. Consolidated Balance Sheet. <http://www.bankofamerica.com> (Bank of America) маълумотлари асосида тузилган.

ошган. Бу эса, сезиларли даражада юқори бўлган ўсиш суръати бўлиб, банкнинг ликвидлигини таъминлаш нуқтаи назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

Ушбу банкнинг брутто активлари ҳажмида ҳукуматнинг қимматли қоғозларига қилинган инвестицияларининг салмоғи 2018 йилда 2014 йилга нисбатан 2,0 фоизли пунктга ошган. Бу эса, банкнинг ликвидлигини таъминлаш нуқтаи назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

Bank of America банкининг тўловга қобиллигига баҳо бериш учун унинг регулятив капиталнинг пассивлари ҳажмидаги салмоғини ва активларининг рентабеллигини таҳлил қиламиз.

2.3-жадвал

“Bank of America”нинг пассивлари, регулятив капитали ва унинг пассивлар ҳажмидаги салмоғи⁶⁰, фоизда

Кўрсаткичлар	2014й.	2015й.	2016й.	2017й.	2018й.	2018 йилда 2014 йилга нисбатан ўзгариши
Пассивлар, млрд. доллар	2104	2144	2187	2281	2354	111,9 %
Регулятив капитал, млрд. долл.	243	256	266	267	265	109,1
Регулятив капиталнинг пассивлар ҳажмидаги салмоғи, %	11,5	11,9	12,2	11,7	11,3	- 0,2 ф.п.

2.3-жадвал маълумотларига кўра, 2018 йилда 2014 йилга нисбатан Bank of America банки пассивларининг ўсиш суръати 11,9 фоизни ташкил этгани ҳолда, унинг регулятив капитали ўсиш суръати 9,1 фоизни ташкил этган. Бу эса, унинг тўловга қобиллигини таъминлаш нуқтаи назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.


Шунингдек, Bank of America пассивларининг умумий ҳажмида регулятив капиталнинг салмоғи 2018 йилда 2014 йилга нисбатан 0,2 фоизли пунктга пасайган. Бу эса, унинг тўловга қобиллигини таъминлаш нуқтаи назаридан салбий ҳолат ҳисобланади. Чунки регулятив капиталнинг пассивлар ҳажмидаги салмоғи қанчалик юқори бўлса, банкнинг тўловга қобиллик даражаси шунчалик юқори бўлади.

2.3-жадвалда кўрсатилганидек, 2014-2018 йилларда Bank of America пассивларининг умумий ҳажмида регулятив капиталнинг 11

⁶⁰ Annual Reports. Consolidated Balance Sheet. <http://www.bankofamerica.com> (Bank of America) маълумотлари асосида тузилган.

фоиздан паст бўлмаган даражаси таъминланган. Бу эса, унинг тўловга қобиллигини таъминлаш нуқтаи назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

Куйида 2.3-расмда Bank of America банки активларининг рентабеллиги 2014-2018 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлганлиги кўрсатилган. Бу эса, банкнинг тўловга қобиллигини таъминлаш нуқтаи назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.



2.3-расм. “Bank of America” активларининг рентабеллиги (ROA)⁶¹, фоизда

Швейцария Миллий банки очик бозор сиёсати доирасида тўғри РЕПО ва тескари РЕПО операциялари орқали тижорат банкларининг ликвидилигига таъсир кўрсатади.

Тўғри РЕПО операциясида Швейцария Миллий банки Швейцария ҳукуматининг қимматли қоғозларини, тижорат банкларининг облигациялари, депозит ва жамғарма сертификатларини мамлакат банкларига қайтариб сотиб олиш шарти билан сотади.

Тескари РЕПО операциясида Швейцария Миллий банки Швейцария ҳукуматининг қимматли қоғозларини, тижорат банкларининг облигациялари, депозит ва жамғарма сертификатларини мамлакат тижорат банкларидан қайтариб сотиш шарти билан сотиб олади.

Швейцария Миллий банки ҳукуматга ва тижорат банкларига тегишли вақтинчалик бўш турган пул маблағларини ўзининг

⁶¹ Annual Reports. Consolidated Balance Sheet. Consolidated Statement of income. <http://www.bankofamerica.com> (Bank of America) маълумотлари асосида тузилган.

муддатли депозит ҳисобрақамларига жалб қилади ва уларга фойз тўлайди.

Швейцария банклараро электрон тўлов тизимининг хизматларидан мамлакатдаги банкларнинг 90 фоиздан ортиқ қисми тўғридан-тўғри фойдаланади. Ушбу тўлов тизимининг хизматларидан тўғридан-тўғри фойдаланиш имкониятига эга бўлмаган банклар тўловларни ушбу тизим орқали амалга ошириш учун вакил банкларнинг хизматидан фойдаланишлари мумкин. Бунда банклараро тўлов тизимига уланган вакил банк исталган турдаги тўловни ўзининг вакил банки ва унинг мижозлари учун амалга ошириб беради.

Швейцариянинг асосий тўлов тизимига электрон алоқа воситалари орқали уланмаган тижорат банклари ҳам телефон алоқаси орқали тизимдан фойдаланишлари мумкин.

Хорижий банклар Швейцария банклари билан вакиллик муносабатлари ўрнатишда Швейцария банкларининг овердрафт кредитидан фойдаланишга рухсат олишга ҳаракат қилишади. Яъни овердрафт кредити “Ностро” вакиллик ҳисобрақамида юзага келадиган вақтинчалик валюта этишмаслиги муаммосини ҳал этишнинг энг ишончли усули ҳисобланади. Хорижий банк валюта маблағлари этишмаслиги юзага келганда, вакил банкни белгиланган лимит доирасида зудлик билан кредитлайди. Кредит олган банкнинг “Ностро” вакиллик ҳисобрақамига пул келиб тушиши билан берилган овердрафт кредити қайтарилади.

Таъкидлаш жоизки, катор давлатларда овердрафт кредити бериш конун йўли билан тақиқланган. Аммо Швейцарияда бундай тақиқ мавжуд эмас, аксинча, овердрафт усулида кредитлаш амалиёти такомиллашган.

Швейцария Миллий банки томонидан тижорат банклари 6 гуруҳга ажратилган:

1. Кантонал банклар.

Кантонал банклар активларининг миқдори бўйича энг каттаси ZKB банк ҳисобланади ва энг юқори AAA рейтингига эга.

2016 йилнинг 31 декабрь ҳолатига кўра, кантонал банкларнинг Швейцария тижорат банклари активларидаги улуши 31,6 фоизни ташкил этди.

2. Энг йирик банклар.

Швейцарияда 2 та йирик банк мавжуд – UBS (Union Bank of Switzerland) ва Credit Suisse Group AG.

3. Худудий банклар.

4. Хусусий банклар.

Хусусий банклар истеъмол кредитлари бериш ва траст операциялари билан шуғулланишади.

5. Хорижий банклар.


6. Кичик банклар.

Швейцария банкларининг кредитлари миқдори сўнги йилларда камаймоқда. Бу эса, кредитларга бўлган талабнинг камайганлиги билан изоҳланади.

Сўнги йилларда Швейцария тижорат банклари томонидан берилаётган ипотека кредитлари миқдорининг ошиб бориш тенденцияси кузатилмоқда. Бу эса, уй-жойга бўлган талабнинг ошиб бораётганлиги билан изоҳланади.

Энди биз, Германиянинг активлари миқдорига кўра, энг йирик тижорат банки бўлган “Deutsche Bank” мисолида таҳлилни давом эттирамиз.

Deutsche Bankнинг жорий ликвидлигини баҳолашда жорий ликвидлик коэффициентида фойдаланамиз. Ушбу методикага кўра, банкнинг жорий ликвидлиги юқори ликвидли активларни жами депозитлар суммасига таксимлаш орқали аниқланади.



2.4-расм. “Deutsche Bank”нинг жорий ликвидлик даражаси⁶², фоизда

2.4-расм маълумотларидан кўринадики, 2016-2018 йилларда Deutsche Bankнинг жорий ликвидлиги халқаро банк амалиётида умумэтироф этилган меъерий даражадан (30%) юқори бўлган. Бу эса, банк ликвидлигини таъминлаш нуктаи назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади. Аммо 2014 ва 2015 йилларда мазкур

⁶² Annual Reports. Consolidated Balance Sheet. www.db.com (Deutsche Bank) маълумотлари асосида тузилган.

кўрсаткичнинг ҳақиқатдаги даражаси меъёрий талаб даражасидан паст бўлган. Бу эса, мазкур даврларда депозитларнинг ўсиш суръатини юқори ликвидли активларнинг ўсиш суръатидан юқори бўлганлиги билан изоҳланади.

Таъкидлаш жоизки, депозитлар Deutsche Bank мажбуриятларининг таркибида нисбатан юқори салмоқни эгаллайди (2.4-жадвал).

2.4-жадвал

“Deutsche Bank” депозитлари ва уларнинг мажбуриятлар умумий ҳажмидаги салмоғи⁶³

Кўрсаткичлар	2014й.	2015й.	2016й.	2017й.	2018й.
Депозитлар, млрд. евро	532	566	550	581	564
Депозитларнинг мажбуриятларнинг умумий ҳажмидаги салмоғи, %	32,5	36,3	36,1	41,3	44,1

2.4-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2014-2018 йилларда Deutsche Bank мажбуриятларининг таркибида депозитлар нисбатан юқори салмоққа эга бўлган. Шунингдек, 2016-2018 йилларда депозитларнинг Deutsche Bank мажбуриятларининг умумий ҳажмидаги салмоғи ўсиш тенденциясига эга бўлган.

Тижорат банкларининг ликвидлигига таъсир кўрсатадиган асосий омиллардан бири кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари даражаси ҳисобланади.

Кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари даражаси ($K_{зар}$) қуйидагича аниқланади:

$$K_{зар} = \frac{\text{Захира ажратмалари суммаси}}{\text{Банк активларининг ўртача суммаси}} \times 100\%$$


Ўз навбатида, тижорат банки активларининг ўртача суммаси ўртача арифметик усул билан аниқланади ва бунда активларнинг таҳлил даври бошидаги суммаси билан таҳлил даври охиридаги суммаси қўшилиб, икки сонига бўлинади.

Кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари тўлиқ тижорат банкнинг харажатиغا олиб борилади ва банкнинг солиққа тортиладиган базаси захира ажратмалари суммасига камаяди.

⁶³ Annual Reports. Consolidated Balance Sheet. www.db.com (Deutsche Bank) маълумотлари асосида тузилган.

Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки экспертларининг тавсиясига кўра, кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари даражаси кўрсаткичининг меъёрий даражаси I фоизни ташкил этади⁶⁴.

Кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари миқдорининг ўзгариши бевосита таснифланган кредитлар таркибининг ўзгаришига боғлиқ. Кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари даражасининг ўзгариши эса, захира ажратмаларининг ўсиш суръати билан банк брутто активларининг ўсиш суръатлари ўртасидаги мутаносибликка боғлиқ.



2.5-расм. “Deutsche Bank”да кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари даражаси⁶⁵

2.5-расмга кўра, Deutsche Bankда кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари даражаси 2014-2018 йилларда меъёрий талабдан ошмаган. Бу эса, унинг ликвидлилигини таъминлаш нуқтаи назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

Шуниси характерлики, Германияда банкларнинг жорий ликвидлилиги бўйича пруденциал меъёр мавжуд эмас. Яъни банк назорати тизими доирасида тижорат банкларининг жорий ликвидлилиги бўйича мажбурий талаб мавжуд эмас. Ҳар бир тижорат банки жорий ликвидлилигига нисбатан талабни ўзи белгилайди.

⁶⁴ Исаков Ж.Я. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда кредит самарадорлигини ошириш. И.ф.д. илм. дар. ол.уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2016. – Б. 16-17.

⁶⁵ Annual Reports. Concolidated Balance Sheet. www.db.com (Deutsche Bank) маълумотлари асосида тузилган.

Биз куйида Deutsche Bankнинг тўловга қобиллик даражасига баҳо берамиз. Deutsche Bankнинг тўловга қобиллиги Европа Марказий банки томонидан ўрнатилган пруденциал меъёрлар ва ички меъёрий ҳужжатлар асосида тартибга солинади. Бунда пруденциал меъёр деганда, банк назорат органлари томонидан ўрнатилган ва тижорат банклари томонидан бажарилиши шарт бўлган меъёрлар тушунилади.

2.5-жадвал

“Deutsche Bank”нинг пассивлари, регулятив капитали ва унинг пассивлар ҳажмидаги салмоғи⁶⁶, фоизда

Кўрсаткичлар	2014й.	2015й.	2016й.	2017й.	2018й.	2018 йилда 2014 йилга нисбатан ўзгариши
Пассивлар, млрд. доллар	1708	1629	1590	1474	1348	78,9 %
Регулятив капитал, млрд. долл.	73	67	64	68	68	93,2 %
Регулятив капиталнинг пассивлар ҳажмидаги салмоғи, %	4,3	4,1	4,0	4,6	5,0	0,7 ф.п.

2.5-жадвал маълумотларидан кўринадики, Deutsche Bank пассивларининг миқдори 2018 йилда 2014 йилга нисбатан 27,1 фоизга, регулятив капитали миқдори 6,8 фоизга камайган.

Регулятив капиталнинг пассивлар ҳажмидаги салмоғининг камайиши тижорат банкининг тўловга қобиллигини таъминлаш нуқтаи назаридан салбий ҳолат ҳисобланади. Шунингдек, таҳлил қилинган давр мобайнида регулятив капиталнинг пассивлар ҳажмидаги салмоғи паст даражада бўлган. Мазкур ҳолат ҳам тижорат банкининг тўловга қобиллигини таъминлаш нуқтаи назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

Deutsche Bankнинг тўловга қобиллигини баҳолаш мақсадида амалга оширилаётган таҳлилни чуқурлаштириш мақсадида унинг активлари ва капиталининг рентабеллигига баҳо берамиз.

Тижорат банклари активлари ва капитали рентабеллиги кўрсаткичлари фоизда ифодаланади ва бунда активлар рентабеллиги соф фойданинг брутто активларга нисбати сифатида, капитал рентабеллиги эса, соф фойданинг регулятив капиталга нисбати сифатида аниқланади.

⁶⁶ Annual Reports. Consolidated Balance Sheet. www.dfb.com (Deutsche Bank) маълумотлари асосида тузилган.

Шуниси характерлики, капитал рентабеллиги кўрсаткичининг меъерий даражаси мавжуд (15%), аммо активлар рентабеллиги кўрсаткичининг меъерий даражаси мавжуд эмас. Шу сабабли, тижорат банклари активлари рентабеллиги кўрсаткичини баҳолашда молиявий таҳлилнинг қиёсий таҳлил усулидан фойдаланилади.

2.6-жадвал

“Deutsche Bank” активлари ва капиталининг рентабеллиги⁶⁷, фоизда

Кўрсаткичлар	2014й.	2015й.	2016й.	2017й.	2018й.
Активлар рентабеллиги	0,1	0,04	0,0	0,0	0,03
Капитал рентабеллиги	2,3	1,0	0,0	0,0	0,5

2.6-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2014-2018 йилларда Deutsche Bankда активлар рентабеллиги ва капитал рентабеллиги кўрсаткичлари қоникарсиз даражада бўлган. Бу эса, банкнинг тўловга қобиллигини таъминлаш нуқтаи назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

Англияда Марказий банкнинг кредитлари тижорат банкларининг жорий ликвидлигини таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Англия Марказий банки активларининг мутлақ асосий қисмини, яъни 95 фоиздан ортиқ қисмини тижорат банклари ва Англия ҳукуматига берилган кредитлар эгаллайди.

Англия Марказий банки активларининг умумий ҳажмида, салмоғига кўра иккинчи ўринни қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар эгаллайди. Бу эса, асосан, Англия ҳукуматининг қимматли қоғозларига қилинган инвестицияларидир.

Англия тижорат банклари Англия Марказий банкига депозитлар жойлаштириш йўли билан бирламчи захиралари ҳажмини ошириш имкониятига эгадир.

Марказий банк пассивларининг мутлақ асосий қисмини, яъни 81 фоиздан ортиқ қисмини тижорат банклари ва Англия ҳукуматининг депозитлари ташкил этади⁶⁸. Ушбу депозитларга қуйидагилар киради:

- Англия тижорат банкларининг Марказий банкда очилган “Востро” вакиллик ҳисобрақамларидаги пул маблағлари;
- тижорат банкларининг Англия Марказий банкидаги муддатли депозит ҳисобрақамларидаги пуллар;

⁶⁷ Annual Reports. Consolidated Balance Sheet. Consolidated Statement of income. www.db.com (Deutsche Bank) маълумотлари асосида тузилган.

⁶⁸ www.bankofengland.co.uk (Англия Марказий банки)

– Англия ҳукуматининг Марказий банкда очилган жорий ҳисобрақамидаги пуллар;

– Англия ҳукуматининг Марказий банкдаги муддатли депозит ҳисобрақамидаги пуллар.

Қуйида Буюк Британиянинг энг йирик трансмиллий банкларидан бири бўлган “Barclays Bank”нинг ликвидлиги ва тўловга қобиллигига баҳо берамиз.

2.7-жадвал

“Barclays Bank”нинг пул шаклидаги юқори ликвидли активлари, депозитлари ва юқори ликвидли активларининг депозитларга нисбатан даражаси⁶⁹

Кўрсаткичлар	2014й.	2015й.	2016й.	2017й.	2018й.
Юқори ликвидли активлар, млрд. фунт стерлинг	142	131	192	248	254
Депозитлар, млрд. фунт стерлинг	384	390	390	398	394
Юқори ликвидли активларнинг депозитларга нисбатан даражаси, %	36,9	33,6	49,2	62,4	64,5

2.7-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриш мумкинки, Barclays Bankда, 2015-2018 йилларда юқори ликвидли активлар миқдорининг ўсиш ҳамда 2018 йилда 2014 йилга нисбатан депозитлар миқдорининг юқори ўсиш суръати (78,8%) кузатилган. Шу билан бирга, банк томонидан жалб қилинган депозитлар миқдори 2014-2017 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, унинг ликвидлигини таъминлаш нуктаи назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

Barclays Bankда 2014-2018 йилларда юқори ликвидли активларнинг депозитларга нисбатан даражаси юқори бўлган. Шунингдек, 2015-2018 йилларда эса мазкур кўрсаткичнинг ўсиш тенденцияси кузатилган. Ушбу ҳолатлар Barclays Bankнинг ликвидлигини таъминлаш нуктаи назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

2018 йилда Англиянинг Barclays Bank активларининг умумий ҳажмида қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар ва кредитлар асосий салмоқни эгаллайди. Ушбу икки активнинг жами активлар ҳажмидаги салмоғи 80 фоиздан юқоридир⁷⁰.


⁶⁹ Annual Reports. Consolidated summary Balance Sheet. www.barclays.com (Barclays Bank) маълумотлари асосида тузилган.

⁷⁰ www.barclays.com (Barclays Bank)

Нақд пуллар ва Barclays Bankнинг Англия Марказий банкидаги пул маблағлари ҳам активлар ҳажмида сезиларли салмоқни эгаллайди.

Barclays Bankнинг Англия Марказий банкдаги пул маблағларига қуйидагилар киради:

- Barclays Bankнинг Марказий банкда очилган “Ностро” вакиллик ҳисобрақамидаги пуллар;
- Barclays Bankнинг Марказий банкдаги муддатли депозитлари.



2.6-расм. “Barclays Bank” активларининг умумий ҳажмида юқори ликвидли активлар салмоғининг ўзгариши⁷¹, фоизда

2.6-расм маълумотларига қўра, 2014-2018 йилларда Barclays Bank активларининг умумий ҳажмида юқори ликвидли активларнинг салмоғи нисбатан юқори бўлган. 2014-2017 йилларда эса ушбу кўрсаткичнинг ўсиш тенденцияси кузатилган. Бу эса, Barclays Bankнинг ликвидлигини таъминлаш нуқтаи назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

Юқоридаги расмдан кўринадики, Barclays Bankда юқори ликвидли активларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғи 2018 йилда 2017 йилга нисбатан пасайган. Ушбу пасайиш мазкур даврда брутто активларининг ўсиш суръатини юқори ликвидли активларнинг ўсиш суръатидан юқори бўлганлиги билан изоҳланади.

Қуйида биз Barclays Bankнинг тўлов қобилиятига баҳо берамиз.

⁷¹ Annual Reports. Consolidated summary Balance Sheet. www.barclays.com (Barclays Bank) маълумотлари асосида тузилган.

“Barclays Bank”нинг регулятив капитали, мажбуриятлари ва регулятив капиталнинг мажбуриятларга нисбатан даражаси⁷²

Кўрсаткичлар	2014й.	2015й.	2016й.	2017й.	2018й.
Регулятив капитал, млрд. фунт стерлинг	65	65	71	66	63
Мажбуриятлар, млрд. фунт стерлинг	1291	1054	1141	1067	1069
Регулятив капиталнинг мажбуриятларга нисбатан даражаси, %	5,0	6,2	6,2	6,2	5,9

Мазкур жадвал маълумотларидан кўринадикки, 2018 йилда 2014 йилга нисбатан Barclays Bankнинг регулятив капитали ва мажбуриятлари 2 млрд. фунт стерлингга камайган.

Шунингдек, 2018 йилда 2014 йилга нисбатан Barclays Bank регулятив капиталнинг мажбуриятларга нисбатан даражаси пасайган. Бу эса, Barclays Bankнинг тўлов қобилиятини таъминлаш нуқтаи назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, Barclays Bank мажбуриятларининг таркибида салмоғига кўра юқори ўринларни банк томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар бўйича мажбуриятлар ва депозитлар эгаллайди. 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, банк қимматли қоғозлари бўйича мажбуриятларнинг жами мажбуриятлардаги салмоғи 53,7 фоизни, депозитларнинг мажбуриятлар умумий ҳажмидаги салмоғи эса, 36,8 фоизни ташкил этди.


Barclays Bank пассивларининг умумий ҳажмида муомалага чиқарилган қимматли қоғозлардан олинган маблағлар ва депозитлар жуда юқори салмоқни эгаллайди. Бу эса, ушбу ресурсларни банк актив операцияларини молиялаштиришнинг асосий манбаи эканлиги билан белгиланади.

Регулятив капитал Barclays Bank пассивларининг ҳажмида кичик салмоқни эгаллайди (2-илова). Бу эса, Barclays Bankнинг асосан, жалб қилинган маблағлар ҳисобидан фаолият юритиши натижасидир.

Ўз навбатида, Barclays Bank томонидан муомалага чиқарилган қимматли қоғозлар таркибида деривативлар нисбатан юқори салмоқни эгаллайди. Масалан, 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра,

⁷² Annual Reports. Consolidated summary Balance Sheet. www.barclays.com (Barclays Bank) маълумотлари асосида тузилган.

деривативларнинг Barclays Bank томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар умумий ҳажмидаги салмоғи 38,2 фоизни ташкил этди.




2.7-расм. “Barclays Bank” регулятив капиталининг таркиби⁷³, жамига нисбатан фоизда, 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига

2.7-расм маълумотларидан кўринадики, Barclays Bank регулятив капиталининг таркибида энг юкори салмоқни ўтган йилнинг тақсимланмаган фойдаси эгаллайди. Бу эса, тақсимланмаган фойданинг барқарор молиялаштириш манбаи эканлиги билан изоҳланади.

Шунингдек, Barclays Bank регулятив капиталининг таркибида эмиссион даромад ҳам нисбатан юкори салмоқни эгаллайди. Бу эса, Barclays Bank акцияларининг бозор баҳосини юкори эканлиги билан изоҳланади. Маълумотлардан кўринадики, устав капитали Barclays Bank регулятив капиталининг умумий ҳажмида нисбатан кичик салмоққа эга. Бу эса, устав капитали миқдорининг 2014-2018 йилларда камайиб борганлиги билан изоҳланади. Масалан, 2014 йилда Barclays Bank устав капиталининг миқдори 20,8 млрд. фунт стерлингни ташкил этган бўлса, 2018 йилда ушбу кўрсаткич 4,3 млрд. фунт стерлингни ташкил этди.

Barclays Bankнинг тўловга қобиллигини белгиловчи муҳим кўрсаткичлар сифатида активларнинг ўсиш суръати билан соф фойданинг ўсиш суръати ўртасидаги мутаносиблик кўрсаткичини таҳлил қиламиз.

⁷³ Annual Reports. Consolidated summary Balance Sheet. www.barclays.com (Barclays Bank) маълумотлари асосида тузилган.



2.8-расм. “Barclays Bank” активлари ва соф фойдаси⁷⁴, млрд. фунт стерлинг

Мазкур расмдан кўринадики, Barclays Bankнинг активлари миқдори 2015 йилда 2014 йилга нисбатан, 2017 йилда 2016 йилга нисбатан камайган. Бу эса, банк фаолиятининг барқарор ривожланишини таъминлаш нуктаи назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

Barclays Bankнинг соф фойдаси 2016 йилда 2015 йилга нисбатан камайган. Шунингдек, соф фойда миқдори банк активларининг миқдорига нисбатан жуда кичик. Масалан, 2018 йилда соф фойданинг Barclays Bank активларининг умумий миқдорига нисбатан салмоғи атиги 0,5 фоизни ташкил этди. Бу эса, Barclays Bankнинг тўлов қобилиятини таъминлаш нуктаи назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

2.2-§. Ривожланаётган мамлакатлар тажрибаси

Тижорат банкларининг ликвидлиги ва тўловга қобиллигини таъминлаш бўйича хориж тажрибасини Россия Федерацияси ва Қозоғистон Республикаси мисолида таҳлил қиламиз.

Россия банк тизими икки поғоналидир. Банк тизимининг биринчи поғонасида Россия Марказий банки туради. Россия банк тизимининг иккинчи поғонасида тижорат банклари туради.

Россия Марказий банки назорат функциясига эга ва банк назоратининг ҳар иккала турини (масофавий назорат ва инспекцион назорат) ўзи амалга оширади. Бундан ташқари, Россия Марказий

⁷⁴ Annual Reports. Consolidated summary Balance Sheet. Consolidated summary income. statement. www.barclays.com (Barclays Bank) маълумотлари асосида тузилган.

банки қайта молиялаш сиёсати, мажбурий захира сиёсати ва очик бозор сиёсати орқали тижорат банклари фаолиятини тартибга солиди.

Ҳозирги даврда Россия Марказий банки томонидан тижорат банкларига овернайт, овердрафт, ломбард ва муддатли кредитлар бериш қўлланилмоқда.

Қайд этиш жоизки, Россия Марказий банки томонидан берилаётган ломбардли кредитлар, республикамиз амалиётидан фарқли ўлароқ, нафақат юқори ликвидли ҳукумат қимматли қоғозлари билан, балки репутацияси юқори бўлган Россия компанияларининг қарз қимматли қоғозлари билан ҳам таъминланмоқда. Бу эса, Россия Федерацияси Марказий банкнинг ломбард кредитлари ҳажмини оширишга имкон бермоқда.

Россия Марказий банки очик бозор операцияларидан пул-кредит сиёсатининг асосий инструменти сифатида фойдаланади. Россия Марказий банки очик бозор операцияларини амалга оширишда Россия ҳукуматининг қимматли қоғозларидан ташқари, йирик компаниялар ва банкларнинг қимматли қоғозларидан фойдаланади. “Газпром”, “Роснефть”, “Роснано” каби йирик компанияларнинг ва Сбербанк, Внешторгбанк, Газпромбанк каби йирик банклар томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар Россия Марказий банки очик бозор операцияларининг объектлари ҳисобланади.

2.9-жадвал

Россия банк тизимининг асосий кўрсаткичлари⁷⁵, фоизда

Кўрсаткичлар	2014й.	2015й.	2016й.	2017й.	2018й.
Банк сектори активларининг ЯИМга нисбатан даражаси	98,2	99,9	93,1	92,5	90,6
Банк сектори капиталининг ЯИМга нисбатан даражаси	10,0	10,8	10,9	10,2	9,9
Тижорат банклари кредитларининг ЯИМга нисбатан даражаси	51,7	52,9	47,6	46,0	46,5
Тижорат банкларининг қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларининг ЯИМга нисбатан даражаси	10,6	12,2	11,5	11,5	11,1
Тижорат банклари депозитларининг ЯИМга нисбатан даражаси	29,6	32,6	28,3	27,0	27,0
Тижорат банклари активларининг йиллик ўсиш суръати	35,2	6,9	- 3,5	6,4	10,4
Тижорат банклари капиталининг йиллик ўсиш суръати	12,2	13,6	4,2	0,1	9,3

⁷⁵ Обзор банковского сектора Российской Федерации – Москва, 2019. - №205 www.cbr.ru

2.9-жадвал маълумотларидан кўринадики, Россияда банк секторининг активлари ЯИМга нисбатан сезиларли даражада юқори салмоқни эгаллайди. Бу эса, банк тизимининг мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришдаги роли сезиларли даражада юқори эканлигидан далолат беради. Бирок 2016-2018 йилларда банк сектори капиталининг ЯИМдаги салмоғининг пасайиши тенденцияси кузатилган. Бу эса, банк тизимининг ликвидлигини таъминлаш нуктаи назаридан салбий ҳолат ҳисобланади. Жадвалга кўра, 2014-2018 йилларда Россия банклари кредитларининг ЯИМга нисбатан даражаси юқори бўлган. Аммо 2015-2017 йилларда ушбу кўрсаткичнинг пасайиш тенденцияси кузатилган.


Тижорат банкларининг қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларининг ЯИМга нисбатан даражаси эса 2014-2018 йилларда барқарор бўлган. Маълумотларидан кўринадики, 2015-2018 йилларда Россия банклари депозитларининг ЯИМга нисбатан даражасининг пасайиш тенденцияси кузатилган.

Келтирилган маълумотлардан кўринадики, 2018 йилда тижорат банклари активлари ва капиталининг йиллик ўсиш суръати сезиларли даражада юқори бўлган. Аммо ушбу кўрсаткич 2015-2017 йилларда паст даражада бўлган ва ҳатто, 2016 йилда тижорат банкларининг активлари миқдори 2015 йилга нисбатан камайган.

Тижорат банклари активлари ва капитали миқдорининг камайиши банкнинг тўловга қобиллигини таъминлаш жиҳатидан салбий ҳолат ҳисобланади. Бирок капитал миқдори камаймагани холда, банк активлари миқдорининг камайиши тижорат банкининг тўловга қобиллигига ижобий таъсир кўрсатиши мумкин.

Қуйида биз Россиянинг энг йирик банки бўлган Сбербанк мисолида таҳлилни давом эттирамиз.


Сбербанкда активлар миқдори 2016-2018 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бирок 2016 йилда активлар миқдори 2015 йилга нисбатан сезиларли даражада камайган. Ушбу камайиш корпоратив мижозларга берилган кредитлар миқдорининг 2016 йилда 2015 йилга нисбатан камайганлиги билан изоҳланади. 2016 йилда Сбербанк томонидан корпоратив мижозларга 13633 млрд рубль миқдорида кредитлар берилган. Ҳолбуки, 2015 йилда Сбербанк томонидан корпоратив мижозларга берилган кредитлар миқдори 14959 млрд. рублни ташкил этган.



2.9-расм. Сбербанкда активлар ва капитал миқдорининг ўзгариши⁷⁶, млрд. рубль.

2.9-расм маълумотларидан кўринадики, 2014-2018 йилларда Сбербанк капиталининг миқдори ўсиш тенденцияга эга бўлган. Бу эса, банкнинг ликвидлиги ва тўловга қобиллигини таъминлаш нуқтаи назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

Сбербанкнинг ликвидлигига баҳо бериш учун юқори ликвидли активларнинг миқдорлар депозитларига нисбатан даражаси ўзгаришини таҳлил қиламиз.



2.10-расм. Сбербанкда юқори ликвидли активларнинг миқдорлар депозитларига нисбатан даражаси⁷⁷, фоизда

⁷⁶ Бухгалтерский баланс. Годовые отчеты. www.sber.ru (Сбербанк, Россия) маълумотлари асосида тузилган.

⁷⁷ Бухгалтерский баланс. Годовые отчеты. www.sber.ru (Сбербанк, Россия) маълумотлари асосида тузилган.

Юқоридаги расмдан кўринадикки, 2014-2018 йилларда Сбербанкда юқори ликвидли активларнинг миқдорлар депозитларига нисбатан даражаси пасайиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, Сбербанкнинг ликвидлигини таъминлаш нуқтаи назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

Россия тижорат банкларининг ликвидли активларига қуйидагилар киради:

- банк кассаларидаги нақд пуллар;
- тижорат банкининг миллий валютадаги ва хорижий валюталардаги “Ностро” вакиллик ҳисобрақамларидаги пул маблағлари;
- банкнинг Марказий банкдаги депозитлари;
- тижорат банкининг бошқа тижорат банкларидаги депозитлари;
- банкнинг юқори ликвидли қимматли қоғозларга (ҳукуматнинг қимматли қоғозлари, Марказий банкнинг қимматли қоғозлари, тўлови ҳукумат томонидан кафолатланган қимматли қоғозлар) қилинган инвестициялари.

Сбербанк активларининг умумий ҳажмида кредитлар энг юқори салмоқни эгаллайди. Бу эса, Сбербанкнинг Россия иқтисодиёти реал секторини кредитлашда муҳим роль ўйнаётганидан далолат беради.

Сбербанк активларининг умумий ҳажмида қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар ва пул маблағлари нисбатан юқори салмоққа эга. Мазкур ҳолат қуйидаги сабаблар билан изоҳланади:

- Сбербанк Россия қимматли қоғозлар бозорининг фаол иштирокчиси ҳисобланади;
- Сбербанк ўзининг жорий ликвидлигини таъминлаш мақсадида Марказий банкдаги “Ностро” вакиллик ҳисобрақамида ва Марказий банкнинг муддатли депозит ҳисобрақамида маълум миқдордаги пул маблағларини сақлайди;
- Сбербанк хорижий банклар билан кенг кўламли вакиллик муносабатларига эга.

Шуниси характерлики, миқдорларнинг депозитлари Сбербанкнинг пасивлари ҳажмида юқори салмоқни эгаллайди. Шу сабабли, юқори ликвидли активларнинг депозитларга нисбатан даражаси банкларнинг ликвидлигини таъминлашда муҳим ўрин тутди.

Эътироф этиш жоизки, трансакцион депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғининг ўзгариши тижорат банкларининг ликвидлиги ва тўлов қобилиятини таъминлашда муҳим ўрин тутди.

2.10-жадвал

Сбербанк депозитларининг миқдори ва пасивлардаги салмоғи⁷⁸, фоизда

Кўрсаткичлар	2014й.	2015й.	2016й.	2017й.	2018й.
Депозитлар, млрд. рубль	14027	17722	18684	19813	20897
Депозитларнинг пасивлар ҳажмидаги салмоғи, %	64,5	78,0	73,7	73,1	66,9

2.10-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2014-2018 йилларда Сбербанк депозитлари миқдорининг ўсиш тенденцияси кузатилган. Шунингдек, мазкур давр мобайнида депозитларнинг пасивлар ҳажмидаги салмоғи юқори даражада бўлган. Бу эса, банкнинг ликвидлигини таъминлаш масаласининг мураккаблигини оширади. 2015-2018 йилларда депозитларнинг Сбербанк пасивларининг умумий ҳажмидаги салмоғининг пасайиш тенденцияси кузатилган. Бу эса, мазкур даврда Сбербанк томонидан чиқарилган кимматли қоғозларни сотишдан олинган пул маблағларининг пасивлар ҳажмидаги салмоғи ошганлиги билан изоҳланади.

Сбербанк томонидан муомалага кимматли қоғозларнинг куйидаги турлари чиқарилди:

- депозит сертификатлари;
- жамғарма сертификатлари;
- облигациялар;
- оддий акциялар;
- имтиёзли акциялар;
- субординациялашган қарз мажбуриятлари.

Сбербанкнинг тўловга қобиллигига баҳо бериш учун регулятив капиталнинг пасивлар ҳажмидаги салмоғини таҳлил қиламиз.

2.11-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2014-2018 йилларда Сбербанк регулятив капиталининг миқдори ўсиш тенденциясига эга бўлган. Шунингдек, 2014-2017 йилларда регулятив капиталнинг Сбербанк пасивларининг ҳажмидаги салмоғи ҳам ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, Сбербанкнинг тўловга қобиллигини таъминлаш нуқтаи назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

⁷⁸ Бухгалтерский баланс. Годовые отчеты. www.sber.ru (Сбербанк, Россия) маълумотлари асосида тузилган.

**Сбербанкнинг регулятив капитали миқдори ва унинг
пассивлар ҳажмидаги салмоғи⁷⁹, фонзда**

Кўрсаткичлар	2014й.	2015й.	2016й.	2017й.	2018й.
Регулятив капитал, млрд. рубль	1982	2328	2821	3436	3855
Регулятив капиталнинг пассивлар ҳажмидаги салмоғи, %	9,1	10,3	11,1	12,7	12,4

2.11-жадвал маълумотларига кўра, 2018 йилда регулятив капиталнинг Сбербанк пассивларининг ҳажмидаги салмоғи 2017 йилга нисбатан сезиларсиз даражада пасайган.



**2.11-расм. Сбербанкда активлар ва капиталнинг рентабеллиги⁸⁰,
фонзда**

2.11-расмда келтирилган маълумотлардан кўринадики, 2015 йилда Сбербанк активларининг рентабеллиги 2014 йилга нисбатан сезиларли даражада пасайган. Бу эса, банкнинг тўловга қобиллигини таъминлаш жиҳатидан салбий ҳолат ҳисобланади. Аммо 2015-2017 йилларда активларининг рентабеллиги кўрсаткичининг ўсиш тенденциясининг кузатилганлиги ижобий ҳолат ҳисобланади. Бирок 2018 йилда Сбербанк активларининг рентабеллиги кўрсаткичи 2017 йилга нисбатан пасайган. 2015 йилда активларининг рентабеллиги 2014 йилга нисбатан сезиларли даражада пасайган. Бу эса, банкнинг


⁷⁹ Бухгалтерский баланс. Годовые отчеты. www.cbr.ru (Сбербанк, Россия) маълумотлари асосида тузилган.

⁸⁰ Бухгалтерский баланс. Отчет о финансовых результатах. Годовые отчеты. www.cbr.ru (Сбербанк, Россия) маълумотлари асосида тузилган.

тўловга қобиллигини таъминлаш нуктаи назаридан салбий ҳолат ҳисобланади. Бироқ 2015-2017 йилларда Сбербанк капиталининг рентабеллиги кўрсаткичининг ўсиш тенденцияси кузатилганлиги ижобий ҳолат ҳисобланади. Лекин 2018 йилда Сбербанк активларининг рентабеллиги кўрсаткичи 2017 йилга нисбатан пасайган.

Таъкидлаш жоизки, Россияда инфляция даражаси ва Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг паст эканлиги тижорат банкларининг ликвидлиги ва тўлов қобилиятига ижобий таъсир кўрсатмоқда (3-илова).

Биз куйида Қозоғистон Республикасининг Акциядорлик-тижорат “Нурбанк”ининг ликвидлиги ва тўловга қобиллигини таҳлил қиламиз.



2.12-расм. АТ “Нурбанк”нинг жорий ликвидлилик даражаси⁸¹, фоизда

2.12-расмда келтирилган маълумотлардан кўринадики, 2014-2018 йилларда Нурбанкнинг жорий ликвидлилик даражаси юқори бўлган. Аммо ушбу кўрсаткичнинг даражаси 2018 йилда 2014 йилга нисбатан сезиларли даражада пасайган. Бу эса, мазкур даврда миқдорлар депозитларининг ўсиш суръати пул шаклидаги юқори ликвидли активларнинг ўсиш суръатидан юқори бўлганлиги билан изоҳланади ва банкнинг ликвидлигини таъминлаш нуктаи назаридан салбий ҳолат ҳисобланади. Нурбанкнинг юқори ликвидли активларининг ўсиш суръати 2018 йилда 2014 йилга нисбатан 8,5 фоизни ташкил

⁸¹ Консолидированный отчет о финансовом положении. <https://www.nurbank.kz>. (Нурбанк, Қозоғистон) маълумотлари асосида тузилган.

этган бўлса, мазкур даврда миқдорлар депозитларининг ўсиш суръати 28,3 фоизни ташкил этди.

Юқори ликвидли активларнинг ўсиш суръати депозитларнинг ўсиш суръатидан паст бўлиши банкнинг ликвидлигини таъминлаш нуқтаи назаридан салбий ҳолат ҳисобланади. Маълумотлардан кўринадики, 2014-2018 йилларда Нурбанкнинг юқори ликвидли активлари миқдори бекарор бўлган. Банкнинг юқори ликвидли активлари миқдори 2014 йилда 44977 млн. тенгени ташкил қилган бўлса, 2016 йилда ушбу миқдор кескин ошиб, 76344 млн. тенгени ташкил этган, 2018 йилда эса, у 2018 йилда 2016 йилга нисбатан кескин пасайиб, 48780 млн. тенгени ташкил этган.

2.12-жадвал

АТ “Нурбанк”нинг пул шаклидаги ликвидли активлари миқдори ва уларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғи⁸², фоизда

Кўрсаткичлар	2014й.	2015й.	2016й.	2017й.	2018й.
Юқори ликвидли активлар, млн. тенге	44977	52109	76344	41199	48780
Юқори ликвидли активларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғи, %	15,2	16,2	20,0	11,9	13,5

2.12-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2014-2016 йилларда юқори ликвидли активларнинг Нурбанк активларининг умумий ҳажмидаги салмоғининг ўсиш тенденцияси кузатилган, аммо 2018 йилда ушбу кўрсаткичнинг даражаси 2016 йилга нисбатан кескин пасайган.

Қуйида биз Нурбанкнинг регулятив капиталнинг пассивлар ҳажмидаги салмоғини таҳлил қиламиз.

2.13-жадвал маълумотларидан яққол кўриш мумкинки, Нурбанкнинг регулятив капитали 2018 йилда 2014 йилга нисбатан сезиларли даражада ошган (10,1%). Шу билан бирга, регулятив капиталнинг миқдори 2015-2018 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Мазкур ўзгаришлар Нурбанкнинг тўловга қобиллигини таъминлаш нуқтаи назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

⁸² Консолидированный отчет о финансовом положении <https://www.nurbank.kz>. (Нурбанк, Қозоғистон) маълумотлари асосида тузилган.

**АТ “Нурбанк”нинг регулятив капитали ва унинг пассивлар
ҳажмидаги салмоғи⁸³, фоизда**

Кўрсаткичлар	2014й.	2015й.	2016й.	2017й.	2018й.
Регулятив капитал, млн. тенге	40688	39928	40943	43487	44783
Регулятив капиталнинг пассивлар ҳажмидаги салмоғи, %	13,7	12,4	10,7	12,7	12,4

2.13-жадвал маълумотларидан кўринадики, Нурбанк регулятив капиталининг пассивлар ҳажмидаги салмоғи 2014-2016 йилларда пасайиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, Нурбанкнинг тўловга қобиллигини таъминлаш нуқтаи назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

2.13-жадвалга кўра, Нурбанк регулятив капиталининг пассивлар ҳажмидаги салмоғи 2017 йилда 2016 йилга нисбатан сезиларли даражада ошган, аммо ушбу кўрсаткич 2018 йилда 2017 йилга нисбатан пасайган.

Қозоғистон Республикаси Миллий банки (Марказий банк) тижорат банклари капиталини шакллантириш ва унинг етарлиликни таъминлаш бўйича Базель кўмитасининг талабларини қабул қилган.

Қозоғистон Миллий банкининг 2017 йил 13 сентябрдаги 170-сонли йўриқномасига асосан тижорат банклари учун химоявий консервация буфери қуйидагича ўрнатилди:

1. Барча тижорат банклари учун:

2015 йил 1 январдан – 1 %;

2016 йил 1 январдан бошлаб – 1 %;

2017 йил 1 январдан бошлаб – 2 %.

2. Тизимли банklar учун:

2015 йил 1 январдан – 2,5 %;

2016 йил 1 январдан бошлаб – 2,5 %;


2017 йил 1 январдан бошлаб – 3 %⁸⁴.

Қуйидаги расм маълумотлари орқали Нурбанкнинг активлари ва капитали рентабеллигига баҳо берамиз (2.13-расм).

⁸³ Консолидированный отчет о финансовом положении. <https://www.nurbank.kz>. (Нурбанк, Қозоғистон) маълумотлари асосида тузилган.

⁸⁴ Қў ўсталовденни нормативных значений и методик расчетов пруденциальных нормативов и иных обязательных к соблюдению норм и лимитов размера капитала банка и Правил расчета и лимитов открытой валютной позиции. www.nationalbank.kz (Қозоғистон Республикаси Миллий банки)

2.13-расм маълумотларидан кўриш мумкинки, 2014-2018 йилларда Нурбанк активларининг рентабеллиги нисбатан паст даражада бўлган, 2015 ва 2016 йилларда Нурбанк активларининг рентабеллиги атиги 0,1 фоизни ташкил қилган. Нурбанк активларининг рентабеллиги 2018 йилда 2017 йилга нисбатан сезиларли даражада ошган ва банкнинг тўловга қобиллигини таъминлаш нуктаи назаридан бу ижобий ҳолат ҳисобланади. 2018 йилда активлар рентабеллигини 2017 йилга нисбатан ошганлиги мазкур даврда соф фойда ўсиш суръатининг активларнинг ўсиш суръатидан юқори бўлганлиги билан изоҳланади. Нурбанк активларининг ўсиш суръати 2018 йилда 2017 йилга нисбатан 12,6 фоизни ташкил қилган бўлса, мазкур даврда соф фойданинг ўсиш суръати 5,8 мартани ташкил этди.



2.13-расм. АТ “Нурбанк”нинг активлари ва капитали рентабеллиги⁸⁵, фоизда

2.13-расм маълумотларидан кўриш мумкинки, 2015-2018 йилларда Нурбанк капиталининг рентабеллиги кўрсаткичи ўсиш тенденциясига эга бўлган ва у банкнинг тўловга қобиллигини таъминлаш нуктаи назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

⁸⁵ Консолидированный отчет о финансовом положении. Отчет о прибылях и убытках. <https://www.nurbank.kz>. (Нурбанк, Қозоғистон) маълумотлари асосида тузилган.

2.3-§. Тижорат банкларининг ликвидлилиги ва тўлов қобилиятини таъминлаш борасидаги илғор хориж тажрибасидан Ўзбекистон амалиётида фойдаланиш имкониятлари

Мазкур тадқиқотнинг 2.2-параграфидаги таҳлиллар натижаси шуни кўрсатдики, тараққий этган мамлакатлар ва қатор ривожланаётган мамлакатлар банк амалиётида тижорат банкларининг ликвидлилиги ва тўлов қобилиятини таъминлаш борасида маълум тажриба ва муваффақиятлар мавжуд.

Фикримизча, тижорат банклари ликвидлилиги ва тўлов қобилиятини таъминлаш борасида хориж тажрибасининг қуйидаги жиҳатларидан Ўзбекистон банк амалиётида ижобий фойдаланиш имкониятлари мавжуд:

1. Тижорат банклари бирламчи захиралари ўсиш суръатининг депозитларнинг ўсиш суръатидан ортда қолмаслигини таъминлаш, юқори ликвидли активларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғининг барқарор даражасига эришиш, ҳукуматнинг қимматли қоғозларига қилинган инвестицияларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғининг нисбатан юқори ва барқарор даражасини таъминлаш орқали тижорат банкларининг жорий ликвидлилигини таъминлаш лозим.

Bank of Americанинг ликвидлиликни таъминлаш борасидаги тажрибаларини ўрганиш натижалари кўрсатдики, биринчидан, 2014-2018 йилларда бирламчи захиралар ўсиш суръатининг депозитлар ўсиш суръатидан юқори бўлганлиги унинг жорий ликвидлигини таъминлашда муҳим роль ўйнаган; иккинчидан, юқори ликвидли активларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғининг барқарор даражасига эришиш таъминланган; учинчидан, ҳукуматнинг қимматли қоғозларига қилинган инвестицияларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғининг нисбатан юқори ва барқарор даражаси таъминланганлиги банкнинг ликвидлилигини таъминлашга хизмат қилган.

Тижорат банкларининг бирламчи захиралари таркибини шакллантиришда уларнинг ликвидлилик ва даромадлилик даражаларига кўра бир-бирдан фарқлинишини эътиборга олиш муҳим ўрин тутди.

Тижорат банклари кассаларидаги нақд пуллар, уларнинг Марказий банкдаги “Ностро” вакиллик ҳисобрақамидаги пуллар, банкнинг бошқа банклардаги “Ностро” вакиллик ҳисобрақамидаги пуллар муддати бўлмаган юқори ликвидли актив ҳисобланади ва

банкларнинг жорий ликвидлигини таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Аммо мазкур активлар даромад келтирмайдиган активлар ҳисобланади.

Тижорат банкининг Марказий банкдаги ва бошқа тижорат банкларидаги депозитлари юқори ликвидли актив ҳисобланади, аммо улар маълум муддатга жойлаштирилган бўлиб, уларни муддатидан олдин олиш банк активларининг даромадлига салбий таъсир кўрсатади.

Юқори ликвидли активларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғининг барқарор даражасига эришиш учун юқори ликвидли активларнинг ўсиш суръатини брутто активларнинг ўсиш суръатидан паст бўлишига йўл қўймаслик керак.

Тижорат банклари, одатда, “Ностро” вакиллик ҳисобрақамларида энг кам (минимал) даражада пул маблағларини сақлашга ҳаракат қилишади. Чунки банклар учун “Ностро” вакиллик ҳисобрақамларидаги пул маблағлари даромад келтирмайдиган актив ҳисобланади. Шу сабабли, тижорат банклари бирламчи захиралар таркибини шакллантиришда асосий эътиборни бошқа банклардаги депозитларнинг бирламчи захиралар ҳажмидаги салмоғининг юқори бўлишига қаратадилар.

Ҳукуматнинг қимматли қоғозларига қилинган инвестицияларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғининг нисбатан юқори ва барқарор даражасини таъминлаш қуйидаги жиҳатларга эътиборни кучайтиришни тақозо этади:

- ҳукумат қимматли қоғозларнинг йирик эмитенти бўлиши керак;
- тижорат банки брутто активларининг ўсиш суръати ҳукуматнинг қимматли қоғозларига қилинган инвестицияларнинг ўсиш суръатидан юқори бўлмаслиги лозим;
- ҳукуматнинг қимматли қоғозларига қилинган инвестицияларнинг реал қиймати инфляция ва миллий валютанинг қадрсизланиши натижасида пасаймаслиги керак.

АҚШ ҳукумати қимматли қоғозларни йирик миқдорда эмиссия қилувчи эмитент ҳисобланади. Бу эса, АҚШда давлат ташқи қарзининг ва давлат бюджети дефицитининг катта миқдорда эканлиги билан изоҳланади.

АҚШ тижорат банкларининг ликвидлигини таъминлашда АҚШ ҳукумати қимматли қоғозларининг аҳамияти қуйидагиларда намоён бўлади:

– тижорат банклари ҳукуматнинг қимматли қоғозларини сотиб олиш йўли билан ўзларининг жорий ликвидлигини таъминлайдилар (ҳукуматнинг қимматли қоғозларини исталган вақтда қимматли қоғозлар бозорида сотиш орқали “Ностро” вакиллик ҳисобрақамида юзага келадиган пул маблағлари етишмовчилигига барҳам бериш мумкин, чунки ҳар доим бозорда ҳукуматнинг қимматли қоғозларига талаб мавжуд бўлади);

– АҚШ ФЗТ ҳукуматнинг қимматли қоғозларидан очик бозор операцияларининг объекти сифатида фойдаланиб, тижорат банкларининг ликвидлигига таъсир кўрсатади.

ФЗТ тўғри РЕПО операцияларидан тижорат банкларининг “Ностро” вакиллик ҳисобрақамларидаги бўш турган пул маблағларини олиб кўйишда фойдаланса, тесқари РЕПО операциялари орқали тижорат банкларидаги баланслашмаган ликвидлик муаммосини ҳал қилишга ёрдам беради. Яъни бунда, ФЗТ ҳукуматнинг қимматли қоғозларини тижорат банкларидан қайтариб сотиш шарти билан сотиб олади. Натижада, тижорат банкларининг “Ностро” вакиллик ҳисобрақамларига пул маблағлари келиб тушади.

АҚШда ҳам, бошқа тижорат банкларида ҳам инфляция муаммоси мавжуд эмас. Яъни инфляциянинг йиллик даражаси икки фоиздан ошмайди.

Ривожланаётган мамлакатларнинг кўпчилигида, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасида инфляция муаммоси мавжуд. Яъни, инфляция даражаси юқори. Бундан ташқари миллий валютанинг қадрсизланиш даражаси ҳам юқоридир. Бу эса, тижорат банкларининг ҳукуматнинг қимматли қоғозларига қилинган инвестициялар реал қийматининг инфляция ва девальвация таъсирида пасайишига олиб келади. Натижада, ҳукумат қимматли қоғозларининг инвестицион жозибадорлигини таъминлаш қийинлашади.

Шунингдек, давлат бюджети дефицити муаммоси мавжуд бўлмаган шароитда ҳукумат қимматли қоғозлар эмиссиясининг ҳажмини ошириш заруриятига эга бўлмайди. Бу эса, тижорат банкларининг ҳукуматнинг қимматли қоғозларини сотиб олиш имкониятини ва Марказий банкнинг очик бозор операциялари ҳажмини ошириш имкониятини чегаралаб кўяди. Бундай шароитда тижорат банклари Марказий банк томонидан жорий ликвидлик бўйича белгиланган талабни бажариш мақсадида “Ностро” вакиллик

ҳисобрақамларида пул маблағлари саклаб туришга мажбур бўладилар. Бу эса, ўз навбатида, активларнинг даромадлилигига нисбатан салбий таъсирни юзага келтиради.

Шу ўринда эътироф этиш жоизки, тараққий этган мамлакатларда тижорат банкларининг Марказий банкка депозит қўйиш имконияти чекланиб қолди. Яъни айрим марказий банклар (Япония Марказий банки, Швейцария Миллий банки, Европа Марказий банки) тижорат банкларининг муддатли депозитларига нисбатан салбий фоиз ставкасини жорий қилишди. Бу эса, тижорат банкларининг Марказий банкка депозит қўйиш имкониятини амалда йўққа чиқаради.

Марказий банкларнинг тижорат банклари муддатли депозитларига нисбатан салбий фоиз ставкаларини жорий қилишидан мақсад – тижорат банкларининг иктисодиётга йўналтирилаётган кредитлари ва қимматли қоғозларга қилинадиган инвестициялари ҳажмини оширишдир. Тижорат банклари эса, риск даражаси паст бўлганлиги учун бўш пул маблағларини Марказий банкка депозит сифатида жойлаштиришни афзал кўришмоқда.

2. Тижорат банкларининг тўлов қобилиятини таъминлаш мақсадида регулятив капиталнинг пасивлар ҳажмидаги салмоғининг барқарорлигини таъминлаш, соф фойданинг ўсиш суръати билан брутто активларнинг ўсиш суръати ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш орқали активлар рентабеллигининг барқарор даражасини таъминлаш зарур.

Bank of America банкининг тўлов қобилияти таҳлили шуни кўрсатдики, 2014-2018 йилларда банк регулятив капиталининг пасивлар ҳажмидаги салмоғининг барқарорлигига эришилган. Шунингдек, банк активларининг рентабеллиги 2014-2018 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган.

Регулятив капиталнинг тижорат банклари пасивларининг умумий ҳажмидаги салмоғининг барқарорлигини таъминлаш қўйидаги шарт-шароитларнинг мавжудлигини тақозо этади:

- регулятив капиталнинг ўсиш суръати пасивларнинг ўсиш суръатидан ортда қолмаслигини таъминлаш лозим;
- тижорат банки оддий ва имтиёзли акциялари бозор баҳоларининг пасайишига йўл қўймаслик орқали эмиссион даромаднинг регулятив капитал ҳажмидаги салмоғининг нисбатан юқори ва барқарор даражасини таъминлаш лозим;
- тақсимланмаган фойданинг регулятив капитал ҳажмидаги салмоғининг барқарорлигини таъминлаш керак;

– депозитлар ўсиш суръатининг регулятив капиталнинг ўсишидан юкори бўлишига йўл қўймаслик лозим.

Эмиссион даромад барқарор молиялаштириш манбаи сифатида тижорат банклари регулятив капиталнинг ҳажмини ошириш ва барқарорлигини таъминлашда муҳим ўрин тутаети.

Эмиссион даромад тижорат банки янги акция чиқарганда юзага келаети. Чунки янгидан чиқарилган акциялар номинал қийматида эмас, балки бозор баҳосида сотилаети. Натижада, янгидан чиқарилган акцияларни сотиш натижасида уларнинг бозор баҳоси билан номинал қиймати ўртасида фарк суммаси юзага келаети. Шу сабабли, эмиссион даромад миқдори акцияларнинг бозор баҳосига боғлиқ бўлаети. Ўз навбатида, акциялар бозор баҳосининг пасайишига йўл қўймаслик уларнинг инвестицион жозибадорлигини таъминлашни тақозо этади.

Эътироф этиш жоизки, соф фойданинг ўсиш суръати билан бруто активларининг ўсиш суръати ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш қуйидаги омилларга боғлиқ:

– фоизли даромадлар билан фоизли харажатлар ўртасидаги фаркнинг барқарорлигини таъминлаш лозим (халқаро банк амалиётида умумэътироф этилган мезонга кўра, тижорат банкларида соф фоизли маржа 4,5% бўлиши керак);

– фоизсиз даромадлар ва фоизсиз харажатлар ўртасидаги мувозанатни таъминлаш керак;

– кредитлардан кўриладиган зарарларни коплашга мўлжалланган захира ажратмалари миқдорининг ошиб кетишига йўл қўймаслик;

– юкори рискли активларнинг юкори суръатларда ўсишига йўл қўймаслик лозим.

Ўз навбатида, тижорат банкларининг фоизли даромадлари ва фоизли харажатлари ўртасидаги фаркнинг барқарорлигини таъминлаш, биринчидан, банкнинг кредит портфели ва қимматли қоғозлар портфелларининг сифатини таъминлашни талаб этади; иккинчидан, депозитларнинг таркибий тузилишини яхшилашни тақозо этади.

Тижорат банклари кредит портфели ва қимматли қоғозлар портфели сифатининг ёмонлашиши соф фойда миқдорининг камайишига олиб келаети. Чунки, биринчидан, активлар портфеллари сифатининг ёмонлашиши кредитлардан ва қатъий белгиланган ставкага эга бўлган қимматли қоғозларга қилинган инвестициялардан олинадиган фоизли даромадлар миқдорининг камайишига олиб келаети; иккинчидан, муддати ўтган фоизларнинг банкнинг

балансидан чиқарилиши фоизли даромадлар миқдорининг камайишига олиб келади (кредитларга фоиз ҳисоблаш тўхтатилгандан сўнг муддати ўтган фоизлар тижорат банкининг фоизли даромадлари ҳисобидан банкнинг балансидан чиқарилади); учинчидан, муддати ўтган кредитлар йўл қўйиш мумкин бўлган чегаравий даражага (муддати ўтган кредитлар суммаси кредит портфелига нисбатан 5 фоизга) етганда, одатда, муддати ўтган кредитларнинг маълум қисми тижорат банкининг балансидан чиқарилади; тўртинчидан, қимматли қоғозлардан кўриладиган зарарни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари миқдорининг кўпайиши, пировард натижада, соф фойда миқдорининг камайишига олиб келади.

Фикримизча, депозитларнинг таркибий тузилишини яхшилаш деганда, қуйидагилар назарда тутилади:

– банк депозит базасининг етарлилигини таъминлаш (халқаро банк амалиётида умумэтироф этилган мезонга кўра, тижорат банки депозит базасининг етарлилигини таъминлаш учун талаб қилиб олинадиган депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғининг 30 фоиздан ошиб кетишига йўл қўймаслик лозим);

– муддатли ва жамғарма депозитлари бўйича фоизли харажатларни камайтириш мақсадида аҳолининг муддатли омонатларини тижорат банки муддатли ва жамғарма депозитларининг умумий ҳажмидаги салмоғининг юқори ва барқарор даражасини таъминлаш зарур.

Тараққий этган мамлакатларнинг банк амалиётини ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, аҳолининг муддатли омонатлари фоиз ставкаси юридик шахсларнинг муддатли депозитлари фоиз ставкасига нисбатан сезиларли даражада паст бўлади.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти ривожланишининг замонавий босқичида инфляция даражасининг ва миллий валютанинг қадрсизланиш суръатининг нисбатан юқори ҳамда аҳолининг даромад даражаси паст эканлиги тижорат банкларининг аҳоли пул маблағларини муддатли депозит ҳисобрақамларига жалб этиш имкониятини чеклаб қўйган.

Кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари миқдорининг ошиши соф фойда миқдорининг камайишига олиб келади. Ўз навбатида, кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари миқдорининг ортиши таснифланган кредитлар таркибининг

ёмонлашиши натижасида юз беради. Одатда, таснифланган кредитлар таркибининг ёмонлашиши деганда шубхали ва умидсиз кредитларнинг таснифланган кредитларнинг умумий ҳажмидаги салмоғининг ошиши тушунилади.

3. Тижорат банклар томонидан қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларнинг умумий ҳажмида юқори ликвидли қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларнинг барқарор салмоғини таъминлаш, юқори ликвидли активлар ўсиш суръатининг депозитларнинг ўсиш суръатидан ортида қолмаслигини таъминлаш йўли билан тижорат банкларининг тўловга қобиллик даражасини ошириш лозим.

Ушбу тадқиқотнинг 2.2-параграфида амалга оширилган таҳлиллар натижасига кўра, 2014-2018 йилларда Сбербанкда юқори ликвидли активларнинг миқдорлар депозитларига нисбатан даражасининг пасайиш тенденциясига эга бўлганлиги унинг ликвидлилигига нисбатан салбий таъсирни юзага келтирди.

Шунингдек, таҳлиллар жараёнида 2014-2018 йилларда Нурбанкнинг (Қозоғистон) жорий ликвидлик даражаси юқори бўлганлиги, 2014-2016 йилларда юқори ликвидли активларнинг Нурбанк активларининг умумий ҳажмидаги салмоғи ўсиш тенденцияси кузатилганлиги маълум бўлди.

Тижорат банкларининг корпоратив қимматли қоғозларга қилинган инвестициялари улар учун муҳим даромад манбаи ҳисобланса, уларнинг юқори ликвидли қимматли қоғозларга қилинган инвестициялари банкларнинг жорий ликвидлилигини таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланади. Шу сабабли, тижорат банкларининг жорий ликвидлилигини таъминлашда юқори ликвидли қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларининг қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар умумий ҳажмидаги салмоғининг барқарорлигини таъминлаш муҳим амалий аҳамият касб этади.

Таъкидлаш жоизки, тижорат банкларининг юқори ликвидли қимматли қоғозларга қилинган инвестициялари таркибида ҳукуматнинг қимматли қоғозларига қилинган инвестициялар ва Марказий банк томонидан чиқарилган қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар муҳим ўрин тутди.

Тараккий этган мамлакатларда ҳукуматнинг қимматли қоғозларини сотишдан олинган пул маблағлари давлат бюджети дефицитини қоплашнинг ноинфляцион йўли ҳисобланади. Шу сабабли, давлат бюджети дефицитини қоплашда асосий эътибор

хукуматнинг кимматли қоғозларини муомалага чиқариш йўли билан давлат бюджетига маблағлар жалб қилишга қаратилади.

Хукумат кимматли қоғозларини муомалага чиқаришдан олинган пул маблағлари давлат бюджети дефицитини қоплашга етмагандан сўнг давлат бюджети дефицитини қоплашнинг бошқа манбаларидан фойдаланишга ўтилади. Ўз навбатида, давлат бюджети дефицитини қоплашнинг бошқа манбаларига қуйидагилар киради:

- Марказий банкдан кредитлар олиш;

- давлат активларини сотиш (давлатга тегишли бўлган мулкларни, давлатнинг тижорат банклари устав капиталидаги улушини, расмий олтинни сотиш);

- хорижий мамлакатлардан молиявий грантлар жалб қилиш;

- хорижий мамлакатлардан кредитлар жалб қилиш.

Хукумат кимматли қоғозларининг тижорат банклари учун жозибдорлиги, фикримизча, айнан қуйидагиларда намоён бўлади:

- хукуматнинг кимматли қоғозларига инвестициялар Марказий банк томонидан тижорат банкларининг жорий ликвидлигини баҳолашда юқори ликвидли актив сифатида инобатга олинади;

- тижорат банкларининг хукуматнинг кимматли қоғозларга қилинган инвестицияларидан олинган даромадлар солиққа тортилмайди;

- хукуматнинг кимматли қоғозларига қилинган инвестициялар тижорат банкларига фоизли даромад келтиради;

- хукуматнинг кимматли қоғозлари тижорат банклари учун ишончли инвестициялаш объекти ҳисобланади, чунки хукуматнинг дефолт бўлиш эҳтимоли ниҳоятда паст;

- хукуматнинг кимматли қоғозларига нисбатан кимматли қоғозлар бозорида ҳар доим барқарор талаб мавжуд бўлганлиги сабабли, уларни сотиш орқали тижорат банкининг “Ностро” вакиллик ҳисобрақамидаги вақтинчалик пул маблағлари етишмаслиги муаммосини ҳал қилиш мумкин.

Тижорат банкларининг ликвидлигини таъминлаш, биринчи навбатда, юқори ликвидли активларнинг депозитларга нисбатан даражасига боғлиқ. Бунда, банкнинг депозит базасини бошқариш амалиётининг таҳлили муҳим ўрин тутди.

Фикримизча, тижорат банкларининг депозит базасини таҳлил қилиш қуйидаги йўналишларни қамраб олиши лозим:

- депозитларнинг таркиби;

- депозитларнинг етарлилиги;

- аҳоли муддатли депозитларининг жами депозитлардаги улуши;
- талаб қилиб олинадиган депозитлар барқарор қолдигининг даражаси;
- депозитлар барқарор қолдигининг брутто депозитларга нисбатан даражаси;
- депозитларга тўланадиган фоизларнинг даражаси ва динамикаси;
- омонатларни жалб этиш ва бериш шартлари;
- хорижий валютадаги депозитларнинг жами депозитлардаги улушининг ўзгариши.

Таъкидлаш жоизки, тижорат банклари депозит базасининг сифати бевосита миқдорларининг таркибига, уларнинг молиявий ҳолатига боғлиқ.

III БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ЛИКВИДЛИЛИГИ ВА ТЎЛОВ ҚОБИЛИЯТИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҲОЛАТИ ВА ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

3.1-§. Тижорат банкларининг ликвидлиги ва тўлов қобилиятини таъминлашнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари

Ўзбекистон Республикаси банк амалиётида тижорат банкларининг ликвидлиги ва тўлов қобилиятини таъминлашнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари яратилган ва ушбу асосларни такомиллаштириш жараёни давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг қабул қилиниши тижорат банклари фаолиятини ривожлантириш, шу жумладан, банкларнинг ликвидлиги ва тўлов қобилиятини таъминлаш жиҳатидан муҳим воқелик бўлди⁸⁶.

“Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонун (янги таҳрири) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йиғирма учинчи ялпи мажлисида муҳокама қилинган ва маъқулланган.

Қонуннинг 6-моддасига кўра, пул маблағларини омонатларга (депозитларга) жалб этиш бўйича фаолият билан шуғулланишга фақат банклар ҳақли.

Қонуннинг 7-моддасига мувофиқ, банклар бевосита ишлаб чиқариш, савдо ва суғурта фаолияти билан шуғулланишга ҳақли эмас.

Ушбу чеклов қуйидаги ҳолатларга нисбатан татбиқ этилмайди:

– банк карталари асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимларида фойдаланиладиган ихтисослаштирилган усқунани ва унга оид дастурий таъминотни сотиш ва ижарага бериш;

– ўз активларини сотиш;

– чек дафтарчаларини чиқариш, реализация қилиш ва тарқатиш;

– суғурта ташкилотлари бўлган резидентлар номидан суғурта шартномаси тузилишини ташкил қилиш;

– банк ўзи муассис бўлган юридик шахсларга ўз мол-мулкини мулкий ижара (аренда) шартномасига мувофиқ ижарага бериш.

Шуниси характерлики, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунда банкларнинг молиявий операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ қарорлар қабул қилишда мустақиллиги, банкларнинг

⁸⁶ Ўзбекистон Республикаси “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири)//Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси: 03/19/580/3994-сон. 06.11.2019 й.

давлат мажбуриятлари бўйича, давлатнинг эса банклар мажбуриятлари бўйича жавоб бермаслиги, кредитлар, депозитлар бўйича фоиз ставкалари ва банк операцияларига оид воситачилик ҳақи миқдорининг банклар томонидан мустақил белгиланиши белгилаб қўйилди.

Шунингдек, мазкур Қонунда тижорат банкларининг ликвидлиги ва тўлов қобилиятини таъминлаш бўйича қатор талаблар ўз аксини топди. Хусусан:

– банкларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш ҳамда омонатчилар ва кредиторларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида банклар ва банк гуруҳлари Марказий банк томонидан ҳисоблаб чиқариш тартиби ва йўл қўйиладиган қийматлари Марказий банк томонидан белгиланадиган пруденциал нормативларга риоя этишлари шарт;

– банк акциядорларга дивидендлар тўлаш, банкнинг кузатув кенгаши, бошқарув аъзолари ва ходимларини мукофотлаш орқали фойдани тақсимлашни қуйидаги ҳолларда амалга оширишга ҳақли эмас:

пруденциал нормативлар бажарилмаганда ёки улар мазкур тақсимлаш оқибатида бузилганда;

банкротлик бўлганда ёки тақсимлаш оқибатида банкротлик аломатлари юзага келганда;

Марказий банкнинг ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмасида акс эттирилган, жумладан, ахборотни ошқор этиш борасида кўрсатилган камчиликлар бартараф этилмаганда;

Марказий банкнинг фойдани тақсимламаслик тўғрисида банкка нисбатан талаби мавжуд бўлганда.

– банклар Марказий банк томонидан белгиланган мажбурий захиралаш талабларини бажариши шарт, банк мажбурий захира талабларини бажармаган тақдирда, Марказий банк қатъий тартибда бу банкнинг Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағидан етишмаётган мажбурий захира маблағлари миқдоридаги суммани, шунингдек, ушбу етишмаётган суммага нисбатан амалдаги қайта молиялаш йиллик ставкасининг икки баробаридан ошмайдиган миқдорда жарима ундириб олади;

– банк фаолиятининг ўзига хос таваккалчиликларининг олдини олиш ва қисқартириш мақсадида Марказий банк банклар фаолияти устидан пруденциал назоратни таъминлайди, банклар Марказий банк томонидан пруденциал талабларга мувофиқликни текшириш учун

битимлар ва операцияларни Марказий банк томонидан белгиланган қоидаларга мувофиқ рўйхатга олиши шарт;

Агар кузатув кенгашининг ёки бошқарувнинг битта ёки бир нечта аъзосини алмаштириш бўйича Марказий банк томонидан амалга оширилган назорат чоралари етарли эмас деб ҳисобланса, Марказий банк:

- кузатув кенгаши ва бошқарув аъзоларини вақтинчалик алмаштиришга;

- банкка битта ёки бир нечта вақтинчалик бошқарувчи тайинлашга ҳақли.

Қуйидаги шахслар вақтинчалик бошқарувчи этиб тайинланиши мумкин эмас:

- банк акциядори;
- банкдан қарз олувчи;
- банк кредитори;
- банкка алоқадор шахс⁸⁷.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонунининг қабул қилиниши иқтисодий ва пул-кредит воситалари орқали тартибга солишни кучайтиришда, тижорат банкларининг ликвидлилиги ва тўловга қобиллигини таъминлашда муҳим ўрин тутди⁸⁸.

“Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма учинчи ялпи мажлисида муҳокама қилинган ва маъқулланган. Қонун Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 17 августда қабул қилинган. Сенат томонидан 2019 йил 11 октябрда маъқулланган. Қонунни Ўзбекистон Республикаси Президенти 2019 йил 11 ноябрда имзолаган.

Қонуннинг 5-моддасига мувофиқ, Марказий банк фаолиятининг асосий мақсадлари қуйидагилар ҳисобланади:

- нархларнинг барқарорлигини таъминлаш;
- банк тизимининг барқарорлигини таъминлаш;
- тўлов тизимлари ишлашининг барқарорлигини таъминлаш.

Марказий банкнинг банк тизими барқарорлигини таъминлаш бўйича фаолияти нархларнинг барқарорлигига салбий таъсир

⁸⁷ Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. (янги таҳрири)/ҚХММБ: 03/19/580/3994-сон. 06.11.2019.

⁸⁸ Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси: 03/19/582/4014-сон. 12.11.2019 й.

кўрсатмаслиги керак. Фойда олиш Марказий банкнинг мақсади ҳисобланмайди.

“Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонуннинг 13-моддасига кўра, Марказий банк устав капиталининг миқдори бир триллион сўмни ташкил этади.

Устав капитали миқдорини кўпайтириш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қарорига биноан амалга оширилади.

Марказий банкнинг устав капитали бошқа шахсларга берилиши ёки ундан закат таъминоти сифатида фойдаланилиши мумкин эмас.

Қонунга кўра, Марказий банк чора-тадбирлар воситасида пул-кредит сиёсатини ишлаб чиқади ва амалга оширади:

– макроиктисодий кўрсаткичлар, шу жумладан, инфляция кўрсаткичлари прогнозларини шакллантириш, шунингдек, унинг мақсадли кўрсаткичини белгилаш;

– келгуси йил учун пул-кредит сиёсатининг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш;

– пул-кредит кўрсаткичларининг мақсадли мўлжалларини белгилаш;

– қайта молиялаш ставкаси ва асосий ставкани, шунингдек, Марказий банкнинг пул-кредит операциялари бўйича фоиз ставкаларини белгилаш;

– Марказий банкда банкларнинг мажбурий захираларига доир нормативларни белгилаш;

– пул бозорида ликвидликни тақдим этиш ва уни олиб қўйиш бўйича операциялар ўтказиш;

– ички валюта бозорида интервенцияларни амалга ошириш;

– Марказий банкнинг коммуникация сиёсатини ўтказиш.

Қонуннинг 30-моддасига мувофиқ, пул-кредит сиёсатини амалга ошириш доирасида Марказий банк банклар жалб қилган мажбуриятлар остида банклар томонидан Марказий банкда депонентга ўтказиладиган мажбурий захираларнинг нормативларини белгилайди. Мажбурий захираларнинг нормативлари барча банклар учун бир хилдир.

Минимал захира талаблари нормативларининг ўзгариши бундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан камида бир ойдан сўнг амалга киритилади.

Ундирувни Марказий банкдаги ҳисобварақларда банклар томонидан депонентга ўтказилган мажбурий захираларга қаратишга йўл қўйилмайди.

Қонуннинг 31-моддасига мувофиқ, Марказий банкнинг пул бозоридаги операциялари таъминот остидаги кредитларни, «своп» операцияларини, очик бозордаги операцияларни, қайта молиялашнинг махсус механизмларини, депозит операцияларини, Марказий банк облигацияларининг эмиссиясини ўз ичига олади.

Марказий банкнинг кредитлари бўйича қуйидагилар таъминот бўлиши мумкин:

- Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг халқаро захиралари тоифасига кирувчи валюта қимматликлари;
- Ўзбекистон Республикасининг давлат қимматли қоғозлари;
- банкларнинг кредитлари бўйича талаб қилиш ҳуқуқи;
- ликвидлилик ва умум қабул қилинган халқаро амалиёт ҳисобга олинган ҳолда рўйхати Марказий банк томонидан белгиладиган қарз воситалари ҳамда бошқа қимматликлар, шунингдек, кафиликлар ва банк кафолатлари.

Шуниси аҳамиятлики, “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонунда биринчи марта тижорат банкларининг ликвидлигини фавқулодда қўллаб-қувватлаш бўйича алоҳида модда киритилди. Қонуннинг 33-моддасига кўра, ликвидлиликнинг вақтинчалик тақчиллиги юзага келганда тўловларнинг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида Марказий банк ликвидлиликни сақлаб туриш учун тижорат банкларига уч ойгача бўлган муддатга киска муддатли кредитлар тарзида тезкор ёрдам беришга ҳақли. Мазкур кредитлар бўйича фоиз ставкаси Марказий банкнинг бошқа кредитларига доир амалдаги ставкалардан кам бўлмаслиги ва у банкнинг активлари билан таъминланган бўлиши керак.

Мамлакатнинг молиявий тизими барқарорлигига таҳдид туғилган алоҳида ҳолларда Марказий банк бошқарувининг қарори билан кредитни нисбатан юқори фоиз ставкаси билан узоқроқ муддатга беришга йўл қўйилади.

Қонуннинг 34-моддасига мувофиқ, бозорнинг фоиз ставкалари ва банк тизимидаги ликвидлилик даражасига таъсир кўрсатиш мақсадида Марказий банк очик бозорда:

Ўзбекистон Республикасининг давлат қимматли қоғозларини, шунингдек, Марказий банкнинг ўзи чиқарган облигациялар тарзидаги қарз мажбуриятларини;

Марказий банкнинг қарорига кўра, бошқа қимматли қоғозларни сотиб олиши ва сотиши мумкин.

Марказий банк Давлат бюджетини молиялаштириш учун очик бозордаги операциялардан фойдаланишга, Ўзбекистон Республикасининг давлат қимматли қоғозлари бирламчи жойлаштирилганда уларни сотиб олишга ҳақли эмас⁸⁹.

Эътироф этиш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг янги тахрирдаги “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги Қонунининг қабул қилиниши тижорат банкларининг валюта операцияларини ривожлантириш, шу жумладан, валютавий тўловга қобилигини таъминлаш нуқтаи назаридан муҳим воқелик бўлди⁹⁰.

Мазкур Қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 22 июлда қабул қилинган, Сенат томонидан 2019 йил 11 октябрда маъқулланган. Қонун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2019 йил 22 октябрда имзоланган.

Қонуннинг 11-моддасига мувофиқ, ташқи савдо операциялари бўйича активларни репатриация қилиш норезидент мажбуриятларининг қуйидагилар орқали тўлиқ ёки қисман бажарилишидир:

норезидентнинг мажбуриятлари бўйича пул маблағлари ёки товар келиб тушиши (ишлар бажарилиши, хизматлар кўрсатилиши);

норезидентнинг мажбуриятини бир турдаги қарши талабларни ҳисобга олиш йўли билан тугатиш;

норезидентнинг томонлар ўртасидаги мавжуд дастлабки мажбуриятини худди ўша шахслар ўртасидаги бошқа предметни ёки бажариш усулини назарда тутувчи ўзга мажбурият билан алмаштириш йўли билан тугатиш;

сугурта тўловларини олиш.

Агар резидент норезидентга нисбатан талаб қилиш ҳуқуқидан бошқа резидент фойдасига воз кечса, репатриация қилиш тўғрисидаги талабнинг бажарилишини таъминлашга доир тегишли мажбурият талаб қилиш ҳуқуқини қабул қилган резидентга ўтади.

Резидент (норезидент) ташқи савдо операциялари бўйича активларнинг репатриация қилинишини таъминлаши шарт.

Ташқи савдо операциялари бўйича активларни репатриация қилиш муддати норезидентнинг мажбуриятлари юзага келган санадан

⁸⁹ Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси: 03/19/582/4014-сон. 12.11.2019 й.

⁹⁰ Ўзбекистон Республикасининг “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги Қонуни. //Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси: 03/19/573/3942-сон. 23.10.2019 й.

этиборан 180 кундан ошиб кетса, мазкур операция капитал харакатининг операцияси сифатида баҳоланади.

“Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги қонунга мувофиқ, резидентлар ўртасидаги валюта операцияларига қуйидагилар амалга ошириладиганда йўл қўйилади:

– божсиз савдо дўконларидаги ҳисоб-китоблар, шунингдек халқаро ташишларда транспорт воситаларининг катнов йўлларида йўловчиларга товарларни реализация қилиш ва хизматлар кўрсатиш чоғидаги ҳисоб-китоблар билан боғлиқ операциялар;

– воситачилар (вакиллар) томонидан норезидентлар билан товарларни топшириш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш, ахборот ва интеллектуал фаолият натижаларини, уларга бўлган мутлоқ ҳуқуқларни бериш бўйича шартномалар тузиш ҳамда уларни бажариш билан боғлиқ хизматлар кўрсатиш чоғида воситачилар (вакиллар) ва комитентлар (ишонч билдирувчилар) ўртасидаги операциялар, шу жумладан, комитентларга (ишонч билдирувчиларга) пул суммаларини (бошқа мол-мулкни) қайтаришга доир операциялар;

– тузилган шартномалар асосида транспорт-экспедиторлик хизматларини реализация қилишдан экспедиторлик компанияларининг ҳисобварағига хориждан келиб тушаётган чет эл валютасидаги маблағларни ҳисоб-китоб қилишни ва ўтказишни назарда тутувчи операциялар;

– жисмоний шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига хизмат сафарлари амалга оширилиши билан боғлиқ харажатларини тўлаш ва уларнинг ўрнини қоплаш бўйича операциялар, шунингдек, хизмат сафарлари муносабати билан берилган, сарфланмай қолган бўнакни қайтаришга доир операциялар;

– Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналарига, консуллик муассасаларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг давлатлараро ёки ҳукуматлараро ташкилотлар ҳузуридаги доимий ваколатхоналарига ҳисоб-китобларни ва ўтказмаларни бажаришни назарда тутувчи операциялар;

– резидент жисмоний шахс томонидан Ўзбекистон Республикаси банкларида очилган ҳисобварақлардан бошқа резидент жисмоний шахслар фойдасига уларнинг Ўзбекистон Республикаси банкларида очилган ҳисобварақларига носавдо операциялар бўйича ўтказмалар;

– транспорт ташкилотлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида турган жисмоний шахслар, шунингдек, юридик шахсларнинг филиаллари, ваколатхоналари ва бошқа бўлинмалари

ўртасида йўловчилар ташишга оид шартномалар бўйича ҳисоб-китоблар билан боғлиқ операциялар;

– агар охирги харидор ёки сотувчи норезидент бўлса, воситачилар (вакиллар) томонидан мажбуриятлар клиринг натижалари бўйича бажарилиши лозим бўлган шартномаларни тузиш ва бажариш билан боғлиқ хизматларни кўрсатиш чоғида воситачилар (вакиллар) ва комитентлар (ишонч билдирувчилар) ўртасидаги операциялар;

– мажбуриятлар бажарилишининг таъминоти сифатида валюта қимматликларидан фойдаланиш, шунингдек, уларни ундириш билан боғлиқ операциялар;

– юридик шахсларнинг устав фондига (устав капиталига) валюта қимматликларини киритиш ва қайтариш билан боғлиқ операциялар;

– банк хизматларини амалга ошириш билан боғлиқ операциялар;

– хайрия фаолияти билан боғлиқ операциялар;

– мерос ҳуқуқи бўйича валюта қимматликларини олиш билан боғлиқ операциялар⁹¹.

Эътироф этиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси тарихида илк бор “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги Қонун 2019 йилда қабул қилинди.

Мазкур Қонуннинг тижорат банкларининг ликвидлигини таъминлашга доир жиҳатлари қуйидагилардан иборат⁹²:

– агар тўлов тизимининг узлуксиз ишлаши Ўзбекистон Республикаси тўлов хизматлари бозорининг барқарор фаолият кўрсатишига ёрдам берса, унинг ишидаги тўхталишлар (узилишлар) эса Ўзбекистон Республикаси тўлов хизматлари бозорида таваккалчиликларнинг пайдо бўлишига олиб келиши мумкин бўлса, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ушбу тўлов тизимини муҳим тўлов тизими жумласига киритади;

– агар тўлов тизими тўлов хизматлари бозорининг Марказий банк томонидан мазкур бозор учун белгиланган миқдордан кўп улушини эгаллаган бўлса ва (ёки) тўловлар тўлов тизими орқали Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Марказий банк томонидан белгиланадиган кўрсаткичлардан кам бўлмаган ҳажмда бир йил давомида амалга оширилса, бу тизим муҳим тўлов тизими жумласига киради;

⁹¹ Ўзбекистон Республикасининг “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги Қонуни. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси: 03/19/573/3942-сон. 23.10.2019 й.

⁹² Ўзбекистон Республикасининг “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги Қонуни. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси: 03/19/578/3986-сон. 02.11.2019 й.

– тўлов тизимидаги таваккалчиликларни бошқариш тизими таваккалчиликларни аниқлаш, мониторинг қилиш ва бошқариш, шунингдек, тўлов тизимининг узлуксиз ишлашини таъминлаш тартиб-тамоийилларини белгилайди ҳамда тўлов тизими операторининг фаолиятини тиклаш режасини ўз ичига олади;

– муҳим тўлов тизимининг оператори томонидан мазкур тўлов тизимининг ушбу Қонун талабларига ва халқаро стандартларга мувофиқлигини аниқлаш мақсадида амалга ошириладиган чоратadbирлар мажмуи муҳим тўлов тизимининг ишлашини ўзини ўзи баҳолашдан ўтказиш ҳисобланади;

– тўлов хизматларидан фойдаланувчи ўз банк ҳисобварағига хизмат кўрсатадиган тўлов хизматларини етказиб берувчининг масофавий хизмат кўрсатиш тизимидан фойдаланишга ёки бошқа тўлов хизматларини етказиб берувчининг хизматларидан фойдаланишга, башарти, тўлов хизматларини етказиб берувчида бундай фойдаланишнинг техник имкониятлари мавжуд бўлса, ахборот хавфсизлиги ва тўлов хизматларидан барча етказиб берувчилар тенг фойдаланишини таъминлашга доир талабларга риоя этган ҳолда ҳақли бўлади;

– Марказий банк тўлов тизимларининг самарали, ишончли ва хавфсиз ишлашини таъминлаш мақсадида уларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ушбу Қонунга мувофиқ тартибга солинишини амалга оширади;

– банк фармойишни қабул қилаётганда унинг шартнома талаблари ва шартларига мувофиқлигини текшириши ҳамда уни бажариши ёки бажаришни рад этиши шарт, бенефициарнинг банки рад этиш сабабларини кўрсатган ҳолда фармойишни бажаришни рад этади ҳамда бу ҳақда дарҳол тўловчига хабар қилади, агар тўловчи ва тўловчининг банки ўртасидаги шартномада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, тўловчининг банки томонидан фармойиш бажарилиши учун тўловчи фармойишни бажариш учун зарур бўлган пул маблағларининг суммасини таъминлаши шарт⁹³.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасида хусусий банклар манфаатларини ҳимоя қилишга ва улар фаолиятини ривожлантиришга қаратилган алоҳида қонун – “Хусусий банк ва молия институтлари ҳамда улар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун мавжуд.

⁹³ Ўзбекистон Республикасининг “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги Қонуни. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси: 03:19:578:3986-сон. 02.11.2019 й.

Мазкур Қонунга кўра:

– хусусий банк ва молия институтлари:

мустикал равишда ўз фаолиятини амалга оширишга ҳамда банк хизматлари ва молиявий хизматлар кўрсатишга;

банк хизматлари ва молиявий хизматлар бозорида ривожланиш стратегиясини ҳамда иштирок этиш дастурларини танлашга;

ўз фаолиятдан чекланмаган микдорда даромад (фойда) олишга ва уни таъсис ҳужжатларига мувофиқ ўз хохишига кўра тасарруф этишга;

белгиланган тартибда ташқи иктисодий фаолиятни амалга оширишга ҳақли;

– давлат хусусий банк ва молия институтларига тенг ҳуқуқларни кафолатлайди ҳамда моддий-техника, молиявий, меҳнат, ахборот ресурсларидан ва бошқа ресурслардан фойдаланиш учун тенг имкониятлар яратади;

– давлат хусусий банк ва молия институтларининг тадбиркорлик фаолияти эркинлигини ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилинишини кафолатлайди;

– хусусий банк ва молия институтларига нисбатан камситишларга йўл қўйилмайди⁹⁴.

Тижорат банкларининг ликвидлиги ва тўлов қобилиятини таъминлашда кредит rischi даражасининг ошишига йўл қўймаслик муҳим аҳамият касб этади. Шу жиҳатдан олганда, “Гаров реестри тўғрисида”ги ва “Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида”ги қонунларнинг қабул қилиниши банкларнинг ликвидлиги ва тўлов қобилиятини таъминлашда муҳим ўрин эгаллади.

“Гаров реестри тўғрисида”ги Қонунга кўра:

– гаров реестрига мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш (гаров) воситаси сифатида қарздорлар бериб қўйган мол-мулкка нисбатан кредиторларнинг ҳуқуқлари, шунингдек, Қонунда назарда тутилган бошқа асослардан, шу жумладан, ушлаб қолиш, лизинг, товарга бўлган мулк ҳуқуқини товарнинг ҳақи тўлангунга қадар сотувчида (кредиторда) сақлаб қолган ҳолда уни сотиш, келажакда муайян ҳодиса юз берган тақдирда мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиш, тўловни кечиктирган ёки бўлиб-бўлиб тўлаган ҳолда товарларни олиш-сотишдан юзага келадиган ҳуқуқлар

⁹⁴ Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий банк ва молия институтлари ҳамда улар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуни. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент. 2012. – №51. – 573-модда. 2015 й. 33-сон. 439-модда. 2017 й. 1-сон. 1-модда.

тўғрисидаги, ундирувни қарздорнинг мол-мулкига қаратиш тўғрисида суднинг қонуний кучга кирган қарори тўғрисидаги, қарздорнинг мол-мулкни тасарруф этиш ва ундан фойдаланишга доир ҳуқуқларини чеклаш (сервитут, мол-мулкни хатлаш, банк ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш) тўғрисидаги, қарздорнинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзларини тўлаш ҳақида талаблар тўғрисидаги, қарздорнинг таъминланган мажбурияти бажарилмаган тақдирда юзага келадиган бошқа талаблар тўғрисидаги ёзув киритилади;

– кредитор сифатида қатнашаётган фойдаланувчи томонидан ёзув киритиш қарздорнинг розилиги билан амалга оширилади. Қарздорнинг розилиги қарздорнинг идентификация маълумотлари, шунингдек, кредиторнинг қайси мол-мулкка ҳуқуқи бўлса, ўша мол-мулк кўрсатилган ҳолда электрон ҳужжат тарзида ёки қоғозда расмийлаштирилади. Қарздорнинг ёзма розилиги гаров реестридан ёзув чиқариб ташлангунга қадар кредиторда сақланиши керак;

– суднинг ундирувни қарздорнинг мол-мулкига қаратиш тўғрисидаги қонуний кучга кирган қарори тўғрисида ёзув киритиш ёхуд киритилган ёзувдан мол-мулкнинг бир қисмини чиқариб ташлаш ёки ундаги ахборотни ўзгартириш кредитор томонидан қарздорнинг розилигисиз амалга оширилади;

– қарздорнинг зиммасида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзлар бўлган тақдирда, давлат солиқ ва божхона хизмати органлари қарздорнинг розилигисиз ёзув киритади;

– тергов ва суриштирув органлари қарздорнинг мол-мулкни тасарруф этиш ва ундан фойдаланишга доир ҳуқуқларини чеклаш (мол-мулкни хатлаш, банк ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш) тўғрисида ўз ваколатлари доирасида қарорлар қабул қилган тақдирда, қарздорнинг розилигисиз ёзув киритади;

– агар қарздор ёзувни ноҳолис ва ишончсиз деб ҳисобласа ва кредитор уни чиқариб ташлашни ёки ўзгартиришни рад этса, киритилган ёзувга доир эътирозлар қарздор сифатида қатнашаётган фойдаланувчи томонидан гаров реестрига киритилади⁹⁵.

“Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида”ги Қонунга кўра, Кредит бюроси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

– кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида шартномалар тузишга, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа битимлар тузишга;

⁹⁵ Ўзбекистон Республикасининг “Гаров реестри тўғрисида”ги қонуни. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2013. – № 43. – 570-модда.

– кредит ахборотини етказиб берувчилардан холис, ишончли ва янгиланган кредит ахбороти тақдим этишини талаб қилишга;

– кредит ахборотидан фойдаланувчиларга кредит ахбороти субъектларининг кредит қобилиятини, молиявий ҳолатини, тўлов қобилияти ва тўлов интизомини баҳолашда қўмаклашиш мақсадида маслаҳат хизматлари ҳамда бошқа хизматлар кўрсатишга;

– кредит ахборотини етказиб берувчиларга кредит ахборотини тақдим этишда қўмаклашишга;

– кредит ахбороти субъектлари рейтинг баҳосини ҳисоблаш услубини ишлаб чиқиш ва ундан фойдаланишга;

– бошқа кредит бюроларидан кредит ахборотини сўраб олишга ҳақли⁹⁶.

Қимматли қоғозлар билан инвестицион ва эмиссион операцияларни амалга ошириш тижорат банклари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу жиҳатдан олганда, тижорат банклари учун Ўзбекистон Республикасининг “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Қонуни муҳим аҳамиятга эга.

“Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, қимматли қоғозларни муомалага чиқариш шартлари:

– корпоратив облигациялар эмитентнинг бундай облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинган санадаги, аудиторлик ташкилоти ҳулосаси билан тасдиқланган ўз капитали миқдори доирасида, кейинги уч йилда рентабеллик, тўловга қобилиятлилик, молиявий барқарорлик ва ликвидлиликнинг аудиторлик ташкилоти ҳулосалари билан тасдиқланган ижобий кўрсаткичларига эга бўлган, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мустақил рейтинг баҳосини олган эмитентлар томонидан, инвесторларга тегишли маблағларнинг эмитентлар томонидан тўланиши бўйича тўлов агентлари вазифасини бажарувчи тижорат банклари иштирокида чиқарилади;

– давлат қимматли қоғозларини чиқариш эмиссия рисоласисиз ва давлат қимматли қоғозларининг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилмаган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади, улар қисқа муддатли (бир йилгача муддатга), ўртача муддатли (бир йилдан беш йилгача муддатга) ва узок муддатли (беш йил ва ундан ортиқ муддатга) этиб чиқарилиши мумкин;

⁹⁶ Ўзбекистон Республикасининг “Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида”ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2011. – № 40. – 412-модда.

– депозит сертификатларини чиқариш қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади;

– векселларни чиқариш қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади⁹⁷.

Эътироф этиш жоизки, тижорат банкларининг ликвидлилиги ва тўлов қобилиятини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қатор фармонлари ва қарорларининг аҳамияти катта.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 июлдаги “Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган узок муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1166-сонли Қарорига мувофиқ, республикамиз банк амалиётида биринчи марта Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг мажбурий захира ставкалари тижорат банклари депозитларининг муддатига боғлиқ равишда табақалаштирилди. Ҳолбуки, бунга қадар Марказий банкнинг мажбурий захира ставкалари табақалашмаган бўлиб, тижорат банкларининг ликвидлилигига ва узок муддатли ресурс базасига салбий таъсир кўрсатаётган эди.

Шунингдек, мазкур Қарорга мувофиқ:

– тижорат банкларининг депозитларига ва қимматли қарз қоғозларига 1 йилдан ортиқ муддатга жойлаштиришдан олинadиган фойзли даромадлари бўйича юридик шахслар беш йил муддатга солиққа тортишдан;

– тижорат банклари аввал берилган кредитларни тўлаш ҳисобига ундириб олинadиган мулкни сотишда қўшилган қиймат солиғи тўлашдан;

– лизинг хизматлари кўрсатувчи юридик шахслар 2009 йилнинг 1 сентябридан бошлаб уч йил муддатга фойда солиғи ва лизинг

⁹⁷ Ўзбекистон Республикасининг “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2015. – № 22.–287-модда.

операцияларидан тушадиган даромадлар бўйича ягона солиқ тўловидан озод этилди⁹⁸.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси банкларининг ликвидлиги ва тўлов қобилиятини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги ПҚ-1438-сонли Қарори муҳим роль ўйнади.

Мазкур Қарорда тижорат банкларининг ликвидлиги ва тўловга қобилиятини таъминлаш бўйича қуйидаги талаблар қўйилди:

– Базель кўмитаси томонидан белгиланган халқаро стандартлар талабларига мувофиқ, тижорат банкларини янада капиталлаштириш, ушбу соҳага хусусий капитални жалб этиш, ресурс базасини кўпайтириш, активлар сифатини яхшилаш, банк ишини такомиллаштириш ҳисобига банкларнинг молиявий барқарорлиги ва ликвидлигини ошириш;

– омонатчилар учун кафолатларни кучайтириш, банк тизимида аҳоли ва хорижий инвесторларнинг ишончини янада мустаҳкамлаш, янги жозибали омонат турларини жорий этиш;

– етакчи халқаро рейтинг компаниялари томонидан қўлланиладиган халқаро нормалар, мезонлар ва стандартларга асосланган банкларни баҳолаш тизимини жорий қилиш⁹⁹.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида илғор халқаро тажрибада қўлланиладиган инструментлардан фойдаланган ҳолда пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш, шунингдек, валютани тартибга солишда замонавий бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш, банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва барқарорлигини таъминлаш, банкларнинг капиталлашув даражаси ва депозит базасини ошириш, банкларнинг молиявий барқарорлиги ва ишончлилигини мустаҳкамлаш мамлакат

⁹⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 июлдаги “Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилган узок муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1166-сонли Қарори. www.lex.uz

⁹⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги ПҚ-1438-сонли Қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. - Тошкент, 2010. - №48. - 4-6-б.

банк тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари сифатида эътироф этилган¹⁰⁰.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ-5177-сонли “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони банкларнинг валюта операцияларини ривожлантириш ва валютавий тўловга қобиллигини таъминлашда муҳим роль ўйнади. Хусусан, мазкур Фармонга мувофиқ, юридик ва жисмоний шахсларнинг чет эл валютасини эркин сотиб олиш ва сотиш ҳамда ўз маблағларини ўзининг хоҳишига кўра эркин тасарруф этиш ҳуқуқларини руёбга чиқариши тўлиқ таъминланди, миллий валютанинг чет эл валютасига нисбатан курсини белгилашда бозор механизмларини қўллаш жорий этилди, давлат қимматли қоғозлари бозорини ривожлантириш, шунингдек, очиқ бозорда операциялар ҳамда давлат қимматли қоғозларини банклар ликвидлилигига гаровга бериш бўйича операцияларни амалга оширишни амалиётга жорий этиш вазифаси қўйилди, мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча экспортчи корхоналарнинг чет эл валютасидаги тушумини мажбурий сотиш бўйича талаб бекор қилинди, давлат божлари, йиғимлари ва бошқа мажбурий тўловлар фақат миллий валютада ундириладиган бўлди (консуллик йиғимлари бундан мустасно) ва тижорат банкларига валюта операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи Бош лицензия бекор қилинди¹⁰¹.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, республикаимиз тижорат банкларининг ликвидлилиги ва тўлов қобилиятини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги “Пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3272-сонли ва 2017 йил 12 сентябрдаги “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3270-сонли қарорларининг аҳамияти катта бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги “Пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3272-сонли Қарорида пул-кредит

¹⁰⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонига 1-илова/Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. .. № 6 (766). – 32-б.

¹⁰¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5177-сонли Фармони. www.lex.uz.

сиёсати доирасида тижорат банкларининг ликвидлилигига таъсир этиш бўйича қуйидаги тадбирлар ўз аксини топди:

- пул-кредит сиёсатининг ликвидлиликни бериш ва жалб қилиш операциялари бўйича қўлланилаётган фоизли инструментлардан фойдаланишни кенгайтириш;

- пул-кредит сиёсати инструментларидан фойдаланишни такомиллаштириш¹⁰².

Эътироф этиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3270-сонли Қарорида тижорат банкларининг ликвидлилиги ва тўлов қобилиятини таъминлашга қаратилган қуйидаги муҳим тадбирлар ўз ифодасини топди:

- 2017 йил 1 октябрдан бошлаб, тижорат банклари устав капиталининг энг кам миқдорига нисбатан талаб оширилди ва 100 млрд. сўм қилиб белгиланди;

- лойиҳалар ташкилотчилари бўлган вазирликлар, идоралар ва бошқа органларнинг раҳбарлари инвестиция лойиҳаларининг сифатли ва ўз вақтида бажарилиши юзасидан шахсан жавобгарлиги белгиланди;

- вазирликлар ва идоралар, жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг банклар ва уларнинг филиаллари фаолиятига аралашishiга йўл қўйилмаслиги белгиланди;

- тижорат банкларининг ижобий хулосасисиз давлат ва ҳудудий инвестиция дастурларига банкларни жалб этиш тақиқланди;

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига ҳар йилги Давлат бюджетини шакллантиришда харажатлар моддасида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан хорижий молия институтлари, хорижий ва мамлакат тижорат банклари кредитлари бўйича берилган кафолатлар учун тегишли маблағларни ажратиш вазифаси юкланди¹⁰³.

¹⁰² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги “Пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3272-сонли Қарори. www.lex.uz.

¹⁰⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3270-сонли Қарори. www.lex.uz.

3.2-§. Тижрат банклари ликвидлигининг замонавий ҳолати

Ўзбекистон Республикасида тижрат банкларининг ликвидлиги нисбатан Марказий банкнинг талаблари мавжуд бўлиб, улар банклар учун пруденциал меъёр ҳисобланади. Шунингдек, тижрат банкларининг ликвидлигини таъминлаш чора-тадбирлари тижрат банкларининг ички меъёрий ҳужжатларида ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 22 июлдаги 19/14-сонли (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 13 августда 2709-рақам билан рўйхатдан ўтказилган) қарори билан тасдиқланган “Тижрат банкларининг ликвидлигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низомда тижрат банкларининг ликвидлигига нисбатан пруденциал талаблар ўз аксини топган¹⁰⁴.

Мазкур Низомга мувофиқ, тижрат банкларининг ликвидли активларига қуйидагилар киради:

- нақд пуллар;
- соф қуйма олтин;
- банкнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида очилган ҳисобварақларидаги маблағлар;
- банкнинг бошқа банкларда очилган вакиллик ҳисобварақларидаги маблағлар;
- Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг ва Марказий банкнинг қимматли қоғозлари;
- қисқа муддатли (30 кунгача) банклараро кредитлар ва депозитлар;
- таваккалчилик даражаси паст бўлган мамлакатлар ҳукуматлари ва Марказий банклари томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар, шунингдек, бу мамлакатлар ҳукуматлари ва Марказий банкларига бошқа молиявий талаблар;
- «Standard & Poor's», «Fitch Ratings» ва «Moody's Investors Service» компанияларининг инвестицион рейтинг даражасидан кам бўлмаган ёки Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тан олинадиган бошқа рейтинг компанияларнинг ушбу баҳо даражаларига тенг бўлган рейтинг баҳоларига эга, ривожланган фонд

¹⁰⁴ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 22 июлдаги (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 13 августда 2709-рақам билан рўйхатдан ўтказилган) “Тижрат банкларининг ликвидлигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 19/14-сонли Қарори. //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент. 2015. - №32. – 141-152-б.

биржалари рўйхатларига киритилган, таваккалчилик даражаси паст бўлган мамлакатларнинг етакчи компаниялари қимматли қоғозлари.

“Тижорат банкларининг ликвидлилигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низомда тижорат банкларининг ликвидлилиги бўйича қуйидаги пруденциал меъёрлар ўрнатилган:

1. Жорий ликвидлилик коэффиценти

Жорий ликвидлилик коэффиценти жорий активлар суммасининг (тўлов муддати 30 кунгача бўлган банкнинг ликвидли активлари ва қўйилмалари, бундан муддати узайтирилган ёки қайтариш муддати ўтган кредитлар мустасно) жорий мажбуриятлар (талаб қилиб олингунча ва ижро этиш муддати 30 кунгача бўлган мажбуриятлар) суммасига нисбати орқали аниқланади ва у 30 фоиздан кам бўлмаслиги лозим.

Жорий ликвидлилик коэффицентини аниқлашда банклараро бозорда 30 кунгача жойлаштирилган ёки жалб қилинган депозитлар ва кредитлар соф кўринишда, агар активлар мажбуриятлардан кўп бўлса, ортган сумма жорий активлар таркибига, агар мажбуриятлар активлардан кўп бўлса, ортган сумма жорий мажбуриятлар таркибига қўшилади. Бунда камроқ бўлган актив ва мажбуриятлар суммаси жорий активлардан ҳам, жорий мажбуриятлардан ҳам чегириб ташланади.

2. Лаҳзали ликвидлилик коэффиценти

Лаҳзали ликвидлилик коэффиценти банк кассасидаги нақд пул ва бошқа тўлов ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати-нинг ва Марказий банкининг қимматли қоғозлари ҳамда банкнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидаги ҳисобварақларидаги маблағлари (бундан Марказий банкдаги мажбурий захира ҳисобварағидаги маблағлар мустасно) суммасининг талаб қилиб олингунча мажбуриятлар суммасига нисбати орқали аниқланади.

Лаҳзали ликвидлилик коэффицентини ҳисоблашда фақат Ўзбекистон Республикаси миллий валютасидаги маблағлар инobatга олинади.

Лаҳзали ликвидлилик коэффиценти 10 фоиздан кам бўлмаслиги лозим.

3. Ликвидлиликни қоплаш меъёри коэффиценти

Банклар 2016 йил 1 январдан бошлаб ликвидлиликни қоплаш меъёрини таъминлашлари шарт. Ликвидлиликни қоплаш меъёри

коэффициенти (ЛҚМК) юкори ликвидли активларнинг кейинги 30 кун ичидаги жами соф чикимга нисбати сифатида аниқланади:

$$\text{ЛҚМК} = \frac{\text{юкори ликвидли активлар}}{\text{кейинги 30 кун ичидаги жами соф чиким}}$$

Кейинги 30 кун ичидаги кирим кейинги 30 кун ичидаги чикимнинг 75 фоиздан ошган тақдирда, кейинги 30 кун ичидаги кирим сифатида кейинги 30 кун ичидаги чикимнинг 75 фоизи олинади.

Кейинги 30 кун ичидаги кирим ва чикимнинг қайта ҳисоблаш коэффициенти Марказий банк томонидан ўрнатилади ва мажбуриятларнинг тури ва муддатига боғлиқ бўлади.

ЛҚМК 100 фоиздан кам бўлмаслиги лозим. Ушбу кўрсаткич 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб:

барча валюталарда;

миллий валютада;

хорижий валюталарда (барча хорижий валюталарнинг йиғиндиси) таъминланиши шарт.

4. Соф барқарор молиялаштириш меъёри коэффициенти

Соф барқарор молиялаштириш меъёри коэффициенти (СБММК) барқарор молиялаштиришнинг мавжуд суммасини барқарор молиялаштиришнинг зарур суммасига нисбати сифатида аниқланади.

$$\text{СБММК} = \frac{\text{барқарор молиялаштиришнинг мавжуд суммаси}}{\text{барқарор молиялаштиришнинг зарур суммаси}}$$

СБММК 100 фоиздан кам бўлмаслиги лозим. Ушбу кўрсаткич 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб:

барча валюталарда;

миллий валютада;

хорижий валюталарда (барча хорижий валюталарнинг йиғиндиси) таъминланиши шарт.

СБММК активларни қайтариш муддатларини ҳисобга олган ҳолда, молиялашнинг барқарор ресурслари мавжуд бўлиши учун, шунингдек, бир йилдан ортиқ муддатдаги балансдан ташқари модалардаги мажбуриятларни кўшиб, ликвидликка бўлган талабни (зарур бўлган барқарор молиялаштиришни) қондириш учун керак.

Барқарор молиялаштиришнинг мавжуд суммасига қуйидагилар кириди:


- жами капитал;
- амалдаги қайтариш муддати бир йил ва ундан ортик бўлган банк мажбуриятлари;
- қайтариш муддати белгиланмаган бошқа депозитлар ва қарз маблағлари суммасининг 30 фоизи;
- қайтариш муддати бир йилдан кам бўлган бошқа депозитлар ва қарз маблағлари суммасининг 30 фоизи.

Барқарор молиялаштиришнинг зарур суммасига қуйидагилар киради:

- қайтарилишига бир йил ва ундан ортик муддат қолган банк активлари, шу жумладан муаммоли кредитлар ва номолиявий активлар (ер участкалари, бинолар, мебель, компьютерлар ва автомашиналар);
- суд жараёнида бўлган ёки белгиланган тартибда ундирилмаган активлар;
- қайтариш муддати бир йилдан кам бўлган бошқа активлар суммасининг 30 фоизи, қайтариш муддати бир йилдан кам бўлган ёки муддатсиз ликвидли активлар бундан мустасно;
- балансдан ташқари моддаларнинг 15 фоизи¹⁰⁵.

Бунда, балансдан ташқари моддалар деганда, тижорат банки томонидан очилган таъминланмаган хужжатлаштирилган аккредитивлар, банк кафолатлари, тижорат томонидан берилган опционлар ва банкнинг форвард битимлари кўзда тутилган.

Биз қуйида аниқ олинган тижорат банклари мисолида банкларнинг ликвидлик даражасига баҳо берамиз.



3.1-расм. АТ “Асакабанк”нинг жорий ликвидлик коэффицентининг даражаси¹⁰⁶, фоизда

¹⁰⁵ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 13 августда 2709-рақам билан рўйхатдан ўтказилган “Тижорат банкларининг ликвидлигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низом”.

¹⁰⁶ Асакабанкнинг баланс ҳисоботлари. www.asakabank.uz маълумотлари асосида тузилган.

3.1-расм маълумотларидан кўринадики, 2014-2018 йилларда АТ “Асакабанк” томонидан жорий ликвидлилик коэффиценти бўйича меъерий талаб бажарилган. Шу билан бирга, банкда жорий ликвидлилик коэффицентининг амалдаги даражаси унинг меъерий даражасидан анча юқори бўлган. Бу эса, банк активларининг даромадлилик даражасига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шунингдек, Асакабанкда 2016-2018 йилларда жорий ликвидлилик коэффицентининг пасайиш тенденцияси кузатилган.

3.1-жадвал

АТ “Асакабанк”да ликвидли активлар даражаси ва брутто активларнинг даромадлилиги¹⁰⁷, фоизда

Кўрсаткичлар	2014й.	2015й.	2016й.	2017й.	2018й.
Ликвидли активларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғи	24,9	24,1	30,9	21,3	8,6
Активларнинг даромадлилик даражаси	12,8	11,2	8,4	5,9	9,1

Изоҳ: активларнинг даромадлилик даражаси банк ялпи даромадини брутто активларга бўлиш ва олинган натижасни 100 фоизга кўпайтириш йўли билан аниқланган.


3.1-жадвалдан кўринадики, 2014-2017 йилларда Асакабанкда юқори ликвидли даромад келтирмайдиган активларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғининг юқори бўлганлиги активлар даромадлилик даражасининг пасайишига сабаб бўлган.

2018 йилда эса юқори ликвидли активларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғи 2017 йилга нисбатан сезиларли даражада пасайганлиги мазкур даврда активлар даромадлилик даражасининг сезиларли даражада ошишига олиб келган.

Талаб қилиб олинadиган депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғининг ўзгариши тижорат банкларининг жорий ликвидлигига бевосита таъсир этувчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Куйида 3.2-расм маълумотларидан кўринадики, 2014-2018 йилларда Асакабанк брутто депозитлари ҳажмида талаб қилиб олинadиган депозитларнинг салмоғи юқори бўлган. Бу эса, Асакабанкнинг ликвидлигига нисбатан салбий таъсирни юзага келтиради.

¹⁰⁷ Асакабанкнинг баланс ҳисоботлари, Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботи. www.asakabank.uz маълумотлари асосида тузилган.



3.2-расм. АТ “Асакабанк”нинг брутто депозитлари ҳажмида талаб қилиб олинадиган депозитларнинг салмоғи¹⁰⁸, фоизда

Кредит портфелининг сифати тижорат банкларининг ликвидлигига кучли таъсир кўрсатадиган муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

3.2-жадвал

АТ “Асакабанк”да муддати ўтган кредитлар ва кредитлар бўйича захиралар даражаси¹⁰⁹, фоизда

Кўрсаткичлар	2014й.	2015й.	2016й.	2017й.	2018й.
Муддати ўтган кредитларни брутто кредитларга нисбатан даражаси	0,6	1,2	0,7	0,3	0,3
Кредитлар бўйича захираларнинг брутто активларга нисбатан даражаси	1,8	1,9	1,4	1,8	1,7

3.2-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2014-2018 йилларда Асакабанкда муддати ўтган кредитлар даражаси мўътадил бўлган, аммо кредитлардан кўриладиган зарарларни коплашга мўлжалланган захира ажратмалари даражаси ушбу кўрсаткичнинг умумқабул қилинган меъёрий даражасидан юқори (1,0%) бўлган. Бу эса, Асакабанк ликвидлигини таъминлаш нуктаи назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

Ўз навбатида, кредитлардан кўриладиган зарарларни коплашга мўлжалланган захира ажратмалари даражаси таснифланган кредитларнинг таркибига боғлиқ.

¹⁰⁸ Асакабанкнинг баланс ҳисоботлари. www.asakabank.uz маълумотлари асосида тузилган.

¹⁰⁹ Асакабанкнинг баланс ҳисоботлари, Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботи. www.asakabank.uz маълумотлари асосида тузилган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 13 июндаги 14/5-сонли (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 14 июлда 2696-рақам билан рўйхатдан ўтказилган) Қарори билан тасдиқланган “Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захираларни шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги Низомга кўра:

– тижорат банки захира капитали таркибида сифати «стандарт» деб таснифланган активлар учун уларнинг қайтарилмаган асосий қарз (қолдик) суммасининг бир фоизи миқдорида стандарт активларга яратиладиган захира шакллантириши лозим;

– стандарт активларга яратиладиган захиралар тижорат банклари томонидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан сўнг қолган соф фойда ҳисобидан ажратилиб, ҳисобот санасига сифати «стандарт» деб таснифланган активлар қолдиғидан келиб чиққан ҳолда банк фойдасини тақсимлаш бўйича акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига мувофиқ ташкил қилинади;

– қарздорнинг молиявий ҳолати барқарор ҳисобланган, лекин айрим салбий ҳолатлар ёки тенденциялар мавжуд бўлиб, агар улар бартараф этилмаса, молиялаштирилган лойиҳанинг амалга ошишига ёки қарздорнинг активни ўз вақтида тўлаш қобилиятига нисбатан шубҳа пайдо бўлиши мумкин бўлган активлар сифати «субстандарт» деб таснифланади;

– тижорат банки сифати «субстандарт» деб таснифланган активлар учун уларнинг қайтарилмаган асосий қарз (қолдик) суммасининг ўн фоизи миқдорида махсус захира шакллантириши лозим;

– тижорат банки сифати «қониқарсиз» деб таснифланган активлар учун уларнинг қайтарилмаган асосий қарз (қолдик) суммасининг йигирма беш фоизи миқдорида махсус захира шакллантириши лозим;

– сифати «қониқарсиз» деб таснифланган активларга хос барча хусусиятларга эга бўлиб, мавжуд шароитда активларнинг тўлиқ қайтарилишини шубҳа остига ва кам ишончли қилиб қўядиган активлар сифати «шубҳали» деб таснифланади. Бунда йўқотишлар кўриш эҳтимоли юқори бўлган, лекин айрим ижобий омиллари мавжуд бўлган активлар сифати шароит оидинлашгунча «умидсиз» деб таснифланмайди;

– тижорат банки сифати «шубҳали» деб таснифланган активлар учун уларнинг қайтарилмаган асосий қарз (қолдик) суммасининг эллик фоизи миқдориди махсус захира шакллантириши лозим;

– шартномада белгиланган муддатда қайтарилмаган ёки қайтмаслигидан далолат берувчи омилар ёки аломатлар мавжуд бўлган ҳамда қайтмайдиغان ёки қиймати жуда пастлиги туфайли ҳисобини балансида актив сифатида юритилиши мақсадга мувофиқ эмас деб баҳоланадиган активлар сифати «умидсиз» деб таснифланади. Бундай таснифлаш активларда умуман ҳеч қандай тугатиладиган қиймат мавжуд эмаслигини билдирмайди. Бироқ тижорат банклари ўз балансида бундай активларнинг ҳисобини юритишни давом эттиришлари мақсадга мувофиқ эмас. Тижорат банки томонидан таъминотга олинган мулкни сотиш орқали бундай қарздорликни бартараф этиш ёки уни қайтариш чоралари қўлланиши лозим;

– тижорат банки сифати «умидсиз» деб таснифланган активлар учун уларнинг қайтарилмаган асосий қарз (қолдик) суммасининг юз фоизи миқдориди махсус захира шакллантириши лозим¹¹⁰.

3.3-жадвал

АТ “Асакабанк”да таснифланган кредитларининг таркиби¹¹¹, фоизда

Кредитлар тоифаси	2016й.	2017й.	2018й.
Стандарт	94,6	92,0	86,6
Субстандарт	4,3	6,8	11,8
Қоникарсиз	0,3	0,7	1,0
Шубҳали	0,7	0,4	0,2
Умидсиз	0,1	0,1	0,4
Таснифланган кредитлар-жами	100,0	100,0	100,0

3.3-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2016-2018 йилларда Асакабанкнинг таснифланган кредитлари таркиби ёмонлашган: стандарт кредитларнинг таснифланган кредитлар ҳажмидаги салмоғи 2018 йилда 2016 йилга нисбатан 6,0 фоизли пунктга камайган, субстандарт кредитларнинг таснифланган кредитлар ҳажмидаги салмоғи эса, 7,5 фоизли пунктга ошган. Шунингдек, 2018 йилда

¹¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 13 июндаги (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 14 июлда 2696-рақам билан рўйхатдан ўтказилган) “Тижорат банклариди активлар сифатини таснифлаш ва активлар буйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 14/5-сонли Қарори//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент. 2015. – №28. – 22-33-б.


¹¹¹ Асакабанкнинг баланс ҳисоботлари. www.asakabank.uz маълумотлари асосида тузилган.

умидсиз кредитларнинг таснифланган кредитлар ҳажмидаги салмоғи 2016 йилга нисбатан 0,3 фоизли пунктга ошган.

Таъкидлаш жоизки, республикаимиз банк амалиётида тижорат банкларининг кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари суммаси тўлиқ банкнинг харажатига олиб борилади. Шу сабабли, захира ажратмалари микдорининг ошиши тижорат банкининг соф фойдаси микдорининг камайишига олиб келади. Бу эса, тижорат банкининг ликвидлиги ва тўлов қобилиятига нисбатан салбий таъсирни юзага келтиради. Чунки соф фойда тижорат банклари фаолиятининг барқарор ривожланишини белгилловчи асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Асакабанк соф барқарор молиялаштириш меъёри коэффиценти бўйича меъёрий талабни 2018 йилда бажарган.

Энди АТ “Туронбанк”нинг ликвидлигини таҳлил қиламиз.



3.3-расм. АТ “Туронбанк”нинг жорий ликвидлилик коэффицентининг даражаси¹¹², фоизда

3.3-расм маълумотларига кўра, 2014-2018 йилларда Туронбанк томонидан жорий ликвидлилик коэффиценти бўйича меъёрий талаб бажарилган. Шунингдек, 2014-2017 йилларда ушбу кўрсаткичнинг ўсиш тенденцияси кузатилган.

3.3-расм маълумотларидан кўринадики, Туронбанкда жорий ликвидлилик коэффицентининг даражаси 2018 йилда 2017 йилга нисбатан сезиларли даражада пасайган. Бу эса, мазкур даврда талаб қилиб олинadиган депозитларнинг ўсиш суръатининг жорий активларнинг ўсиш суръатидан юқори бўлганлиги билан изоҳланади.

¹¹² Туронбанкнинг баланс ҳисоботлари. www.turonbank.uz маълумотлари асосида тузилган.

Тижорат банклари активларининг ликвидлиги ва даромадлиги бир-бирига тескари кўрсаткичлар бўлганлиги сабабли, банкнинг юқори даражадаги ликвидлиги активларнинг даромадлилик даражасининг пасайишига сабаб бўлиши мумкин.

3.4-жадвал


АТ “Туронбанк”да ликвидли активлар даражаси ва брутто активларнинг даромадлиги¹¹³, фоизда

Кўрсаткичлар	2014й.	2015й.	2016й.	2017й.	2018й.
Ликвидли активларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғи	19,8	25,2	31,1	31,7	21,6
Активларнинг даромадлилик даражаси	23,7	19,2	14,1	10,7	9,6

Изоҳ: активларнинг даромадлилик даражаси банк ялти даромадини брутто активларга бўлиш ва олинган натижани 100 фоизга кўпайтириш йўли билан аниқланган.

3.4-жадвал маълумотлардан яққол кўриш мумкинки, 2014-2018 йилларда Туронбанкда ликвидли активларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғи юқори бўлган.

Шунингдек, 2015-2017 йилларда Туронбанк активларининг умумий ҳажмида ликвидли активлар салмоғининг ўсиш тенденциясига эга бўлганлиги мазкур даврда активлар даромадлиги пасайиш тенденциясининг юзага келишига сабаб бўлган. Ўз навбатида, тижорат банклари активлари даромадлилик даражасининг пасайиши уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш нуқтаи назаридан жуда салбий ҳолат ҳисобланади.



3.4-расм. АТ “Туронбанк”нинг брутто депозитлари ҳажмида талаб қилиб олинган депозитларнинг салмоғи¹¹⁴, фоизда

¹¹³ Туронбанкнинг баланс ҳисоботлари. www.turonbank.uz маълумотлари асосида тузилган.

¹¹⁴ Туронбанкнинг баланс ҳисоботлари. www.turonbank.uz маълумотлари асосида тузилган.

3.4-расм маълумотларидан кўринадики, 2014-2018 йилларда Туронбанк депозитларининг умумий ҳажмида талаб қилиб олинadиган депозитларнинг салмоғи юқори бўлган ва депозит базанинг етарлилиги таъминланмаган. Бу эса, Туронбанкнинг ликвидлигини таъминлаш нуқтаи назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

3.5-жадвал

АТ “Туронбанк”да муддати ўтган кредитлар ва кредитлар бўйича захиралар даражаси¹¹⁵, фоизда

Кўрсаткичлар	2014й.	2015й.	2016й.	2017й.	2018й.
Муддати ўтган кредитларни брутто кредитларга нисбатан даражаси	0,0	0,0	0,6	0,6	0,1
Кредитлар бўйича захираларнинг брутто активларга нисбатан даражаси	0,4	0,8	0,2	0,1	0,2

3.5-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2014-2018 йилларда Туронбанкда муддати ўтган кредитларнинг брутто кредитларга нисбатан даражаси ҳам, кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари даражаси ҳам мўътадил бўлган. Бу эса, Туронбанкнинг ликвидлигини таъминлаш нуқтаи назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

3.6-жадвал

АТ “Туронбанк”да таснифланган кредитларнинг таркиби¹¹⁶, фоизда

Кредитлар тоифаси	2016й.	2017й.	2018й.
Стандарт	97,6	95,8	97,9
Субстандарт	1,3	2,6	1,8
Қониқарсиз	0,9	1,5	0,2
Шубҳали	0,1	0,1	0,0
Умидсиз	0,1	0,0	0,1
Таснифланган кредитлар-жами	100,0	100,0	100,0

3.6-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2017 йилда 2016 йилга нисбатан Туронбанк таснифланган кредитларининг таркиби ёмонлашган. Яъни стандарт кредитларнинг таснифланган

¹¹⁵ Туронбанкнинг баланс ҳисоботлари. www.turonbank.uz маълумотлари асосида тузилган.

¹¹⁶ Туронбанкнинг баланс ҳисоботлари. www.turonbank.uz маълумотлари асосида тузилган.

кредитларнинг умумий ҳажмидаги салмоғи ушбу даврда 1,8 фоизли пунктга камайган. Аммо 2018 йилда Туронбанк таснифланган кредитларнинг умумий ҳажмида стандарт кредитларнинг салмоғи 2017 йилга нисбатан 2,1 фоизли пунктга ошган. Бу эса, Туронбанкнинг ликвидлигини таъминлаш нуктаи назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида Марказий банк томонидан чиқарилган облигацияларни сотиб олиш йўли билан жорий ликвидлик даражасини ошириш имконияти мавжуд.

Облигациялар Марказий банк томонидан муомалага чиқарилади, жойлаштирилади ва сўндирилади, шунингдек, уларнинг ликвидлиги Марказий банк тасарруфидаги барча активлар билан таъминланади. Ушбу облигациялар кредитлар учун гаров таъминоти ва РЕПО битимларида олди-сотди объекти бўлиб хизмат қилиши мумкин. Облигациялар Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида номинал қиймати кўрсатилган ҳолда чиқарилади¹¹⁷.

Шунингдек, республикада тижорат банклари Марказий банкдан таъминотсиз кредит олиш имкониятига эгадирлар.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банкларига бериладиган таъминотсиз кредитлар:

- Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида муддатлик, қайтаришлик, тўловлик ва мақсадлик шартлари асосида берилди;

- таъминотсиз кредитлар бўйича фоиз ставкалари Марказий банк Бошқаруви томонидан кредитларнинг муддатидан келиб чиққан ҳолда ўрнатилади;

- қарз олувчи банкка таъминотсиз кредит ажратиш масаласи Марказий банкнинг Кредит кўмитаси томонидан кўриб чиқилади;

- таъминотсиз кредитлар Марказий банк томонидан 3 ой муддатгача қайтариш муддатини узайтириш ҳуқуқисиз ажратилади¹¹⁸.

¹¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки облигацияларининг чиқарилиши ва муомалада бўлиши тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида Қарори. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 25 октябрда рўйхатдан ўтказилди. рўйхат рақами 3080)// Қонуи ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. 10/18/3080/2114-сон. 27.10.2018 й.

¹¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банкларига таъминотсиз кредитларни бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида Қарори. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 20 июнда рўйхатдан ўтказилди. рўйхат рақами 2891)//Ўзбекистон Республикаси қонуи ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – 25-сон. – 560-модда

Қайд этиш жоизки, тижорат банклари миллий валютадаги “Ностро” вакиллик ҳисобрақамида ортиқча пул маблағлари юзага келганда уларни Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида депозит сифатида жойлаштириб, ҳам даромад олишлари, ҳам жорий ликвидлилиқ даражаларини оширишлари мумкин.


Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан депозит аукциони (фоизли ва миқдорий) ва ўзгармас фоиз ставкаси бўйича депозит операциялари амалга оширилади. Бунда депозит аукциони ўтказилиши тўғрисидаги маълумот аукцион ўтказиладиган кундан камида уч иш куни олдин Марказий банкнинг расмий веб-сайтида эълон қилинади. Ушбу маълумот қуйидагиларни ўз ичига олади:

- депозит аукциони ўтказилиш санаси;
- депозит аукциони тури (фоизли ёки миқдорий);
- депозит муддати;
- аукцион ўтказиш усули («америкача» ёки «голландча»);
- маблағларни депозитга ўтказиш санаси;
- маблағларни қайтариш ва депозит бўйича фоизларни тўлаш санаси;
- рақобатсиз аризаларнинг максимал улуши (фоизли депозит аукциони амалга оширилганда);
- депозит аукциони фоиз ставкаси (фоизли депозит аукциони амалга оширилганда ўрнатилмаслиги мумкин);
- депозит аукционига жалб қилинадиган маблағларнинг максимал миқдори (ўрнатилган ҳолларда);
- ҳар бир ариза бўйича таклиф этиладиган минимал ва максимал миқдор (ўрнатилган ҳолларда);
- битта тижорат банкдан депозит аукционига қабул қилинадиган аризалар сони (ўрнатилган ҳолларда);
- депозит аукциони бўйича аризаларни қабул қилиш вақти;
- депозит аукциони натижалари ёки ўтказилиши бекор қилинганлиги ҳақида маълумотларни эълон қилиш вақти¹¹⁹.

Марказий банкнинг депозит операциялари тижорат банкларининг миллий валютадаги “Ностро” вакиллик ҳисобрақамларида тўпланиб қолган пул маблағлари муомалага чиқиб кетишининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли, Марказий банкнинг депозит

¹¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг тижорат банклари билан депозит операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида Қарори. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 25 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3079)/Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси: 10/18/3079/2122-сон. 26.10.2018 й.

сиёсати пул-кредит сиёсатининг анъанавий инструментларидан бири сифатида эътироф этилади.



3.5-расм. АТ “Алоқабанк”да жорий ликвидлилик коэффиценти даражаси¹²⁰

3.5-расм маълумотлардан кўринадики, Алоқабанкда 2014-2018 йилларда жорий ликвидлилик коэффиценти бўйича меъерий талаб бажарилган. Шунингдек, 2018 йилда жорий ликвидлилик коэффицентининг даражаси 2014 йилга нисбатан 0,08 пунктга ошган. Бу эса, банкнинг ликвидлигини таъминлаш нуқтаи назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, тижорат банкларининг ликвидлигини таъминлашда депозитларнинг таркиби муҳим ўрин тутди.

3.7-жадвал

АТ “Алоқабанк” депозитлари ва унинг ҳажмида талаб қилиб олинadиган депозитларнинг салмоғи¹²¹

Кўрсаткичлар	2014й.	2015й.	2016й.	2017й.	2018й.
Депозитлар – жами, млрд. сўм	472	643	918	1938	3495
Талаб қилиб олинadиган депозитларнинг жами депозитлардаги самоғи, %	57,4	52,7	44,1	67,8	29,6

3.7-жадвал маълумотларидан кўринадики, Алоқабанкда 2014-2018 йилларда депозитлар миқдорининг ўсиш тенденцияси

¹²⁰ Алоқабанкнинг баланс ҳисоботлари. www.aloqabank.uz маълумотлари асосида тузилган.

¹²¹ Алоқабанкнинг баланс ҳисоботлари. www.aloqabank.uz маълумотлари асосида тузилган.

кузатилган. Шунингдек, 2018 йилга келиб Алоқабанкда депозит базанинг етарлигини таъминлашга муваффақ бўлинган. Мазкур ҳолатлар Алоқабанкнинг ликвидлигини таъминлаш нуктаи назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

3.8-жадвал

АТ “Алоқабанк”да муддати ўтган кредитлар ва кредитлар бўйича захиралар даражаси¹²², фоизда

Кўрсаткичлар	2014й.	2015й.	2016й.	2017й.	2018й.
Муддати ўтган кредитларни брутто кредитларга нисбатан даражаси	0,1	0,3	0,06	0,1	0,1
Кредитлар бўйича захираларнинг брутто активларга нисбатан даражаси	0,02	0,04	0,01	0,4	0,1

3.8-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2014-2018 йилларда Алоқабанкда муддати ўтган кредитларнинг брутто кредитларга нисбатан даражаси ҳам, кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари даражаси ҳам мўътадил бўлган. Бу эса, Алоқабанкнинг ликвидлигини таъминлаш нуктаи назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

3.9-жадвал

АТ “Алоқабанк”да таснифланган кредитларининг таркиби¹²³, фоизда

Кредитлар тоифаси	2016й.	2017й.	2018й.
Стандарт	99,8	99,3	98,2
Субстандарт	0,1	0,6	1,6
Қоникарсиз	0,0	0,0	0,6
Шубҳали	0,0	0,0	0,0
Умидсиз	0,1	0,1	0,2
Таснифланган кредитлар-жами	100,0	100,0	100,0

3.9-жадвал маълумотлардан кўринадики, 2016-2018 йилларда Алоқабанкда таснифланган кредитлар таркибининг ёмонлашиши юз берган. Яъни 2018 йилда 2016 йилга нисбатан таснифланган кредитларнинг умумий ҳажмида стандарт кредитларнинг салмоғи 1,6 фоизли пунктга камайгани ҳолда субстандарт кредитларнинг салмоғи

¹²² Алоқабанкнинг баланс ҳисоботлари. www.aloqabank.uz маълумотлари асосида тузилган.

¹²³ Алоқабанкнинг баланс ҳисоботлари. www.aloqabank.uz маълумотлари асосида тузилган.

1,0 фоизли пунктга, қониқарсиз кредитларнинг салмоғи эса, 0,6 фоизли пунктга ошган.

Таъкидлаш жоизки, республика банклари бўйича таснифланган кредитлар таркибида сўнгги йилларда стандарт кредитлар улушининг ошиши кузатилмоқда (4-илова).

3.3-§. Тижорат банклари тўлов қобилиятининг амалдаги ҳолати

Регулятив капитал ва биринчи даражали капиталнинг етарлилиги тижорат банкларининг тўлов қобилиятини тавсифловчи асосий кўрсаткичлардан ҳисобланади.

Республикада тижорат банклари капиталининг етарлигига қўйилган талаблар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2015 йил 13 июндаги (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 6 июлда 2693-ракам билан рўйхатдан ўтказилган) 14/3-сонли Қарори билан тасдиқланган “Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низомда ўз аксини топган.

Мазкур Низомга кўра:

– банк биринчи даражали капиталининг миқдори банк устав капиталининг энг кам миқдоридан кам бўлмаслиги лозим ва бунда банк биринчи даражали капиталининг миқдорини аниқлаш учун банк устав капиталининг миллий валютадаги эквиваленти Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ҳисобот ойининг охиригача валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш мақсадида белгиланган валюталар курси бўйича аниқланади;

– регулятив капитал биринчи даражали капитал ва иккинчи даражали капиталнинг йиғиндисидан иборат;

– регулятив капитал таркибига хавфсиз бўлмаган ва носоғлом банк фаолиятининг юзага келишига олиб келиши мумкин бўлган шартлар (ташқил қилинадиган жамғармалар/захиралардан белгиланган мақсадга мувофиқ фойдаланиш, қарз мажбуриятларини чиқариш шартлари ва бошқалар) билан чекланган капитал элементлари киритилиши мумкин эмас;

– биринчи даражали капитал регулятив капиталнинг 75 фоизидан кам бўлмаслиги лозим. Иккинчи даражали капитал миқдори биринчи даражали капитал миқдорининг учдан бир қисмидан ошиб кетса, ошган сумма регулятив капитал таркибига киритилмайди;

– биринчи даражали капитал биринчи даражали асосий капитал ва биринчи даражали қўшимча капитални ўз ичига олади;

– биринчи даражали асосий капитал банк регулятив капиталнинг 60 фоизидан кам бўлмаслиги зарур¹²⁴.



3.6-расм. АТ “Асакабанк”да капиталнинг етарлилик даражалари¹²⁵, фоизда

3.6-расм маълумотларига кўра, 2014-2018 йилларда Асакабанк томонидан регулятив капиталнинг етарлилигига ва биринчи даражали капиталнинг етарлилигига нисбатан белгиланган меъёрий талаблар бажарилган. Бу эса, Асакабанкнинг тўлов қобилиятини таъминлаш нуктаи назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

Асакабанк регулятив капиталнинг етарлилик даражаси эса 2018 йилда 2017 йилга нисбатан сезиларли даражада пасайган. Бу эса, мазкур даврда регулятив капиталнинг ўсиш суръатини банк активларининг риска тортилган суммасининг ўсиш суръатидан паст бўлганлиги билан изоҳланади ва Асакабанкнинг тўлов қобилиятини таъминлаш нуктаи назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

3.6-расм маълумотларидан кўринадики, Асакабанк биринчи даражали капиталнинг етарлилик даражаси 2018 йилда 2017 йилга нисбатан сезиларли даражада пасайган. Бу эса, мазкур даврда

¹²⁴ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг “Тижорат банклари капиталнинг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 6 июлда 2693-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган)// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами.

¹²⁵ Асакабанкнинг баланс ҳисоботлари. www.asakabank.uz маълумотлари асосида тузилган.

биринчи даражали капиталнинг ўсиш суръатини банк активларининг рискка тортилган суммасининг ўсиш суръатидан паст бўлганлиги билан изоҳланади ва Асакабанкнинг тўлов қобилиятини таъминлаш нуктаи назаридан салбий ҳолат ҳисобланади. Чунки биринчи даражали капитал тижорат банклари фаолиятини молиялаштиришнинг ва фавқулодда зарарларни қоплашнинг барқарор манбаи ҳисобланади.

Тижорат банкларининг тўлов қобилиятини таъминлашда регулятив капиталнинг таркиби муҳим ўрин тутати. Чунки капитал элементлари барқарорлиги жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади.

Куйидаги жадвал маълумотлари орқали Асакабанк регулятив капиталининг таркибига баҳо берамиз (3.10-жадвал).

3.10-жадвал

АТ “Асакабанк” регулятив капиталининг таркиби¹²⁶, фоизда

Капитал таркиби	2014й.	2015й.	2016й.	2017й.	2018й.
Устав капитали	62,9	56,4	50,4	68,1	66,2
Қўшилган капитал	0,5	0,4	0,4	0,1	0,1
Захира капитали	25,9	30,5	33,9	29,7	5,4
Таксимланмаган фойда	10,7	12,7	15,3	2,1	28,3
Регулятив капитал – жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

3.10-жадвал маълумотларига кўра, 2014-2018 йилларда устав капитали Асакабанк регулятив капиталининг умумий ҳажмида энг юқори салмоқни эгаллаган ва ушбу салмоқ 2018 йилда 2014 йилга нисбатан 3,3 фоизли пунктга ошган. Бу эса, Асакабанкнинг тўлов қобилиятини таъминлаш нуктаи назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади. Чунки устав капитали тижорат банклари фаолиятини молиялаштиришнинг барқарор манбаи ҳисобланади.

2014-2018 йилларда эса қўшилган капиталнинг Асакабанк регулятив капитали ҳажмидаги салмоғи жуда паст даражада қолган ва ушбу ҳолат Асакабанкнинг акцияларининг инвестицион жозибаторлигини таъминлаш йўли билан маблағлар жалб қилиш амалиётининг такомиллашмагани билан изоҳланади. Бу эса, Асакабанкнинг тўлов қобилиятини таъминлаш нуктаи назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.


3.10-жадвалга кўра, 2014-2017 йилларда захира капиталининг Асакабанк регулятив капитали умумий ҳажмида нисбатан юқори

¹²⁶ Асакабанкнинг баланс ҳисоботлари. www.asakabank.uz маълумотлари асосида тузилган

салмокни эгаллаган ва ушбу салмок 2017 йилда 2014 йилга нисбатан 3,8 фоизли пунктга ошган. Бу эса, Асакабанк тўлов қобилиятини таъминлаш нуктаи назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

3.10-жадвал маълумотларидан кўринадики, тақсимланмаган фойданинг Асакабанк регулятив капиталининг умумий ҳажмидаги салмоғи 2018 йилда 2014 йилга нисбатан сезиларли даражада (17,6 ф.п.) ошган. Бу эса Асакабанкнинг тўлов қобилиятини таъминлаш нуктаи назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади. Яъни тақсимланмаган фойда барқарор молиялаштириш манбаи ҳисобланади. Чунки тақсимланмаган фойда тижорат банкининг барча мажбуриятлари бўйича тўловлар амалга оширилгандан кейин қоладиган фойдадир.

Шуниси аҳамиятлики, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3270-сонли Қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банкининг Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки ва Асакабанкнинг валютада шакллантирилган устав капиталини ушбу хорижий валюталарни сотиш йўли билан миллий валютада шакллантириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинди. Натижада, Асакабанкнинг регулятив капитали таркибидаги девальвация захираси йўқ бўлди. Бу эса, Асакабанкнинг тўлов қобилиятини таъминлаш нуктаи назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади. Чунки девальвация захираси беқарор молиялаштириш манбаи ҳисобланади.



3.7-расм. АТ “Асакабанк”да устав капитали ва захира капитали миқдорининг ўзгариши¹²⁷, млн. сўм

¹²⁷ Асакабанкнинг баланс ҳисоботлари. www.asakabank.uz маълумотлари асосида тузилган.

3.7-расм маълумотларидан кўринадики, 2014-2017 йилларда Асакабанк устав капиталининг миқдори ўсиш тенденциясига эга бўлган ва ушбу миқдор 2018 йилда ўзгаришсиз қолган. Бу эса, Асакабанкнинг тўлов қобилиятини таъминлаш нуктаи назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади. Чунки, устав капитали тижорат банклари фаолиятини молиялаштиришнинг барқарор манбаи ҳисобланади. 2014-2016 йилларда Асакабанк захира капиталининг миқдори ўсиш тенденциясига эга бўлган. Аммо захира капиталининг миқдори 2018 йилда 2014 йилга нисбатан сезиларли даражада камайган. Бу эса Асакабанкнинг тўлов қобилиятини таъминлаш нуктаи назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

Тижорат банкларининг тўлов қобилиятини таъминлашда активларнинг рентабеллиги ва капиталнинг рентабеллиги кўрсаткичлари муҳим аҳамият касб этганлиги сабабли Асакабанк активлари ва капитални рентабеллиги кўрсаткичларини таҳлил қиламиз.

3.11-жадвал

АТ “Асакабанк”да активлар ва капиталнинг рентабеллиги¹²⁸,
фоизда

Кўрсаткичлар	2014й.	2015й.	2016й.	2017й.	2018й.
Активлар рентабеллиги	1,4	1,2	0,9	0,2	2,8
Капитал рентабеллиги	9,7	9,3	9,3	1,7	27,1

3.11-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2014-2018 йилларда Асакабанк активларининг рентабеллиги паст даражада бўлган. 2014-2017 йилларда эса банк активларининг рентабеллиги кўрсаткичи пасайиш тенденциясига эга бўлгани ҳолда, мазкур кўрсаткич 2018 йилда 2014 йилга нисбатан сезиларли даражада пасайган. Мазкур ҳолатлар, Асакабанкнинг тўлов қобилиятини таъминлаш нуктаи назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.


Келтирилган маълумотлардан кўринадики, 2014-2017 йилларда Асакабанкда регулятив капиталнинг рентабеллиги кўрсаткичи пасайиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, Асакабанкнинг тўлов қобилиятини таъминлаш нуктаи назаридан салбий ҳолат ҳисобланади. Аммо 2018 йилда Асакабанкда регулятив капиталнинг рентабеллиги кўрсаткичи 2014 йилга нисбатан сезиларли даражада

¹²⁸ Асакабанкнинг баланс ҳисоботлари. Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботи. www.asakabank.uz маълумотлари асосида тузилган.

ошган. Бу эса мазкур даврда соф фойданинг ўсиш суръатини регулятив капиталнинг ўсиш суръатидан юқори бўлганлиги билан изоҳланади. 2018 йилда 2014 йилга нисбатан Асакабанкнинг регулятив капиталининг ўсиш суръати 2,8 фойзни ташкил этган бўлса, мазкур даврда соф фойданинг ўсиш суръати 16,8 мартани ташкил қилди.

Эътироф этиш жоизки, активлар ва капитал рентабеллигининг паст даражада бўлиши тижорат банки қимматли қоғозларининг инвестицион жозибадорлигини ошириш имконини бермайди. Бу эса, биринчи даражали капитал миқдорини оширишга маълум даражада тўсқинлик қилади.

Энди биз АТ “Туронбанк”нинг тўлов қобилиятини таҳлил қиламиз. Дастлаб, Туронбанк капиталининг етарлилигини таҳлил қиламиз. Ундан кейин таҳлилни Туронбанк регулятив капиталининг таркибига қаратамиз.



3.8-расм. АТ “Туронбанк”да регулятив капитал ва биринчи даражали капиталнинг етарлилик даражаси¹²⁹, фойзда

3.8-расм маълумотларидан кўринадики, 2014-2018 йилларда Туронбанк томонидан регулятив капиталнинг ва биринчи даражали капиталнинг етарлиликка нисбатан меъърий талаблар бажарилган. Бу эса, Туронбанкнинг тўлов қобилиятини таъминлаш нуқтаи назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

3.8-расм маълумотларидан кўринадики, Туронбанк регулятив капиталининг ва биринчи даражали капиталнинг етарлилик даражаси 2018 йилда 2017 йилга нисбатан пасайган. Бу эса, Туронбанкнинг

¹²⁹ Туронбанкнинг баланс ҳисоботлари. Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботи. www.turonbank.uz маълумотлари асосида тузилган.

тўлов қобилиятини таъминлаш нуқтаи назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

Туронбанкда регулятив капитал ва биринчи даражали капитал етарлилик даражасининг бир-бирига яқинлигининг асосий сабаби, регулятив капиталнинг мутлақ асосий қисмини биринчи даражали капитал ташкил этишидир. Масалан, 2018 йилнинг 31 декабрь ҳолатига кўра, Туронбанк регулятив капитали ҳажмида биринчи даражали капиталнинг салмоғи 95,6 фоизни ташкил этди.

3.12-жадвал

АТ “Туронбанк” регулятив капиталининг таркиби¹³⁰, фоизда

Капитал таркиби	2014й.	2015й.	2016й.	2017й.	2018й.
Устав капитали	54,1	54,4	38,7	75,4	85,8
Кўшилган капитал	0,2	0,2	0,2	0,1	0,02
Захира капитали	14,3	32,2	47,7	21,4	8,2
Таксимланмаган фойда	31,4	13,2	13,4	3,1	6,0
Регулятив капитал – жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

3.12-жадвалдаги маълумотлардан яққол кўринадики, 2014-2018 йилларда устав капиталининг Туронбанк регулятив капиталининг ҳажмидаги салмоғи юқори бўлган. Шу билан бирга, 2016-2018 йилларда ушбу кўрсаткичнинг ўсиш тенденцияси кузатилган. Бу эса, Туронбанкнинг тўлов қобилиятини таъминлаш нуқтаи назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади. Чунки, устав капитали тижорат банклари фаолиятини молиялаштиришнинг барқарор манбаи ҳисобланади. Бундан ташқари, устав капитали тижорат банклари фаолиятида юзага келадиган зарарларни қоплашнинг ҳам муҳим манбаи ҳисобланади.

3.12-жадвал маълумотларига кўра, 2017 йилда устав капиталининг Туронбанк регулятив капиталининг ҳажмидаги салмоғи кескин ошган. Бу эса, захира капитали ва таксимланмаган фойданинг регулятив капитал ҳажмидаги салмоғининг 2018 йилда кескин пасайганлиги билан изоҳланади.

Шунингдек, маълумотлар 2014-2018 йилларда Туронбанк регулятив капитали ҳажмида қўшилган капиталнинг салмоғи жуда кичик бўлганлигини кўрсатади. Бу эса, Туронбанк акцияларининг инвестицион жозибадорлиги таъминланмаганлиги билан изоҳланади. Чунки акцияларнинг инвестицион жозибадорлиги таъминланиши уларнинг бозор баҳоси ошишига олиб келади ва бунинг натижасида

¹³⁰ Туронбанкнинг баланс ҳисоботлари. Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботи. www.turonbank.uz маълумотлари асосида тузилган.


оддий ва имтиёзли акцияларнинг бозор баҳоси билан номинал баҳоси ўртасидаги фарқ суммаси сифатида, қўшилган капитал миқдори ортади.

Туронбанкда 2014-2016 йилларда захира капиталнинг регулятив капиталнинг умумий ҳажмидаги салмоғининг ўсиш тенденцияси кузатилган. Бу эса, Туронбанкнинг тўлов қобилиятини таъминлаш нуктаи назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади. Аммо 2016-2018 йилларда ушбу кўрсаткичнинг пасайиш тенденцияси кузатилган.

Шу билан бирга, тақсимланмаган фойданинг Туронбанк регулятив капитали ҳажмидаги улуши 2018 йилда 2014 йилга нисбатан сезиларли даражада камайган. Бу эса Туронбанкнинг тўлов қобилиятини таъминлаш нуктаи назаридан салбий ҳолат ҳисобланади. Чунки тақсимланмаган фойда тижорат банклари фаолиятини молиялаштиришнинг барқарор манбаи ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, тижорат банклари регулятив капиталнинг таркибида устав капитали ва захира капитали ўзининг барқарорлиги билан ажралиб туради (захира капитали таркибидаги девальвация захирасини ҳисобга олмаганда).

Шунингдек, тижорат банкининг акциядорлари ўз устав капиталидаги пул маблағларини молиявий йил тугамагунга қадар олиш ҳуқуқига эга эмас. Шу сабабли, устав капитали тижорат банклари учун молиявий йил давомида барқарор молиялаштириш манбаи ҳисобланади.



3.9-расм. АТ “Туронбанк”да устав капитали ва захира капитали миқдорининг ўзгариши¹³¹, млн. Сўм

¹³¹ Туронбанкнинг баланс ҳисоботлари, Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботи. www.turonbank.uz маълумотлари асосида тузилган.

3.9-расм маълумотларидан кўринадики, 2014-2018 йилларда устав капитали миқдорининг ўсиш тенденцияси кузатилган. Шунингдек, устав капиталининг миқдори 2018 йилда 2014 йилга нисбатан юқори суръатда ўсган. Ушбу ҳолат Туронбанкнинг тўлов қобилиятини таъминлаш нуктаи назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади. 2014-2017 йилларда захира капитали миқдорининг ўсиш тенденцияси кузатилган. Бу эса, Туронбанкнинг тўлов қобилиятини таъминлаш нуктаи назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади. Аммо захира капиталининг миқдори 2018 йилда 2017 йилга нисбатан сезиларли даражада камайганлиги банкнинг тўлов қобилиятини таъминлаш нуктаи назаридан ҳам салбий ҳолатдир.

Юқорида эътироф этганимиздек, тижорат банкларининг тўловга қобиллиги ва молиявий барқарорлигини таъминлашда активлар рентабеллиги ва регулятив капитал рентабеллиги кўрсаткичлари муҳим ўрин тутади. Шу сабабли, қуйидаги жадвал маълумотлари орқали Туронбанкнинг активлари ва регулятив капитали рентабеллиги кўрсаткичлари даражасига баҳо берамиз.

3.13-жадвал

АТ “Туронбанк”да активлари ва регулятив капиталининг рентабеллиги¹³², фоизда

Кўрсаткичлар таркиби	2014й.	2015й.	2016й.	2017й.	2018й.
Активлар рентабеллиги	3,7	2,3	1,8	1,1	1,3
Капитал рентабеллиги	26,0	17,6	12,7	4,5	4,5

3.13-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадики, 2014-2018 йилларда Туронбанк активларининг рентабеллиги паст даражада бўлган. Шу билан бирга, 2014-2017 йилларда банк активларининг рентабеллиги кўрсаткичи пасайиш тенденциясига эга бўлгани ҳолда, мазкур кўрсаткич 2018 йилда 2014 йилга нисбатан сезиларли даражада пасайган. Мазкур ҳолатлар Туронбанкнинг тўлов қобилиятини таъминлаш нуктаи назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

2014-2018 йилларда Туронбанкда регулятив капиталнинг рентабеллиги кўрсаткичи пасайиш тенденциясига эга бўлган. Шунингдек, мазкур кўрсаткичнинг даражаси 2018 йилда 2014 йилга

¹³² Туронбанкнинг баланс ҳисоботлари. Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботи www.turonbank.uz маълумотлари асосида тузилган.

нисбатан кескин пасайиш кузатилади. Ушбу ҳолат Туронбанкнинг тўлов қобилятини таъминлаш нуқтаи назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, активлар ва регулятив капитал рентабеллигининг юкори ва барқарор даражасини таъминлаш банк акцияларининг инвестицион жозибадорлигини ошириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий статистик маълумотларига кўра, “Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарорларига мувофиқ 2018 йилда давлат улушига эга банклар капиталига ҳукумат томонидан 3 трлн. сўмдан ортик маблағлар йўналтирилди. Натижада, 2018 йил давомида тижорат банкларининг умумий капитали 29 фоизга ёки 6 трлн. сўмга ошиб, 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига 26,7 трлн. сўмни, шундан устав капитали 21 фоизга ошиб, 19,7 трлн. сўмни ташкил этди. Жами капитал ҳажми ўсишининг 5 трлн. сўми (83,3 фоизи) давлат улушига эга тижорат банклари ва қолган 1 трлн. сўми бошқа тижорат банклари ҳиссасига тўғри келади”¹³³.



3.10-расм. АТ “Алоқабанк”да активлари ва регулятив капиталининг рентабеллиги¹³⁴, фоизда

3.10-расмда келтирилган маълумотлардан кўринадики, 2014-2018 йилларда Алоқабанкда капиталнинг етарлиги бўйича ҳар иккала меъёрий талаб бажарилган. Шунингдек, ушбу кўрсаткичлар даражаси 2018 йилда 2014 йилга нисбатан сезиларли даражада ошган. Бу эса,

¹³³ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2018 йилдаги фаолияти тўғрисида ҳисобот. – Тошкент, 2019. – Б. 28.

¹³⁴ Алоқабанкнинг баланс ҳисоботлари. “Фойда ва зарарлар тўғрисида”ги ҳисоботи www.aloqabank.uz маълумотлари асосида тузилган.

Алоқабанкнинг тўловга қобиллигини таъминлаш нуқтаи назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

Республика миқёсида олиб қараганда, тижорат банклари капиталининг етарлиги сезиларли даражада юқоридир (5-илова).

Эътироф этиш жоизки, республика тижорат банклари регулятив капитали таркибида устав капитали юқори салмоқни эгаллагани ҳолда, қўшимча капиталнинг регулятив капитал таркибидаги салмоғи жуда кичикдир (6-илова). Бу эса, банкларнинг қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган эмиссион операцияларининг ривожланмаганлигидан далолат беради.

IV БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ЛИКВИДЛИГИ ВА ТЎЛОВ ҚОБИЛИЯТИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛЛАРИ

4.1-§. Тижорат банкларининг ликвидлиги ва тўлов қобилиятини таъминлашдаги муаммолар

Монографик тадқиқотимизнинг учинчи бобини ёзиш жараёнида амалга оширилган таҳлиллар натижаси Ўзбекистон Республикаси банк тизимида фаолият юритаётган тижорат банкларининг ликвидлиги ва тўлов қобилиятини таъминлаш билан боғлиқ бўлган бир қатор долзарб муаммоларнинг мавжудлигини кўрсатди. Ана шундай долзарб муаммолардан бири, тижорат банкларида жорий ликвидлик даражасининг пасаяётганлиги ҳисобланади.

Таҳлил натижасига кўра, АТ “Асакабанк”да 2016-2018 йилларда жорий ликвидлик коэффициентининг пасайиш тенденцияси кузатилган.

Шунингдек, Туронбанкда жорий ликвидлик коэффициенти-нинг даражаси талаб қилиб олинadиган депозитларнинг ўсиш суръатини жорий активларнинг ўсиш суръатидан юқори бўлганлиги сабабли, 2018 йилда 2017 йилга нисбатан сезиларли даражада пасайган.

Республикаimiz тижорат банкларининг ликвидлиги ва тўлов қобилиятини таъминлаш билан боғлиқ бўлган муаммолардан яна бири – бу активларнинг даромадлиги ва ликвидлиги ўртасида мутаносибликнинг таъминланмаганидир.

Тадқиқотнинг учинчи бобида амалга оширилган таҳлилларнинг натижалари шуни кўрсатдики, АТ “Асакабанк”да 2014-2017 йилларда юқори ликвидли даромад келтирмайдиган активларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғининг юқори бўлганлиги активларнинг даромадлилик даражасининг пасайишига сабаб бўлган.

Шунингдек, 2015-2017 йилларда Туронбанк активларининг умумий ҳажмида ликвидли активлар салмоғининг ўсиш тенденциясига эга бўлганлиги мазкур даврда активлар даромадли-гининг пасайиш тенденцияси юзага келишига сабаб бўлган.

Мамлакат тижорат банкларининг ликвидлиги ва тўлов қобилиятини таъминлаш билан боғлиқ бўлган учинчи муаммо бу, талаб қилиб олинadиган депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғининг нисбатан юқори эканлиги ҳисобланади.

Тадқиқотнинг учинчи бобида амалга оширилган таҳлил натижаларининг кўрсатишича, 2014-2018 йилларда Асакабанк брутто депозитлари ҳажмида талаб қилиб олинadиган депозитларнинг салмоғи юқори бўлганлиги ва депозит базасининг етарлича таъминланмаганлиги банкнинг ликвидлилигига нисбатан салбий таъсирни юзага келтирган.

Шунингдек, 2014-2018 йилларда Туронбанк депозитларининг умумий ҳажмида талаб қилиб олинadиган депозитлар салмоғининг юқори бўлганлиги ва депозит базасининг етарлилиги таъминланмаганлиги ушбу банкнинг ликвидлилигига нисбатан салбий таъсирни юзага келтирган.

Тараққий этган мамлакатларда тижорат банклари депозит базасининг етарлилиги таъминланганлиги, яъни талаб қилиб олинadиган депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғининг 30 фоиздан ошмаслиги уларнинг ликвидлилиги ва тўловга қобиллигини таъминлашда муҳим ўрин тутadi. Бу эса, биринчи навбатда, юқори ликвидли активлар билан талаб қилиб олинadиган депозитлар ўртасидаги нисбатга боғлиқ; иккинчидан, талаб қилиб олинadиган депозитларнинг барқарорлик даражаси паст; учинчидан, талаб қилиб олинadиган депозитлар тижорат банклари учун ресурс манба ҳисобланмайди.

Ўзбекистон Республикасида тижорат банкларига мижозларнинг жорий ҳисобрақамидаги пул маблағларидан ресурс сифатида фойдаланишга рухсат этилганлиги талаб қилиб олинadиган депозитларни, арзон ресурс манбаи сифатида кредитларнинг асосий ресурс манбаига айлантириб қўйди. Натижада, банкларда текинхўрлик кайфияти шаклланди ҳамда улар муддатли ва жамғарма депозит ҳисобрақамларига маблағлар жалб қилишдан манфаатдор бўлмай қолдилар. Бу эса, пировард натижада, тижорат банкларининг ликвидлилиги ва тўловга қобиллигига нисбатан кучли салбий таъсирни юзага келтирди.

Амалга оширилган таҳлил натижалари кўрсатдики, республикамиз тижорат банкларида кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари даражаси ушбу кўрсаткичнинг меъёрий даражасидан юқоридир. Масалан, 2014-2018 йилларда Асакабанкда кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари даражаси ушбу кўрсаткичнинг умум қабул қилинган меъёрий даражасидан юқори

(1,0%) бўлган. Бу эса, Асакабанкнинг ликвидлилигини таъминлаш нуктаи назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

Эътироф этиш жоизки, кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари даражаси бевосита таснифланган кредитларнинг таркибига боғлиқ. Таҳлил натижаси кўрсатишича, 2016-2018 йилларда Асакабанкнинг таснифланган кредитлари таркибининг ёмонлашганлиги кузатилди. Яъни стандарт кредитларнинг таснифланган кредитлар ҳажмидаги салмоғи 2018 йилда 2016 йилга нисбатан 6,0 фоизли пунктга камайди, субстандарт кредитларнинг таснифланган кредитлар ҳажмидаги салмоғи эса, 7,5 фоизли пунктга ошди. Шунингдек, 2018 йилда умидсиз кредитларнинг таснифланган кредитлар ҳажмидаги салмоғи 2016 йилга нисбатан 0,3 фоизли пунктга ошганлиги кузатилди.

Шу билан бирга, 2017 йилда 2016 йилга нисбатан Туронбанк таснифланган кредитларининг таркиби ёмонлашган. Яъни стандарт кредитларнинг таснифланган кредитларнинг умумий ҳажмидаги салмоғи ушбу даврда 1,8 фоизли пунктга камайган. Аммо 2018 йилда Туронбанк таснифланган кредитларининг умумий ҳажмида стандарт кредитларнинг салмоғи 2017 йилга нисбатан 2,1 фоизли пунктга ошган.

2016-2018 йилларда Алокабанкда таснифлаган кредитлар таркибининг ёмонлашиши юз берган. Яъни 2018 йилда 2016 йилга нисбатан таснифланган кредитларнинг умумий ҳажмида стандарт кредитларнинг салмоғи 1,6 фоизли пунктга камайгани ҳолда субстандарт кредитларнинг салмоғи 1,0 фоизли пунктга, қониқарсиз кредитларнинг салмоғи эса, 0,6 фоизли пунктга ошган.

Таснифланган кредитлар таркибининг ёмонлашиши тижорат банкнинг ликвидлилигига ва молиявий барқарорлигига салбий таъсир кўрсатади. Бу эса, таснифланган кредитлар таркибининг ёмонлашиши кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари миқдорининг ошишига олиб келади. Ўз навбатида, кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари миқдорининг ошиши банкнинг соф фойдаси миқдорининг камайишига олиб келади. Чунки кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари суммаси тўлиқ тижорат банкнинг харажатига олиб борилади.

Тижорат банкларида капиталнинг етарлилик даражасининг пасайиши ҳолатлари кузатилаётганлиги уларнинг ликвидлилиги ва тўлов қобилиятини таъминлаш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Шунингдек, амалга оширилган таҳлил натижаси шуни кўрсатдики, 2014-2018 йилларда Асакабанк томонидан регулятив капиталнинг етарлилигига ва биринчи даражали капиталнинг етарлилигига нисбатан белгиланган меъёрий талаблар бажарилган, ammo Асакабанк регулятив капиталнинг етарлилик даражаси 2018 йилда 2017 йилга нисбатан сезиларли даражада пасайган. Ушбу пасайиш регулятив капиталнинг ўсиш суръатини банк активларининг рискка тортилган суммасининг ўсиш суръатидан паст бўлганлиги билан изоҳланади ва банкнинг тўлов қобилиятини таъминлаш нуқтаи назаридан салбий ҳолат ҳисобланади. Бундан ташқари, Асакабанк биринчи даражали капиталнинг етарлилик даражаси 2018 йилда 2017 йилга нисбатан сезиларли даражада пасайган ва ушбу ҳолат Асакабанкнинг тўлов қобилиятини таъминлаш нуқтаи назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

Туронбанк регулятив капиталнинг ва биринчи даражали капиталнинг етарлилик даражаси 2018 йилда 2017 йилга нисбатан пасайганлиги Туронбанкнинг тўлов қобилиятини таъминлаш нуқтаи назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

Айниқса, тижорат банклари биринчи даражали капиталнинг етарлилик даражасининг пасайиши тижорат банкларининг тўлов қобилиятини таъминлаш нуқтаи назаридан салбий ҳолат ҳисобланади. Чунки тижорат банкларининг биринчи даражали капитали барқарор молиялаштириш манбаларидан ташкил топади ва банк оғир молиявий аҳволга тушиб қолганида, банкни ушбу оғир ҳолатдан олиб чиқиш имконини берадиган асосий манба ҳисобланади.

Эътироф этиш жоизки, республикамиз тижорат банкларининг иккинчи даражали капитал базаси жуда заифдир. Чунки тижорат банклари регулятив капиталнинг ҳажмида иккинчи даражали капиталнинг салмоғи жуда кичик (4-5%). Масалан, 2018 йилнинг 31 декабрь ҳолатига кўра, Туронбанк регулятив капитали ҳажмида иккинчи даражали капиталнинг салмоғи атиги 4,4 фоизни ташкил этди.

Шунингдек, 2014-2018 йилларда қўшилган капиталнинг Асакабанк регулятив капитали ҳажмидаги салмоғининг ниҳоятда паст даражада қолганлиги Асакабанкнинг акциялар инвестицион жозибадорлигини таъминлаш йўли билан маблағлар жалб қилиш амалиёти такомиллашмагани билан изоҳланади ва банкнинг қўшимча капитал базасининг заифлигини кўрсатади.

Тижорат банкларида захира капитали миқдорининг камайиши ва унинг регулятив капитал ҳажмидаги салмоғининг пасайиши уларнинг

тўлов қобилиятини таъминлаш нуқтаи назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

Амалга оширилган таҳлил натижалари Асакабанкда захира капиталининг миқдори 2018 йилда 2014 йилга нисбатан сезиларли даражада камайганлиги банкнинг тўлов қобилиятини таъминлаш нуқтаи назаридан салбий ҳолат эканлигини кўрсатди.

2014-2016 йилларда захира капиталининг Туронбанк регулятив капиталининг умумий ҳажмидаги салмоғининг ўсиш тенденцияси кузатилган, бироқ 2016-2018 йилларда ушбу кўрсаткичнинг пасайиш тенденцияси кузатилган.

Тижорат банкларининг ликвидлиги ва тўлов қобилиятини таъминлаш борасидаги долзарб муаммолардан яна бири банклар активлари ва капитали рентабеллиги кўрсаткичларининг нисбатан паст эканлиги ҳисобланади.

Маълумки, 2014-2018 йилларда Асакабанк активларининг рентабеллиги паст даражада бўлган. 2014-2017 йилларда эса банк активларининг рентабеллиги кўрсаткичи пасайиш тенденциясига эга бўлган ва 2018 йилда 2014 йилга нисбатан сезиларли даражада пасайган. Бундан ташқари, 2014-2017 йилларда Асакабанкда регулятив капиталнинг рентабеллиги кўрсаткичи пасайиш тенденциясига эга бўлган.

Шунингдек, 2014-2018 йилларда Туронбанк активларининг рентабеллиги паст даражада бўлган. Бундан ташқари, 2014-2017 йилларда банк активларининг рентабеллиги кўрсаткичининг пасайиш тенденцияси кузатилган ва ушбу кўрсаткичнинг даражаси 2018 йилда 2014 йилга нисбатан сезиларли даражада пасайган. 2014-2018 йилларда эса Туронбанкда регулятив капиталнинг рентабеллиги кўрсаткичи пасайиш тенденциясига эга бўлган.

Тижорат банклари активлари ва регулятив капитали рентабеллигининг паст даражада бўлиши банк акцияларининг инвестицион жозибдорлигини ошириш имконини бермайди. Чунки мазкур кўрсаткичлар тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини тавсифловчи асосий кўрсаткичлар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг ликвидлиги ва тўлов қобилиятини таъминлаш борасидаги долзарб муаммолардан яна бири – банклар томонидан соф барқарор молиялаштириш меъёри коэффициенти бўйича меъёрий талабларнинг бажарилмаётганидир. Бунинг сабаби, фикримизча, тижорат банкларида барқарор

молиялаштиришнинг мавжуд суммаси билан зарур суммаси ўртасидаги мутаносибликнинг мавжуд эмаслиги ҳисобланади.

4.1-жадвал

АТ “Асакабанк”да регулятив капитал, муддати 1 йил ва ундан ортиқ бўлган мажбуриятлар ҳамда муддати 1 йил ва ундан ортиқ бўлган активлар¹³⁵, (2018 йилнинг 31 декабрь ҳолатига)

№	Кўрсаткичлар	Сумма, (млрд. сўм)
1.	Регулятив капитал	3 168
2.	Муддати 1 йил ва ундан ортиқ бўлган депозитлар	2 917
3.	Муддати 1 йил ва ундан ортиқ бўлган активлар	21 802

4.1-жадвал маълумотларига кўра, Асакабанкнинг муддати бир йил ва ундан ортиқ бўлган активлари суммаси унинг регулятив капитали ҳамда муддати бир йил ва ундан ортиқ бўлган депозитлари йиғиндиси суммасидан сезиларли даражада каттадир. Бу эса, тижорат банкларида барқарор молиялаштиришнинг мавжуд суммаси билан зарур суммаси ўртасидаги мутаносибликнинг мавжуд эмаслигидан далолат беради.

Асакабанк кредитларининг асосий қисмини узоқ муддати кредитлар ташкил этади, унинг депозитлари асосий қисмини қисқа муддатли депозитлар ташкил этади.

2018 йилнинг 31 декабрь ҳолатига кўра, Асакабанк кредитларининг умумий ҳажмида узоқ муддатли кредитларнинг улуши 80,2 фоизни ташкил этди. Мазкур санада Асакабанк депозитларининг умумий ҳажмида қисқа муддатли депозитларнинг улуши 56,8 фоизни ташкил этди.

4.2-жадвал

АТ “Туронбанк”да регулятив капитал, муддати 1 йил ва ундан ортиқ бўлган мажбуриятлар ҳамда муддати 1 йил ва ундан ортиқ бўлган активлар¹³⁶, 2018 йилнинг 31 декабрь ҳолатига

№	Кўрсаткичлар	Сумма, млрд. сўм
1.	Регулятив капитал	892
2.	Муддати 1 йил ва ундан ортиқ бўлган депозитлар	269
3.	Муддати 1 йил ва ундан ортиқ бўлган активлар	1 738

¹³⁵ Асакабанкнинг баланс ҳисоботлари. www.asakabank.uz маълумотлари асосида тузилган.

¹³⁶ Туронбанкнинг баланс ҳисоботлари. www.turonbank.uz маълумотлари асосида тузилган.

4.2-жадвал маълумотларидан кўринадики, Туронбанкнинг муддати 1 йил ва ундан ортиқ бўлган активлари суммаси унинг регулятив капитали ҳамда муддати бир йил ва ундан ортиқ бўлган депозитлари йиғиндиси суммасидан сезиларли даражада юқоридир. Бу эса, тижорат банкларида барқарор молиялаштиришнинг мавжуд суммаси билан зарур суммаси ўртасидаги мутаносибликнинг мавжуд эмаслигидан далолат беради.

Туронбанк кредитларининг асосий қисмини узоқ муддатли кредитлар ташкил этади, унинг депозитларининг асосий қисмини қисқа муддатли депозитлар ташкил этади.


2018 йилнинг 31 декабрь ҳолатига кўра, Туронбанк кредитларининг умумий ҳажмида узоқ муддатли кредитларнинг улуши 70,8 фоизни ташкил этди. Мазкур санада Асакабанк депозитларининг умумий ҳажмида қисқа муддатли депозитларнинг улуши 77,1 фоизни ташкил этди.

Тижорат банкларида барқарор молиялаштиришнинг мавжуд суммаси билан зарур суммаси ўртасида мутаносибликнинг таъминланмаганлиги уларнинг ликвидлиги ва тўлов қобилиятига салбий таъсир кўрсатади. Натижада, тижорат банкларининг кредитлар ва қимматли қоғозларга қилинган инвестициялари ҳажмини ошириш имконияти чегараланиб қолади. Ҳолбуки, мамлакат иқтисодийтини трансформация қилиниши иқтисодийтнинг реал сектори корхоналарини техник ва технологик жиҳатдан қайта курулантириш заруриятини юзага келтирмоқда. Бу эса, ўз навбатида, тижорат банклари томонидан иқтисодийтнинг реал секторига бериладиган узоқ муддатли кредитлар ҳажмини ошириш заруриятини юзага келтиради.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг ликвидлиги ва тўлов қобилиятини таъминлаш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммолардан яна бири, регулятив капиталнинг ўсиш суръати билан активларнинг рискка тортилган суммасининг ўсиш суръати ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш муаммоси ҳисобланади.


4.1-расм маълумотларига кўра, Асакабанкда регулятив капиталнинг ўсиш суръати билан активларнинг рискка тортилган суммасининг ўсиш суръати ўртасида мутаносиблик таъминланмаган. Масалан, 2018 йилда Асакабанк регулятив капиталининг ўсиш суръати 2,7 фоизни ташкил этгани ҳолда активларнинг рискка тортилган суммасининг ўсиш суръати 20,8 фоизни ташкил этди. Ёки 2015 йилда регулятив капиталнинг ўсиш суръати 14,2 фоизни ташкил

этгани ҳолда активларнинг рискка тортилган суммасининг ўсиш суръати 47,9 фоизни ташкил этди.



4.1-расм. АТ “Асакабанк”да регулятив капитал суммаси ва активларнинг рискка тортилган суммасининг йиллик ўсиш суръатлари¹³⁷, фоизда

Активларнинг рискка тортилган суммаси ўсиш суръатининг регулятив капиталнинг ўсиш суръатидан юқори бўлиши тижорат банки тўлов қобилиятининг пасайишига олиб келади.



4.2-расм. АТ “Туронбанк”да регулятив капитал суммаси ва активларнинг рискка тортилган суммасининг йиллик ўсиш суръатлари¹³⁸, фоизда

¹³⁷ Асакабанкнинг баланс ҳисоботлари www.asakabank.uz маълумотлари асосида тузилган.

¹³⁸ Туронбанкнинг баланс ҳисоботлари www.turonbank.uz маълумотлари асосида тузилган.

4.2-расм маълумотларига кўра, 2016-2017 йилларда Туронбанкда регулятив капиталнинг ўсиш суръати билан активларнинг рискка тортилган суммасининг ўсиш суръати ўртасида мутаносиблик таъминланган. Яъни мазкур йилларда Туронбанкда регулятив капиталнинг ўсиш суръати активларнинг рискка тортилган суммасининг ўсиш суръатидан юқори бўлган.

4.2-расмда келтирилишича, 2018 йилда Туронбанкда регулятив капиталнинг ўсиш суръати билан активларнинг рискка тортилган суммасининг ўсиш суръати ўртасида мутаносиблик таъминланмаган. Чунки 2018 йилда активларнинг рискка тортилган суммасининг ўсиш суръати регулятив капиталнинг ўсиш суръатидан юқори бўлган.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти ривожланишининг замонавий босқичида иқтисодиётни пул маблағлари билан таъминланганлик даражасининг паст эканлиги ва инфляция даражасининг юқори эканлиги тижорат банкларининг ликвидлиги ва тўлов қобилиятига нисбатан салбий таъсирни юзага келтирмоқда.



4.3-расм. Ўзбекистон Республикасида инфляциянинг йиллик даражаси ва иқтисодиётнинг пул маблағлар билан таъминланганлик даражаси¹³⁹, фоизда

4.3-расм маълумотлари кўрсатишича, республикада инфляция даражаси юқори бўлиб, иқтисодиётнинг пул маблағлари билан таъминланганлиги паст даражада қолмоқда.

¹³⁹ www.cbu.uz сайти (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки) маълумотлари асосида тузилган.

Инфляция даражаси паст бўлган мамлакатларда пуллар таклифининг ўсиш суръати ва инфляция ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик мавжуд эмас, яъни корреляция коэффициенти нолга яқин. Бунинг сабаби, ривожланган молия бозорларига эга бўлган ва ҳукуматга ишонч даражаси юқори бўлган мамлакатларда паст инфляция шароитида пулнинг айланиш тезлигининг ўзгариши экзоген омиллар таъсирида юз беради. Демак, пуллар таклифи экзоген омиллар туфайли юзага келган пулларга бўлган талабнинг ўзгаришига мослашади. Марказий банк мустақиллик даражасининг юқори эканлиги ва пул агрегатларини мониторинг қилиш тизимининг ривожланганлиги пуллар таклифи ҳажмини назорат қилиш имконини беради. Шунинг учун пуллар таклифининг ўсиши пулларга бўлган талабнинг ўсишига нисбатан ўзига хос реакция ҳисобланади ва баҳоларнинг ўсишига олиб келмайди”¹⁴⁰.

Иқтисодиётнинг пул маблағлар билан таъминланганлик даражасининг паст эканлиги тижорат банкларининг ликвидлилиги ва тўлов қобилиятига нисбатан қуйидаги жиҳатлари билан салбий таъсир кўрсатади:

1. Иқтисодиётнинг пул маблағлари билан таъминланганлик даражасининг паст эканлиги иқтисодиётдаги тўловсизлик муаммосини ҳал қилиш имконини бермайди. Бунинг натижасида корхоналарнинг тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш имконияти чекланиб қолади.

2. Иқтисодиётнинг пул маблағлари билан таъминланганлик даражасининг паст бўлиши тижорат банклари томонидан берилган кредитларнинг қайтмаслик эҳтимолини оширади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг мажбурий захира талабномалари тижорат банкларининг ликвидлилиги ва тўлов қобилиятига нисбатан салбий таъсирни юзага келтирмоқда. Сабаби, биринчидан, тижорат банкларининг хорижий валютадаги депозитларига нисбатан мажбурий захира ставкаси юқори ўрнатилган (14%); иккинчидан, мажбурий захира ажратмалари суммаси тижорат банкларининг “Ностро” вакиллик ҳисобрақамидан олиб қўйилмоқда.

Тараққий этган мамлакатларда мажбурий захира талабномалари монетар сиёсат инструменти сифатида ўз аҳамиятини йўқотган. Аммо ривожланаётган мамлакатларда монетар сиёсат инструментларидан

¹⁴⁰ Bobakulov T.I., Abdullayev U.A., Isakov J.Ya. Monetar siyosat. – Toshkent: IQTISOD-MOLIYA, 2019. – B. 128-129.

фойдаланиш амалиётининг такомиллашмагани мажбурий захира сиёсати каби маъмурий мазмундаги инструментлардан фойдаланиш заруриятини юзага келтиради.

Ўзбекистонлик иктисодчи олимлар томонидан Марказий банк монетар сиёсатининг тижорат банклари ликвидлиги ва тўлов қобилиятини таъминлашдаги ролини ошириш билан боғлиқ бўлган муаммоларнинг мавжудлиги асослаб берилган. А.Исмаиловнинг хулосасига кўра, “Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси билан тижорат банклари томонидан сўмда берилган кредитлар фоиз ставкалари ўртасида бевосита алоқадорлик мавжуд эмас. Ҳолбуки, Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг ўзгариши натижасида тижорат банклари кредитлари фоиз ставкасининг мутаносиб равишда ўзгариши муҳим ҳисобланиб, мазкур алоқадорлик қайта молиялаш сиёсатининг самарадорлигини ифодалайди ва тижорат банклари кредитлари баҳосига таъсир этиш йўли билан пуллар таклифини ўзгартириш имконини беради”¹⁴¹.

Фикримизча, А.Исмаиловнинг юқоридаги хулосаси Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг ликвидлиги ва тўлов қобилиятини таъминлаш нуқтаи назаридан муҳим амалий аҳамият касб этади. Яъни, биринчидан, Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси тижорат банклари кредитларининг фоиз ставкалари даражасига таъсир этадиган асосий инструментга айланиши лозим; иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ҳозирга қадар дисконт сиёсатининг мавжуд эмаслиги унинг тижорат банклари кредитларининг фоиз ставкаларига таъсир этиш имкониятини чеклаб қўйган; учинчидан, тижорат банклари кредитлари фоиз ставкаларининг юқори эканлиги юридик ва жисмоний шахсларнинг тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш даражасини оширишга тўсқинлик қилмоқда (7-илова). 7-иловадан кўринадики, республикамиз тижорат банклари кредитларининг фоиз ставкаси сезиларли даражада юқоридир.

Ф.Аллаяровнинг хулосасига кўра, “мажбурий захира ставкаларининг депозитлар муддати ва суммасига боғлиқ равишда табақалаштирилмаслиги, пировард натижада, тижорат банклари депозит базасининг мустаҳкамлигига нисбатан салбий таъсирни юзага келтиради. Бу эса, ўз навбатида тижорат банклари кредит эмиссияси ҳажмини сезиларли даражада ошириш имконини

¹⁴¹ Исмаилов А.А. Ўзбекистон Республикаси пул тизимини мустаҳкамлашнинг назарий-услубий асосларини такомиллаштириш. Н.ф.д. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2016. - Б. 21.

бермайди. Натижада иктисодиёт реал сектори корхоналарининг банк кредитларига бўлган талабини қондириш, тижорат банклари кредит эмиссияси ҳажмини ошириш йўли билан монетизация коэффиценти даражасини ошириш, ипотека ва истеъмол кредитлаш амалиётларини такомиллаштириш йўли билан аҳолининг тўлов қобилиятини рағбатлантириш вазифаларини ҳал қилиш имконини бермайди”¹⁴².

Ф.Аллаяров ҳақли равишда эътироф этадики, мажбурий захира ставкаларининг депозитлар муддати ва суммасига боғлиқ равишда табақалаштирилмаслиги, пировард натижада, тижорат банклари депозит базасининг мустаҳкамлигига нисбатан салбий таъсирни юзага келтиради. Бунга қўшимча равишда айтиш мумкинки, мажбурий захира ажратмалари суммасини тижорат банкларининг “Ностро” вакиллик ҳисобрақамидан олиб қўйилиши банкларнинг ликвидлилигига нисбатан кучли салбий таъсирни юзага келтиради.

Мажбурий захира ажратмалари маъмурий мазмунга эга бўлиб, захира ставкаларининг юқори бўлиши ва шунингдек, уларни тижорат банкларининг “Ностро” вакиллик ҳисобрақамидан олиб қўйилиши банкларнинг ликвидлилиги ва тўлов қобилиятига салбий таъсир кўрсатади. Шу сабабли, тараққий этган давлатларда мажбурий захира сиёсатидан пул-кредит сиёсатининг инструменти сифатида фойдаланилмайди. Бу эса, пул-кредит сиёсатининг бошқа инструментларидан фойдаланиш амалиётининг такомиллашганлиги билан изоҳланади.

4.2-§. Тижорат банкларининг ликвидлилиги ва тўлов қобилиятини таъминлаш йўллари

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг ликвидлилиги ва тўлов қобилиятини таъминлаш билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал қилиш, фикримизча, қуйидаги тадбирларни амалга оширишни тақозо этади:

1. Тижорат банкларида ликвидлилик кўрсаткичларининг меъёрий даражасини таъминлаш мақсадида соф фонзли спрэд кўрсаткичининг меъёрий даражасини таъминлаш, трансакцион депозитларнинг брутто депозитлар таркибидаги салмоғини пасайтириш, яқин 30 кун ичида қайтариладиган активлар миқдорини яқин 30 кун ичида тўланадиган мажбурийлар миқдоридан кам бўлишига йўл қўймаслик лозим.

¹⁴² Аллаяров Ф.А. Пул муомаласини ташкил қилиш ва тартибга солиш амалиётини такомиллаштириш. И.ф.б. ф.д. дисс. автореф. – Тошкент, 2018. – Б.12.

Республикамиз тижорат банкларида соф фоизли спрэд кўрсаткичининг меъёрий даражаси таъминланмаганлиги куйидаги сабаблар билан изоҳланади:

– тижорат банклари депозитларининг умумий ҳажмида талаб қилиб олинadиган депозитлари салмоғининг юқори эканлиги;

– муддати ўтган кредитлар миқдорининг нисбатан катта эканлиги;

– яқин 30 кун ичида қайтарилadиган активлар миқдорини яқин 30 кун ичида тўланадиган мажбуриятлар миқдоридан кам эканлиги.

Халқаро банк амалиётида тижорат банклари талаб қилиб олинadиган депозитлардан ресурс сифатида фойдаланиш учун талаб қилиб олинadиган депозитни муддатли ёки жамғарма депозит ҳисобрақамига ўтказadi. Шу сабабли, талаб қилиб олинadиган депозит ҳисобрақамидаги пул маблағлари банкнинг “Ностро” вакиллик ҳисобрақамларининг қолдиғи сифатида туради. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари эса, талаб қилиб олинadиган депозитлардан, уларни муддатли ёки жамғарма депозит ҳисобрақамига олмасдан, ресурс сифатида фойдаланади. Бунинг натижасида, тижорат банкининг ликвидлиги ва тўлов қобилиятига нисбатан салбий таъсир юзага келади.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ёзилаётган пайтда, яъни 1994 йилда, республикамиз тижорат банкларида ресурс масаласи жуда оғир эди. Ҳатто, бу вақтда икки поғонали банк тизимини шакллантириш жараёни ниҳоясига етмаган эди. Шу сабабли, тижорат банкларига талаб қилиб олинadиган ресурслардан, уларни муддатли ёки жамғарма депозит ҳисобрақамига олмасдан ресурс сифатида фойдаланишга рухсат берилди. Аммо орадан йиллар ўтди ва бу йиллар мобайнида тижорат банкларида ресурс база шаклланди. Аммо Марказий банк тижорат банкларига талаб қилиб олинadиган депозитлардан тўғридан-тўғри ресурс сифатида фойдаланишни тақиқламади. Натижада, тижорат банклари арзон ресурс сифатида талаб қилиб олинadиган депозитлардан фойдаланишга ўрганиб қолди.

Тижорат банкларида муддати ўтган кредитлар миқдорининг нисбатан катта эканлиги уларнинг ликвидлиги ва тўлов қобилиятига нисбатан салбий таъсирни юзага келтиради. Яъни биринчидан, муддати ўтган кредитлар миқдорининг катта эканлиги банкларнинг миллий валютадаги ва хорижий валюталардаги “Ностро” вакиллик ҳисобрақамлари қолдиқлари барқарорлигини

таъминлаш имконини бермайди (кредитларнинг берилиши натижасида банкларнинг “Ностро” вакиллик ҳисобрақамлар қолдигининг камайишига олиб келади, чунки кредитларнинг асосий қисми банкларнинг “Ностро” вакиллик ҳисобрақамларини кредитлаш орқали чиқарилади); иккинчидан, кредитларнинг асосий қисми мижозлардан жалб қилинган ресурслар ҳисобидан берилган. Бу эса, кредитларнинг қайтмаслиги натижасида мижозларнинг маблағларини қайтаришда қийинчиликларни юзага келтиради.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тижорат банклари жорий ликвидлигини баҳолаш методикасига кўра, банкларнинг жорий ликвидлигини таъминлашда яқин 30 кун ичида қайтариладиган активлар миқдори билан яқин 30 кун ичида тўланадиган мажбуриятлар миқдори ўртасидаги нисбат кўрсаткичи муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли, биз яқин 30 кун ичида қайтариладиган активлар миқдори билан яқин 30 кун ичида тўланадиган мажбуриятлар миқдори ўртасидаги мутаносибликни таъминлашни тижорат банкларининг ликвидлилик кўрсаткичининг меъёрий даражасини таъминлашнинг зарурий шартларидан бири сифатида эътироф этдик.

Эътироф этиш жоизки, республикамиз тижорат банклари томонидан лаҳзали ликвидлилик коэффиценти бўйича Марказий банк томонидан ўрнатилган меъёрий талабни (0,10) бажаришда банкларнинг миллий валютадаги “Ностро” вакиллик ҳисобрақамидаги пул маблағлари қолдигининг барқарорлигини таъминлаш муҳим ўрин тутди. Бунинг учун, лаҳзали ликвидлилик коэффицентини аниқлашнинг амалдаги методикасига кўра, ушбу коэффицент банкнинг кассаларидаги нақд пуллар ва “Ностро” вакиллик ҳисобрақамидаги пул маблағларининг талаб қилиб олинган депозитларга нисбати шаклида аниқланади. Бунда, лаҳзали ликвидлилик коэффиценти бўйича меъёрий талабни бажариш нуктаи назаридан, тижорат банкларининг кассаларидаги нақд пулларга таяниш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки, биринчидан, пластик карталарга асосланган тўлов амалиётининг тобора такомиллашиб бораётганлиги нақд пулларга бўлган талабнинг камайишига олиб келмоқда; иккинчидан, кассадаги нақд пуллар тижорат банклари учун даромад келтирмайдиган актив бўлганлиги сабабли, банклар активларнинг даромадлигини таъминлаш нуктаи назаридан нақд пулларни катта миқдорда сақлаб туришдан манфаатдор эмаслар; учинчидан, нақд пулларни сақлаш, ташиш маълум миқдордаги

харажатларни молиялаштиришни талаб қилади. Шу сабабли, фикримизча, лаҳзали ликвидлилик коэффиценти бўйича меъерий талабни бажаришнинг зарурий шarti сифатида тижорат банкларининг миллий валютадаги “Ностро” вакиллик ҳисобрақамидagi пул маблағлари колдигининг барқарорлигини олиш керак.

2. Тижорат банкларида соф барқарор молиялаштириш кўрсаткичининг меъерий даражасини таъминлаш мақсадида трансформация рискига барҳам бериш, тақсимланмаган фойда ҳисобидан регулятив капитал миқдорини ошириш, банк қимматли қоғозларининг инвестицион жозибадорлигини ошириш йўли билан муддати бир йилдан ортиқ муддатдаги мажбуриятлар миқдорини ошириш зарур.

Тадқиқот натижалари шунини кўрсатдики, республикамиз тижорат банкларида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банкларига нисбатан ўрнатилган соф барқарор молиялаштириш меъери бўйича меъерий талабни бажармаслик ҳолатлари мавжуд.

Тижорат банклари томонидан Марказий банкнинг соф барқарор молиялаштириш меъери бўйича меъерий талабини бажариш учун, аввало, банклар фаолиятидаги трансформация рискига барҳам бериш керак. Республикамиз тижорат банкларида кредитларнинг муддати жалб қилинган ресурсларнинг муддатидан катта бўлгани сабабли трансформация rischi юзага келган ва йиллар давомида ушбу риск чуқурлашиб кетган. Шу сабабли, биз банклар фаолиятидаги трансформация рискига барҳам беришни соф барқарор молиялаштириш меъери бўйича меъерий талабини бажаришнинг зарурий шартларидан бири сифатида эътироф этдик.

Республикамиз тижорат банкларининг регулятив капитали таркибида тақсимланмаган фойда нисбатан кичик салмоқни эгаллайди. Ҳолбуки, тақсимланмаган фойда тижорат банклари фаолиятини молиялаштиришнинг барқарорлик даражаси юқори бўлган манбаи сифатида тараққий этган мамлакатлар тижорат банкларининг регулятив капитали ҳажмида юқори салмоқни эгаллайди.

Фикримизча, тақсимланмаган фойданинг регулятив капитал таркибидаги салмоғини ошириш, биринчидан, регулятив капитал миқдорининг ошишига олиб келади. Бу эса, барқарор молиялаштиришнинг мавжуд миқдорининг кўпайишига олиб келади. Иккинчидан, тақсимланмаган фойда миқдорининг ошиши тижорат

банкларининг биринчи даражали капитали миқдорининг кўпайишига таъсир этади. Натижада, тижорат банкининг актив операциялари ҳажмини ошириш имкони юзага келади. Чунки Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари фаолиятига нисбатан ўрнатилган пруденциал меъёрларнинг мутлак асосий қисми, яъни 90 фоизга яқин қисми тижорат банкларининг биринчи даражали капиталига нисбатан ўрнатилган.

Биз ушбу таклифимизда тижорат банклари томонидан муомалага чиқариладиган қимматли қоғозларнинг инвестицион жозибаторлигини таъминлашни соф барқарор молиялаштириш меъёри коэффиценти бўйича ўрнатилган меъёрни бажаришнинг зарурий шартларидан бири сифатида эътироф этдик. Ушбу эътирофимиз қуйидаги далилларга таянади:

– тижорат банклари акцияларининг инвестицион жозибаторлигини таъминлаш уларнинг бозор баҳоси ошишига олиб келади ва бунинг натижасида эмиссион даромад миқдори ортади (эмиссион даромад тижорат банклари биринчи даражали капиталининг элементи ҳисобланади);

– тижорат банклари қимматли қоғозларининг инвестицион жозибаторлигини таъминлаш уларнинг бир йилдан ортиқ муддатга чиқарилган қимматли қоғозларини (облигациялар, депозит ва жамғарма сертификатлари) сотиш орқали узок муддатли мажбуриятлар ҳажмини ошириш имконини беради.

Бирок, тадқиқотимизнинг 4.1-параграфида эътироф этганимиздек, тижорат банклари томонидан миллий валютада чиқарилган қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларнинг қийматини инфляция ва девальвация таъсирида пасайиши эҳтимоли юқори. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Марказий банки томонидан инфляциянинг паст ва барқарор даражасини таъминлаш тижорат банклари қимматли қоғозларининг инвестицион жозибаторлигини таъминлаш нуқтаи назаридан муҳим амалий аҳамият касб этади.

3. Трансакцион депозитларнинг фақат барқарор қолдиғидан ресурс сифатида фойдаланиш, соф фоизли маржа кўрсаткичининг меъёрий даражасини таъминлаш, активлар ва мажбуриятларни миқдор ва муддат жиҳатдан мутаносиблиги бузилишига йўл қўймаслик, брутто активларнинг ўсиш суръатини активларнинг рискка тортилган суммасининг ўсиш суръатидан юқори бўлишини

таъминлаш йўли билан тижорат банкларининг тўлов қобилиятини ошириш лозим.

Республикамиз тижорат банклари трансакцион депозитлардан ресурс сифатида фойдаланишмоқда. Натижада, тижорат банкларининг ликвидлилигига нисбатан салбий таъсир юзага келмоқда. Шунинг учун биз трансакцион депозитларининг фақат барқарор қолдиғидан ресурс сифатида фойдаланишни таклиф қилаёпмиз.

Тижорат банклари трансакцион депозитларининг фақат барқарор қолдиғидан ресурс сифатида фойдаланса, у ҳолда, трансакцион депозитлардан ресурс сифатида фойдаланиш уларнинг ликвидлилигига салбий таъсир кўрсатмайди.

Халқаро банк амалиётида трансакцион депозитларнинг барқарор қолдиғини (ТДБК) аниқлашда қуйидаги методикадан кенг фойдаланилади¹⁴³:

$$\text{ТДБК} = \frac{\text{трансакцион депозитларнинг ўртача миқдори}}{\text{трансакцион депозит ҳисобрақамлари бўйича кредитли оборот}}$$

Тижорат банклари активлари ва мажбуриятлари ўртасидаги миқдор ва муддат жиҳатидан мутаносибликни таъминлаш тижорат банкларининг тўлов қобилиятини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Республикамиз тижорат банкларида активлар ва мажбуриятларни миқдор ва муддат жиҳатдан мутаносиблигининг бузилишига йўл қўйилган. Натижада тижорат банкларининг тўлов қобилиятига нисбатан салбий таъсир юзага келган.

Таъкидлаш жоизки, тижорат банкларининг активлар ва мажбуриятлари ўртасидаги миқдор ва муддат жиҳатдан мутаносибликнинг бузилишида тижорат банклари давлат дастурларини молиялаштиришга жалб қилиниб, қисқа муддатли ресурслардан узок муддатли кредитлар беришга мажбур қилинганлиг катта роль ўйнаган.

Фикримизча, брутто активлар ўсиш суръатининг активларнинг рискка тортилган суммасининг ўсиш суръатидан юқори бўлишини таъминлаш республикамиз тижорат банкларининг тўлов қобилиятини таъминлашнинг зарурий шартларидан бири ҳисобланади.

Республикамиз тижорат банкларида активларнинг рискка тортилган суммасининг юқори ўсиш суръатлари кузатилмоқда. Бу

¹⁴³ Банковское дело: учебник. Под ред. О.И. Лаврушина. - М.: КНОРУС, 2016. - С. 219.

эса, тижорат банкларининг тўлов қобилиятига нисбатан салбий таъсир кўрсатади. Ушбу юкори ўсиш суръати кредитларнинг юкори ўсиш суръати ҳисобидан таъминланмоқда. Фикримизни Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий статистик маълумотлари ҳам тасдиқлайди, тижорат банклари активларининг асосий қисмини ташкил этувчи кредит қўйилмалари ҳажми 2018 йил давомида 51,4 фоизга ёки 57 трлн. сўмга ошиб, 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра 167,4 трлн. сўмни, ЯИМдаги улуши эса 41 фоизни ташкил қилди. Кредит қўйилмаларининг (нетто) жами активлар таркибидаги улуши эса 65,1 фоиздан 76,8 фоизгача ошди¹⁴⁴.

Брутто активлар ўсиш суръатининг активларнинг риска тортилган суммасининг ўсиш суръатидан паст бўлмаслигини таъминлаш тижорат банклари ликвидли активларининг барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш имконини беради.

Қайд этиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси банк тизими ривожланишининг замонавий босқичида қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларнинг юкори ўсиш суръати тижорат банкларининг тўлов қобилиятига нисбатан салбий таъсирни юзага келтирмайди. Чунки қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар тижорат банклари активларининг умумий ҳажмида жуда кичик салмоқни эгаллайди (01.01.2019й. ҳолатига 1,1%).

4. Тижорат банклари ликвидлигини тартибга солишнинг марказлашган усулларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида юридик ва жисмоний шахсларнинг депозитлари бўйича мажбурий захира меъёрларини унификация қилиш, захира ажратмаларини фақат миллий валютада шакллантиришни жорий қилиш, монетар олтинни сотиб олиш операцияларини тижорат банкларининг ликвидлигига таъсирини кучайтириш керак.

Марказий банкнинг мажбурий захира ставкаларининг унификация қилиниши, биринчидан, уни ҳисоблашни осонлаштиради. Иккинчидан, ҳар бир валюта тури бўйича захира ставкаларининг унификация қилиниши мажбурий захира талабномаларининг тижорат банклари фаолияти таъсирини баҳолаш аниқлигини оширади.

Шунингдек, мажбурий захира ажратмаларини фақат миллий валютада шакллантириш тижорат банкларининг хорижий валюталардаги “Ностро” вакиллик ҳисобрақамларидаги пул

¹⁴⁴ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2018 йилдаги фаолияти тўғрисида ҳисобот. - Тошкент, 2019. - Б. 33.

маблаглари қолдигининг барқарорлигига нисбатан салбий таъсирни юзага келтирмайди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Марказий банкнинг мажбурий захира талабларининг унификация қилинганлиги барча тижорат банкларининг ликвидлилигига бир хил таъсир кўрсатади ва пул массасига нисбатан кучли таъсирни юзага келтиради. Аммо мазкур инструментнинг жиддий камчиликлари ҳам борлигини унутмаслик керак.

Фикримизча, Марказий банкнинг мажбурий захира талаблари қуйидаги камчиликларга эга:

– мажбурий захира ставкаларининг юқори бўлиши ва мажбурий захира ажратмалари суммаси банкларнинг “Ностро” вакиллик хисобрақамидан олиб қўйилиши тижорат банкларининг ликвидлилигига нисбатан кучли салбий таъсирни юзага келтиради;

– мажбурий захира талаблари тижорат банклари депозитлари ва кредитларининг фоиз ставкаларига сезиларли даражада таъсир кўрсатади ва ушбу фоиз ставкаларининг ошиб кетишига ҳам олиб келиши мумкин;

– мажбурий захира ажратмалари суммаси тижорат банклари учун даромад келтирмайдиган актив ҳисобланади. Чунки марказий банклар мажбурий захира ажратмалари суммасига фоиз тўламайди.

Таъкидлаш жоизки, мажбурий захира сиёсати Ўзбекистон Республикаси Марказий банки пул-кредит сиёсатининг асосий инструментларидан бири ҳисобланади. Бу эса, пул-кредит сиёсатининг бошқа инструментларидан фойдаланиш амалиётининг такомиллашмаганлиги билан изоҳланади.

Фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки пул-кредит сиёсатининг инструментларидан фойдаланиш амалиётининг такомиллашмаганлиги қуйидагиларда намоён бўлади:

– Марказий банкнинг дисконт кредитлари мавжуд эмас;
– Марказий банкнинг ломбард кредитлари мавжуд эмас;
– Марказий банкнинг очиқ бозор операциялари ривожланмаган;
– тижорат банкларининг хорижий валютадаги депозитларига нисбатан ўрнатилган мажбурий захира ставкаси юқори (4.4-расм).

Қуйида 4.4-расм маълумотларидан кўринадик, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банкларининг хорижий валютадаги депозитларига нисбатан ўрнатилган мажбурий захира ставкаси даражаси юқоридир.



4.4-расм. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг тижорат банклари депозитларига нисбатан ўрнатилган мажбурий захира ставкалари¹⁴⁵

Ўзбекистон Республикаси дунёда олтин казиб чиқарувчи етакчи давлатлардан бири ҳисобланади. Бу эса, мамлакат Марказий банкнинг олтин билан амалга ошириладиган монетар операциялари ҳажмини ошириш имконини беради.

Республикамизда марказлашган экспортдан олинган валюта тушумлари, шу жумладан, олтинни сотишдан олинган валюта тушумлари тўлиқ Марказий банк томонидан сотиб олинади. Бу эса Марказий банкнинг хорижий валюталардаги захиралари миқдорини ошириш имконини беради. Шунингдек, Марказий банк хорижий валюталардаги захираларини хорижий марказий банкларга депозит сифатида жойлаштириш ва хорижий валюталардаги захиралар бир қисмини юқори ликвидли қимматли қоғозларга инвестиция қилиш орқали даромадлари миқдорини ошириши мумкин. Одатда, марказий банклар хорижий валютадаги захираларини АҚШ ҳукуматининг облигацияларига инвестиция қилиш амалиётини кенг қўллашади.

5. Марказий банкнинг қайта молиялаш сиёсатини тижорат банкларининг ликвидлигини таъминлашдаги ролини ошириш мақсадида Марказий банк томонидан тижорат банкларига хорижий валюталарни гаровга олиш асосида бериладиган қисқа муддатли қайта молиялаш кредитларини аукцион тарзида тақдим этиш, тижорат банкларининг миллий валютадаги “Ностро” вакиллик ҳисобрақамларидаги пул маблағларини Марказий банкнинг қисқа муддатли депозит ҳисобрақамларига қатъий белгиланган ставкада аукцион тарзида жалб қилиш керак.

¹⁴⁵ www.cbu.uz (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки) маълумотлари асосида тузилган.

Фикримизча, Марказий банк томонидан тижорат банкларига хорижий валюталарни гаровга олиш асосида бериладиган қисқа муддатли қайта молиялаш кредитларини аукцион тарзда тақдим этиш тижорат банкларининг ликвидлилигини таъминлашда муҳим ўрин тутди. Яъни, биринчидан, тижорат банклари хорижий валютадаги маблағларини гаровга қўйган ҳолда, миллий валютадаги “Ностро” вакиллик ҳисобрақамининг қолдиғи миқдорини ошириш имконияга эга бўлади; иккинчидан, Марказий банкнинг валюта интервенциясини ўтказиш имконияти ошади.

Айниқса, ҳозирги даврда Марказий банкнинг қисқа муддатли кредитларининг банкларнинг ликвидлилигини таъминлашдаги аҳамияти катта. Чунки республикаимизнинг йирик тижорат банкларида баланслашмаган ликвидлилиқ муаммоси мавжуд. Тижорат банклари эса, юқори ликвидли қимматли қоғозларга қилинадиган инвестициялар ҳажмини ошириш орқали баланслашмаган ликвидлилиқ муаммосини ҳал қилиш имкониятига эга эмас. Чунки юқори ликвидли қимматли қоғозларнинг эмиссия ҳажми нисбатан кичик.

Миллий валютадаги “Ностро” вакиллик ҳисобрақамида бўш пул маблағлари бўлган тижорат банклари учун Марказий банкнинг муддатли депозит ҳисобрақамлари ишончли инвестициялаш объекти ҳисобланади. Чунки Марказий банк тўловга қобиллик даражаси юқори бўлган субъектдир.

Ўз навбатида, Марказий банк учун тижорат банкларининг “Ностро” вакиллик ҳисобрақамларида турган вақтинчалиқ бўш пул маблағларини ўзининг муддатли депозит ҳисобрақамига жалб этиш, пуллар таклифини тартибга солиш нуктаи назаридан муҳим амалий аҳамият касб этади.

Тараққий этган мамлакатлар амалиётидан фарқли ўларок, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банкларини кредитлашнинг барча усулларидан фойдалана олмайди. Бу эса, қуйидаги сабаблар билан изоҳланади:

– тижорат векселлари муомаласи мавжуд бўлмаганлиги сабабли мамлакат Марказий банки тижорат банкларига дисконт кредитлари бера олмайди (республикаимизда тижорат векселлари муомаласи 1997 йилда тўхтатилган);

– ҳукумат қимматли қоғозларининг эмиссия ҳажми кичик (бу эса, Марказий банкнинг ломбард кредитлари ҳажмини ошириш имконини бермайди).

Тараққий этган мамлакатларда ҳукуматнинг қимматли қоғозлари юқори ликвидли актив сифатида тижорат банкларининг ликвидлилигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Бу эса, куйидаги сабаблар билан изоҳланади:

- ҳукуматнинг қимматли қоғозларига қилинган инвестицияларда тижорат банкларининг ликвидлилигини баҳолаш инobatга олинади;
- тижорат банкларининг ҳукуматнинг қимматли қоғозларига қилган инвестицияларидан олган даромадлари солиққа тортилмайди;
- ҳукумат қимматли қоғозларининг эмиссия ҳажмини ошириш (бу эса, тижорат банкларининг ҳукуматнинг қимматли қоғозларига қилинган инвестициялари ҳажмини ошириш имконини беради);
- Марказий банк ҳукуматнинг қимматли қоғозлари билан РЕПО операцияларини амалга ошириш йўли орқали тижорат банкларининг ликвидлилигига таъсир кўрсатади.

Тижорат банкларининг миллий валютадаги “Ностро” вакиллик ҳисобрақамларида пул маблағлари тўпланиб қолганда, одатда, Марказий банк тўғри РЕПОни қўллайди. Яъни Марказий банк қимматли қоғозларни тижорат банкларига, қайтариб сотиб олиш йўли билан сотади. Натижада тижорат банкларининг миллий валютадаги “Ностро” вакиллик ҳисобрақамларидаги пул маблағларини муомалага чиқишининг олди олинади. Бу эса, пуллар таклифини тартибга солиш нуктаи назаридан муҳим аҳамият касб этади.

Агар тижорат банкларида баланслашмаган ликвидлилик муаммоси юзага келса, у ҳолда, Марказий банк тескари РЕПОни қўллайди. Яъни Марказий банк қимматли қоғозларни тижорат банкларидан, қайтариб сотиш шарти билан, сотиб олади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қимматли қоғозларининг инвестицион жозибадорлигини таъминлашга инфляция даражаси ва миллий валютанинг қадрсизланиш суръатининг юқори эканлиги тўсқинлик қилмоқда. Шу сабабли, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида миллий валютанинг барқарорлиги ва нархлар барқарорлигини таъминлаш макроиқтисодий ўсиш суръатларининг барқарорлигини таъминлашнинг зарурий шартларидан бири сифатида эътироф этилган. Бу бежизга эмас. Чунки республикада инфляция даражаси ва миллий валютанинг қадрсизланиш суръатининг юқори эканлиги миллий иқтисодиётнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Хусусан, инфляция даражасининг юқори эканлиги

хўжалик юритувчи субъектларда таннархнинг маҳсулотларни сотишдан олинган ялпи тушум ҳажмидаги салмоғининг ортишига, миллий валютанинг кадрсизланиш суръатининг юқори эканлиги, импортнинг кимматлашишига олиб келмоқда. Шу сабабли, инфляциянинг паст ва барқарор даражасини таъминлаш, миллий валютанинг кадрсизланишига барҳам бериш, мамлакат иктисодиётини, шу жумладан, банк тизимини ривожлантириш нуктаи назаридан муҳим аҳамият касб этади.

4.3-§. Тижорат банкларининг ликвидлиги ва тўлов қобилиятини тавсифловчи индикаторларнинг прогноз кўрсаткичлари

Ушбу эмпирик ишнинг мақсади банклар ликвидлигига таъсир этувчи асосий омилларни аниқлаш ва уларни таҳлил қилишдан иборат. Эконометрик таҳлил натижалари бизга тижорат банкларининг ликвидлиги ва тўлов қобилиятини тавсифловчи муҳим кўрсаткичларнинг ўрта муддатли даврий ораликқа мўлжалланган прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқиш имконини беради.

Статистик маълумотлар ва методология

Ушбу парагарафда банк ликвидлигига таъсир этувчи ички омиллар таҳлил этилди ва эконометрик баҳоланди. Ликвидликни ифодалаш учун куйидаги уч ўзгарувчидан фойдаланилди:

$$LIQ1 = \frac{\text{Ликвид активлар}}{\text{Активлар}} \quad (1)$$

$$LIQ2 = \frac{\text{Кредитлар}}{\text{Активлар}} \quad (2)$$

$$LIQ3 = \frac{\text{Кредитлар}}{\text{Депозитлар}} \quad (3)$$

Ликвидликка таъсир этувчи мустақил ўзгарувчилар сифатида куйидаги ички омиллар танланди.

Изоҳловчи ўзгарувчилар ва улар бўйича гипотеза

Мустақил ўзгарувчилар	Ҳисоблаш	Гипотеза
Капитал етарлиги (Z- score)	$\frac{\text{Капитал/Активлар}}{\sigma(ROA)} + ROA$	+
Активлар сифати (МК)	Муаммоли кредитлар/Активлар	–
Мажбуриятлар нархи (FC)	Фонзли харажатлар/Мажбуриятлар	–
ROA	Соф фойда(зарар)/Активлар	–
ROE	Соф фойда(зарар)/Капитал	–

Статистик маълумотлар тижорат банклари баланс ҳисоботлари асосида тузилган. Статистик маълумотлар чораклик ҳисоботлар асосида тузилган ҳамда 2008 йилнинг 4-чорагидан 2018 йилнинг 3-чорагигача бўлган даврни ўз ичига қамраб олади. Юқоридаги формулалар асосида ҳисобланган тобе ҳамда мустақил ўзгарувчиларнинг тасвирий статистикаси қуйидаги жадвалда келтирилган.

4.4-жадвал

Ўзгарувчиларнинг тасвирий статистикаси

	LIQ1	LIQ2	LIQ3	FC	МК	ZSCORE	ROA	ROE
Ўртача	0.297	0.584	1.332	6.710	0.021	10895.96	0.008	0.072
Медиан	0.299	0.577	1.217	6.910	0.020	10424.85	0.008	0.073
Максимум	0.365	0.747	2.246	8.170	0.074	13973.06	0.015	0.128
Минимум	0.197	0.490	1.004	5.028	0.004	9210.90	0.003	0.023
Стр.Чет.	0.039	0.066	0.302	0.892	0.016	1176.54	0.003	0.030
Кузатувлар	40	40	40	40	40	40	40	40

Барча ўзгарувчилар бўйича кузатувлар сони 40 та бўлиб, юқоридаги жадвалда уларнинг таҳлил давридаги ўртачаси, медианаси, максимум, минимум ҳамда стандарт четланиши келтирилган. Ликвидлик кўрсаткичлари стандарт девиацияси таҳлиliga эътибор қаратадиган бўлсак, ликвид активларнинг умумий активлардаги улуши бошқа ликвидлик кўрсаткичларига қараганда камроқ тебранишга эга бўлганлигини кўриш мумкин. Бу ўз навбатида таҳлил даврида ликвид активлар улуши сезиларли ўзгаришга учрамаганлигини англатади.

Ликвидликнинг иккинчи кўрсаткичи – кредитларнинг умумий активлардаги улуши ҳам таҳлил даврида йирик тебранишларга эга эмаслигини стандарт четланиш натижасидан кўриш мумкин. Учинчи ликвидлик кўрсаткичи – кредитларнинг депозитларга улуши стандарт четланишидан кўриш мумкинки, ушбу кўрсаткич йирикрок тебранишга эга. Бунинг изоҳи сифатида депозитлар жалб қилиш ва


кредитлар ажратиш мутаносиб тарзда ўсмаганини келтириш мумкин. Мажбуриятлар нархи таҳлил давридаги тебраниши йирик бўлиб, бу, ўз навбатида, айрим даврларда банклар ресурсларни қимматроқ жалб қилганини англатади. Бунинг исботини кўрсаткичнинг минимум ва максимум қиймати орасидаги 62.5% лик фарқдан ҳам кўриш мумкин.

Активлар сифати таҳлилидан кўриш мумкинки, уларнинг умумий кредитлардаги улуши паст даражада бўлса ҳам унинг стандарт четланиши таҳлил даврида йирик эканлигини кўриш мумкин. Бундан активлар сифати барқарор эмаслигини хулоса қилиш мумкин. Исбот сифатида минимум ва максимум қиймат орасидаги фарқнинг 18,5 баробарга ўзгарганини келтириш мумкин. Капитал етарлилиги кўрсаткичининг тасвирий статистикаси таҳлилидан кўриш мумкинки, ушбу ўзгарувчи кескин ўзгаришларга эга эмас ва барқарор ҳолатда.


Ўз навбатида, капиталнинг етарлилиги кўрсаткичларининг барқарорлиги тижорат банкларининг тўлов қобилиятини таъминлашда муҳим ўрин тутди.

ROA ва ROE кўрсаткичлари таҳлил даврида йирик стандарт четланишга эга бўлиб, сабаби банклар турлича даражадаги фойда ва зарарларга эга бўлганлиги билан боғлиқдир. Минимум, максимум ва ўртачалар орасидаги йирик фарқлар ҳам ушбу кўрсаткичларнинг йирик тебранишларга эга бўлганлигини кўрсатиб турибди. Юқоридаги кўрсаткичлар график тарзда қуйидаги расмларда келтирилди.


Ликвидлилик (1)




Ликвидлилик (2)



Ликвидлилик (3)




Мажбуриятлар нархи



4.5-расм. Ликвидлилик ва мажбуриятлар нархи

4.5-расмдан ҳар учала ликвидлилик кўрсаткичлари 2008-2013 йилларда нисбатан барқарор бўлганлигини ва ундан кейинги даврларда йирик ўзгаришлар юз берганлигини кўриш мумкин. Шунингдек, кредитларнинг умумий активлардаги улуши 2017 йилдаги тахминан ўртача 66%дан таҳлил даврининг охирига келиб 76%га яқинлашганлигини кўриш мумкин. Ликвид активларнинг умумий активлардаги улуши таҳлил даври бошида 36 фоиз бўлгани ҳолда таҳлил даври охирига келиб, 20 фоизга яқинлашганлигини кўриш мумкин. Кредитларнинг депозитларга нисбати 2 баробардан ортиқроққа ортиб кетганлигини кўриш мумкин. Мажбуриятлар нархида ҳам ўсиш кузатилганини кўриш мумкин.



4.6-расм Капитал етарлилиги, активларнинг рентабеллиги (ROA), капиталнинг рентабеллиги (ROE) ва активлар сифати

Капитал етарлилиги 2008-2012 йилгача бўлган даврда пасайиш трендига эга бўлиб, 2012 йилдан 2017 йилгача нисбатан барқарор ҳолатда бўлганлигини кўриш мумкин. Ушбу даврдан кейин капитал етарлилиги ошганлигини кўриш мумкин. ROA ва ROE кўрсаткичларининг вариацияси юқори даражада эканлигини юқоридаги расмдан ҳам кўриш мумкин. Активлар сифати 2008 йилдан 2012 йилгача бўлган даврда кучли волатилликка эга

бўлганлигини, 2012 йилдан кейин эса активлар сифати яхшиланганини кўриш мумкин. Шунингдек, 2016 йилнинг охирига келиб, активлар сифати сезиларли даражада яхшиланган.

Ўз навбатида, тижорат банклари активларининг ва капиталининг рентабеллиги бевосита соф фойданинг миқдорига боғлиқ. Соф фойданинг миқдори эса, бевосита соф фоизли даромаднинг миқдорига боғлиқ. Шу сабабли, тижорат банкларида активлар ва капиталнинг рентабеллиги кўрсаткичларининг барқарорлигини таъминлаш учун соф фоизли даромаднинг барқарорлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

4.5-жадвал

Ўзгарувчиларнинг корреляция матрицаси

	LIQ1	LIQ2	LIQ3	FC	MK	Z-SCORE	ROA	ROE
LIQ1	1.000							
LIQ2	-0.882	1.000						
LIQ3	-0.837	0.938	1.000					
FC	-0.524	0.658	0.432	1.000				
MK	0.248	-0.536	-0.515	-0.524	1.000			
Z-SCORE	0.371	-0.498	-0.304	-0.700	0.435	1.000		
ROA	0.0254	0.015	-0.058	0.112	0.088	0.075	1.000	
ROE	-0.072	0.146	0.025	0.297	-0.029	-0.187	0.958	1.000

Юқоридаги жадвалда ўзгарувчиларнинг корреляция матрицаси келтирилган бўлиб, унинг таҳлилидан кўриш мумкинки, муस्ताкил ўзгарувчиларнинг, ROA ва ROЕдан ташқари, ўзаро корреляцияси юқори даражада эмас. Бу, ўз навбатида, муस्ताкил ўзгарувчилар ўртасида мультиколлинеарлик муаммоси бўлмаслигини кўрсатади. Шунингдек, эмпирик моделга ROA ва ROЕни бир вақтда киритишда ва натижаларни изохлашда эҳтиёткор бўлишни тақозо этади.

Эмпирик модель

Ликвидлилик билан боғлиқ кўплаб эмпирик адабиётлардан келиб чиққан ҳолда ўзгарувчиларнинг ўзаро боғлиқлигини ўрганиш учун қуйидаги кўп омилли авторегрессион моделдан фойдаланилди:

$$Y_t^i = \alpha + \sum_{j=0}^{J=\{1,2\}} \rho_j Y_{t-j}^i + \beta_1 X_t^1 + \dots + \beta_n X_t^n + \varepsilon_t$$

Бунда: Y_t^i – ликвидлиликнинг $i = \{1,2,3\}$ турини t даврдаги миқдорини билдиради. $\{\beta_1, \dots, \beta_n\}$ – моделдаги муस्ताкил

Ўзгарувчилар коэффициентини ифодалайди. $\{X_t^1, \dots, X_t^n\}$ – турли мустақил ўзгарувчиларни ифодалаш учун қўлланилган. ε_t – статистик хатоликни ифодалайди.

Эмпирик модель натижалари

Эконометрик моделга асосланган регрессия натижалари куйидаги жадвалда келтирилган. Моделга асосан, учта ликвидлилик кўрсаткичлари учун алоҳида қўп омилли регрессия амалга оширилди.

4.6-жадвал

Регрессия натижалари

	$LIQ1_t$	$LIQ2_t$	$LIQ3_t$
$LIQ1_{t-1}$	0.740*** (0.17)		
$LIQ1_{t-2}$	0.313* (0.185)		
$LIQ2_{t-1}$		0.976*** (0.047)	
$LIQ3_{t-1}$			1.082*** (0.029)
FC_t	-0.002 (0.004)	0.002 (0.003)	-0.002 (0.007)
MK_t	-0.103 (0.305)	-0.572*** (0.194)	-2.214*** (0.571)
$Z - SCORE_t$	0.000 (0.000)	0.000 (0.000)	0.000 (0.000)
ROA_t	1.973 (1.237)	-1.702** (0.761)	-10.343*** (2.149)
R-квадрат	0.73	0.95	0.98
Бреусч – Годфрей автокорреляция тести	0.725 [0.492]	1.807 [0.188]	0.164 [0.688]
Харвей гетероскедастиклик тести	1.093 [0.388]	1.473 [0.225]	1.803 [0.139]
Кузагувлар сони	38	39	39

*** 1% лик статистик аҳамиятга эга

** 5% лик статистик аҳамиятга эга

* 10% лик статистик аҳамиятга эга

Натижалар гетероскедастиклик ва автокорреляцияга робастлиги Бреусч–Годфрей автокорреляция тести ҳамда Харвейнинг гетероскедастиклик тестлари ёрдамида текширилди. Ушбу тест натижаларига кўра регрессия натижалари робаст.

Омиллар таҳлилидан мажбуриятлар нархи, FC_t , барча регрессия натижаларида статистик жиҳатдан аҳамиятли эмаслигини кўриш мумкин. Шунингдек, ушбу омилнинг иктисодий кўлами ҳам жуда

кичик микдорда бўлиб, биринчи ва иккинчи ликвидлилик кўрсаткичлари билан амалга оширилган регрессияда омилнинг таъсир йўналиши гипотезада кўрсатилганидек салбий эканлигини кўриш мумкин.

Активлар сифати, MK_t , кўрсаткичининг таъсир йўналиши барча регрессия натижаларига кўра гипотезада қутилгандек салбий йўналишга эгалигини кўриш мумкин. Биринчи ликвидлилик кўрсаткичи билан амалга оширилган регрессияга кўра активлар сифатининг таъсири иқтисодий жиҳатдан сезиларли даражада юқори бўлсада статистик жиҳатдан аҳамиятли эмас. Иккинчи ва учинчи ликвидлилик кўрсаткичлари билан амалга оширилган регрессия натижалари ҳам иқтисодий, ҳам статистик жиҳатдан юқори аҳамиятга эга.

Активлар сифатининг бузилиши банк ликвидлигига салбий таъсир кўрсатиши ушбу регрессия натижаларида эмпирик исботини топмоқда. Капитал етарлилиги, $Z - SCORE_t$, барча регрессия натижаларида ликвидлилик кўрсаткичларига таъсири мавжуд эмаслигини кўрсатмоқда.

ROA_t кўрсаткичининг иккинчи ва учинчи ликвидлилик кўрсаткичларига таъсири гипотезада қутилганидек салбий ҳамда статистик жиҳатдан юқори даражада аҳамиятли. Ушбу кўрсаткичининг бошқа кўрсаткичларга нисбатан таъсир кўлами ҳам юқори даражада бўлиб, банклар активларида даромадли активларнинг ошириши уларнинг ликвидлигига бошқа омилларга нисбатан кучлироқ таъсир этишини кўрсатмоқда.

Юқоридаги ликвидлилик ўзгарувчиларини $ARIMA(p,d,q)$ модели асосида 2021 йил 4-чорагигача бўлган давр учун прогноз қилинди. Прогноз қилинаётган давр 13 та чоракни камраб олади.


$LIQ1_t$ кўрсаткичини прогноз қилишда $ARIMA(0,1,1)$ моделидан фойдаланилди. Ушбу модель барча модель диагностика талабларига жавоб бергани учун ҳам танланди. Қуйидаги чизмада келтирилган прогноз натижаларига кўра юқори ликвидли активларнинг умумий активлардаги улуши кейинги даврларда пасайишда давом этади. Бу, ўз навбатида, банклар келгусида ҳам активларнинг даромадлигига кўпроқ эътибор қаратишини англатади.

Умуман олганда, 80%лик ишонч интервалига кўра, 2021 йилгача ушбу кўрсаткич $[0.08, 0.22]$ оралиғида бўлади. 95%лик ишонч интервалига кўра эса, $[0.05, 0.26]$ оралиғида бўлади.

ARIMA (0,1,1) модели асосида прогноз натижалари

Чораклар	Прогноз	Қуйи 80%	Юқори 80%	Қуйи 95%	Юқори 95%
12/31/2018	0.202048	0.17451383	0.2295821	0.159938131	0.2441578
3/31/2019	0.1981102	0.16516926	0.2310512	0.147731376	0.248489
6/30/2019	0.1941724	0.15659475	0.2317501	0.136702322	0.2516426
9/30/2019	0.1902347	0.14853264	0.2319367	0.126456917	0.2540124
12/31/2019	0.1862969	0.14084324	0.2317506	0.116781512	0.2558123
3/31/2020	0.1823591	0.13344071	0.2312776	0.107544851	0.2571734
6/30/2020	0.1784214	0.12626785	0.2305749	0.098659442	0.2581833
9/30/2020	0.1744836	0.11928427	0.229683	0.090063506	0.2589037
12/31/2020	0.1705458	0.11246018	0.2286315	0.081711493	0.2593802
3/31/2021	0.1666081	0.10577288	0.2274433	0.073568678	0.2596475
6/30/2021	0.1626703	0.09920459	0.226136	0.065607869	0.2597328
9/30/2021	0.1587325	0.09274107	0.224724	0.057807297	0.2596578
12/31/2021	0.1547948	0.08637072	0.2232188	0.050149217	0.2594403

Юқоридаги жадвал асосида прогноз натижалари қуйидаги расмда келтирилди.



ХУЛОСА

Тадқиқотни бажариш натижасида тижорат банкларининг ликвидлилиги ва тўлов қобилиятини таъминлаш бўйича қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

1. Таниқли иктисодчи олимларнинг тижорат банкларининг ликвидлилиги хусусидаги илмий-назарий қарашларини тадқиқ қилиш натижалари кўрсатдики:

– тижорат банкининг ликвидлилиги – бу унинг активлари ва пассивлари ўртасидаги мутаносиблик, жойлаштирилган активлар ва жалб қилинган ресурсларнинг муддатлари ўртасидаги мувофиқлик даражасидир;

– тижорат банкининг ликвидлилиги – бу унинг ўз мажбуриятлари бўйича ўз вақтида ва тўлиқ жавоб бера олиши ҳамда мижозларнинг янги маҳсулотлар ва хизматларга бўлган талабларини қондира олишидир;

– тижорат банкининг ликвидлилиги деганда, банкининг ўз мажбуриятларини бажариши учун зарур бўлган миқдорда ликвидли активларга эга бўлиши тушунилади;

– ликвидлилиқ – банк фаолиятининг муҳим сифат тавсифи бўлиб, ликвидлилиқни таъминлаш учун банк балансининг шундай таркибини шакллантириши керакки, бунда активлар ўз қийматини йўқотмаган ҳолда, пассивлар талаб қилиниши билан ўз вақтида пул маблағларига айланиши керак.

2. Таниқли иктисодчи олимларнинг тижорат банкининг ликвидлилиги хусусидаги илмий-назарий қарашларидан келиб чиққан ҳолда шундай хулоса шакллантирилди: тижорат банкининг ликвидлилиги уларни ўз мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ бажаришлари учун етарли даражада ликвидли активларга эга бўлиши сифатида талқин қилинмоқда. Бунинг учун эса, тижорат банкининг активлари ва жалб қилинган маблағлари ўртасида мутаносиблик таъминланган бўлиши керак.

